Ҳозирги даврда корхоналар ўз бухгалтерия ҳисобини юритишда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланмоқдалар. Бунда корхоналарга бирламчи хужжатларни ҳамма стандартлар талабига риоя этган ҳолда, ҳисоблаш техникалари орқали ишлаб чиқаришга рухсат этилган.

Ўзбекистон Республикаси ўрнатган қонунчилигида белгиланган ҳолларда баъзи хужжатлар қатъий ҳисобда олиб борилади. Бундай бланкалардан фойдаланиш ва улар асосида ҳисоб юритиш тартиби ҳамда улардан фойдаланувчи корхоналар доираси молия вазирлиги ва тегишли бошқармалари томонидан белгиланади.

Қатъий ҳисобда турган бланкалар ўрнатилган тартибда тартиб рақами билан белгиланади, албатта корхона муҳри, маъсул ходими имзо билан ҳам тасдиқланиши зарур.

Бланкаларга маълумотлар акс эттирилиш аҳамияти шундаки, авваламбор хўжалик жараёни исботини берса, иккинчидан мулкчилик сақланишини таъминлайди ва яна корхона ички бошқаруви учун ҳамда

юқори бошқаруви, аудит назорати, текшируви учун ҳам хизмат қилади. ҳужжатдаги маълумотлардан фойдаланиб корхона, муассасалар, ташкилотлар фаолияти ўрганилади, таҳлил қилинади, баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилиб улар асосида чора-тадбирлари белгиланади, тегишли қонун қоидалар қабул қилинади ва ҳаётга тадбиқ этилади.

3.2. Ҳужжатларни турлари.

Ҳўжалик жараёнлари турли-туманлиги уларнинг акс эттирувчи ҳужжатларни ҳам турли бўлишига сабаб бўлиши табиийдир. Ҳужжатлар бир неча хусусиятларга кура туркумларга ажратилади, бундай гуруҳлашга сабаб, ҳужжатлаштириш ишларини, улардан ҳисоб ишларида фойдаланишни ҳамда улар айланишини, саклашини осонлаштиришдир.

Ҳужжатлар тузилиши тартибига, вазифасига, ҳўжалик жараёнини акс эттиришига, каерда тузилиши хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади.

Тузилиш тартибига кўра, дастлабки ва йиғма ҳужжатларга бўлинадик, буни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Ҳўжалик жараёни рўй берганда албатта ҳужжатлаштирилиши шарт, масалан, товар келтириш учун асос бўлган ТТН (Товар транспорт накладной), касса кими ва чиқим ордерлари ва ҳоказо. Булар бир ҳўжалик жараёнини ўзида акс эттиради, ҳамда дастлабки ҳужжатларга мисол бўлади.

Шу дастлабки ҳужжатлар текширилиб, улар асосида йиғмаҳужжатлар тузилади ва бу ҳужжатлар маълум бир давр ичида рўй берган жараёнлар ҳақида маълумотлар беради.

Йиғма ҳужжатларга товар ҳисоботи, кассир ҳисоботини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳужжатлар яна уларни вазифасига кура 5 турга ажратилади.

1. Фармойиш берувчи ҳужжатлар.
2. Тасдиқловчи ҳужжатлар.
3. Фармойиш-тасдиқловчи ҳужжатлар.
4. Рамийлаштириш ҳужжатлари.
5. Ахборот ҳужжатлари.

1.Бирор ҳўжалик жараёнини бажариш учун албатта маъсул ходимлар томонидан буйруқ берилади ёки жамоа қарор қабул қилади. Унда жараёни бажарувчи шахслар, ҳамда жараёнлар бажарилиши муддати кўрсатилган бўлади. Шундай қилиб бирор ҳўжалик жараёнини бажарилишига фармон берувчи ҳужжатлар, фармойиш ҳужжатлари дейилади. Улар асосида бухгалтерия проводкалари бажарилмайди, балки корхона бошқарувини ходимлари ишлар юзасидан назоратни ўрнатиш учун хизмат қилади.

2. Ходим, маъсул шахсни бирор ҳўжалик жараёнини бажарганини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам амалда қўлланилади. Масалан, асосий воситаларни қабул қилиш, топшириш акти асосий воситаларни қабул

қилинганини, тўлов ведомостлари меҳнат ҳақи берилганини (депонентлаштирилганлигини) исботлайди. Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатлар тасдиқловчи ҳужжатлар дейилади.

3. Корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишда шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бир вақтнинг ўзида жараён бажарилишига фармон берилиши билан бирга, жараён бажарилганлигини тасдиқлаш хусусияти ҳам мужассамлаштирилгандир. Масалан, тўлов топшириқномаси корхонанинг банкдаги «ҳисоблашиш» счетидан тўлов ўтказилишига буйруқ берилиши билан бирга счетдан пул ўтказилганлигини ҳам исботлайди. Бундай ҳужжатларга тўлов талабномаси, касса чиқим ордерларини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларда 2 хусусият мужассамлаштирилганлиги сабабли, фармойиш тасдиқловчи ҳужжатлар деб аталади.

4. Бухгалтерия ҳисоби юритишда ҳўжалик жараёнлари рўй бериши билан бевосита боғлиқ бўлмаган, аммо ҳисоб ишларида аҳамиятли ҳужжатлар ҳам борки, улар расмийлаштириш ҳужжатлар деб аталади. Масалан, корхонада мавжуд бўлган асосий воситаларга эскириш суммасини ҳисоблаш ведомостлари, бухгалтерия маълумотномалари, сотилган товарларга доир ўртача савдо устамасини ҳисоблаш жадвали, сотилган товарларга тегишли транспорт харажатларини ҳисоблаш жадвали ва хоказо. Улардан бухгалтерия ҳисоби регистрларига тегишли ёзувларни акс эттиришда фойдаланилади.

5. Корхонада рўй берган ҳўжалик жараёнларини асоси ҳисобланган уни молиявий ҳолати, товар моддий бойликлари захиралари ҳақида ахборот берувчи ҳужжатлар, ички бошқарув ва юқори ташкилот ва муассасалари, давлат солиқ назорати, кредиторлар, ҳиссадорлар, таъсисчилар, ташқи аудиторларга зарурий вақтларда тегишли ахборотлар олишда хизмат қилади. Бундай ахборот ҳужжатларга мол етказиб берувчилар, пудратчилар билан тузилган шартномалар, банк муассасалари билан тузилган шартномалар товар моддий бойликлари захиралари, табиий камайиш меъёрлари мисол бўла олади.

Ҳужжатлар қаерда тузилишига кўра икки тўрға бўлинади.

1. Корхона ўзида тузилган ҳужжатлар
2. Бошқа корхоналарда тузилган ҳужжатлар.

Корхонада содир этилган жараёнлар учун асос бўлган ва уни ўзида тузилган ҳужжатларга ҳисобдор шахс аванс ҳисоботи, ҳисоб-тўлов ведомости, касса кирим ва чиқим ордерлари, ҳисоботлар мисол бўлади.

Корхона бухгалтериясидаги счетларда тегишли маълумотларни акс эттиришда бошқа корхоналарда расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳам асос бўладикки, уларга ҳисоб-китоб счетидан кўчирма, унга илова қилинган тўлов талабномаларини, мол етказиб берувчи ташкилот юборган товар(маҳсулот) учун асос бўлувчи ТТН, юк квитанциялари ва бошқалар мисол бўлади.

Хужжатлар махсус бланкаларга хўжалик жараёнларини акс эттириш орқали олинар экан, хўжалик жараёнлари турлилиги улар акс эттирилган хужжатларда реквизитлар турлича бўлишига олиб келади. хужжатлардаги реквизитлар ҳақида сўз юритишдан олдин, бланкалардаги реквизитларни билиб олмоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки, маълумотлар ҳар томонлама талабга жавоб берувчи бланкаларда акс эттирилиши лозим:

- бланкаларда статистика қўмитаси белгиланган шакл коди бўлиши;
- хўжалик жараёнини акс эттириш учун махсус қаторлар бўлиши;
- маъсул ходимлар имзоси ва муҳр учун ўрин ажратилиши ва хоказо.

3.3. Хужжатлардаги реквизитлар ва хужжатларни расмийлаштириш.

Дастлабки хужжатлар ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун қўйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши зарур:

- хужжат (шакл) номи, шакл коди;
- тузилган муддати;
- хўжалик жараёнини мазмуни;
- хўжалик жараёни суммаси (сўзда ва сонда);
- хўжалик жараёни учун маъсул шахслар номи,
- хужжатларни тўғри расмийлаштирилишига жавобгар шахс номи ва имзоси.

Зарурий ҳолларда хужжатларда қўшимча реквизитлар ҳам акс эттирилиши мумкин. Масалан, хужжат тартиб рақами, корхона номи ва манзили, жараёни содир этилиши учун асос, хужжатлаштирилаётган жараёни аниқлашга мўлжалланган бошқа реквизитлар.

Бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган шароитларда хужжатлар реквизитлари код кўринишида акс эттирилиши мумкин.

Хужжатлардаги реквизитлар аниқ ва тўғри ҳолда, кимевий қаламда, шарикли, сиёҳли ручкада, ёзув машиналари орқали акс эттирилиши мумкин. хужжатлардаги ёзувларни оддий қаламда ёзишга рухсат этилмаслигига сабаб, хужжатларни архивларда узоқ сақланиши давомида ёзувларни тўлиқ сақланишини таъминлашдир. хужжат давомида бланкалардаги махсус қаторларда бўш қолган қаторларга албатта чизик тортилиши керак, бу билан мумкин бўлмаган ёзувлар олди олинади.

Хужжатларда албатта, улардаги ёзувлар ҳақиқийлигини тасдиқлаш ҳуқуқига эга шахслар бўлиб, улар сони, рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Қиммат ва жуда камёб моддий бойликлар берилиши расмийлаштириладиган хужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эга шахслар чегараланган бўлиши керак.

Хужжатларда ўчириб ёзишлар бўлиши мумкин эмас, зарурият туғилиб қолганда эса, тузатиш имзо ва сўз билан тасдиқлаб қўйилиши шарт. хужжатларда бўяб, ноаниқ ёзувлар бўлишига йўл қўйилмаслиги керак.

Касса жараёнлари акс эттирилган ҳужжатларга тузатишлар киритиш мумкин эмас.

3.4. Ҳужжатларни айланиши.

Хўжалик жараёни содир этилганини исботловчи ёки жараён содир этилишига асос бўлувчи ҳужжатлар бир неча маъсул шахсларда, бўлимларда, корхоналарда ҳаракатда бўлади ва ўз мўлжали бўйича хизмат қилиб бўлганидан сўнг, белгиланган тартибда архивга топширилади, яъни ҳужжат айланиши содир бўлади. Демак, ҳужжат айланиши-бирламчи ҳужжатларни тузилиб, уларни қайта ишлаб ва умумлаштириб, гуруҳлашдан сўнг, архивга топширилгунча ҳаракатидир.

Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар мажбурий текширувдан ўтиши керак. Ҳужжатни текширишда қўйидагиларни эътиборга олиш керак бўлади:

Шакл нуктаи назаридан (ҳужжат тўғри тўлдирилганлиги, ҳамма реквизитлар мавжудлиги, тўлиқлиги).

Мазмун туктаи назаридан (ҳужжатлаштирилаётган жараён қонунийлиги, иқтисодий мазмунга эга эканлиги алоҳида кўрсаткичлар мантикий боғлиқлиги, арифметик хатолар йўқлиги).

Иқтисодий мантиқсиз, қонунга ҳилоф ҳужжат жараёнлари акс эттирилган ҳужжатлар расмийлаштиришга ва жараённи бажарилишига қабул қилинмайди. Бундай ҳужжатлар тегишли қарор қабул қилиш учун корхона бошқарма бухгалтерияларига топширилиши шарт.

Қайта ишланган ҳужжатларга албатта тегишли белги қўйилиши лозим. Бу билан ҳужжатни яна қайта ишлаш олди олинади. Агар ҳужжат қўлда қайта ишланса, ҳисоб регистрга ёзилган муддати, агар қайта ишлаш ҳисоблаш қурилмаси орқали амалга оширилса, уларни қайта ишлашга жавобгар назоратчи штамп орқали белги қўяди.

Касса жараёнларига асос бўлувчи касса кимим ва чиқим ордерларига, тўлов ведомотсларига жараён амалга оширилган заҳоти қўлда е штампда «олинди» ёки «тўланди» деган сўзлар муддатни (кун, ой, йил) кўрсатилиб акс эттирилиш шарт.

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ҳаракати, яъни ташкил этиш ёки бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалардан ҳисобга, қайта ишлашга, архивга узатиш учун олиниши рўйхат билан тартибга солинади.

Ҳужжат айланиши рўйхатини тузиш ишларини бош бухгалтер ташкил этади ва ҳужжат айланиши рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатни тузишдан мақсад, ҳисоб ишларини осонлаштириш, ҳужжат айланишини оқилона ташкил этишдан иборат. ҳужжат айланиши рўйхати схема кўринишида расмийлаштирилиши мумкин. Ёки жадвал кўринишида бўлиб, қўйидаги реквизитларга эга бўлади: ҳужжат номи, ҳужжатни тузиш (нусха сони, расмийлаштирувчи маъсул, бажарилишга маъсул, бажарилиш

муддати) ҳужжатни текшириш (текширишга маъсул, ким келтириши, келтириш тартиби, келтириш муддати), ҳужжатни қайта ишлаш (ким бажариши, қайта ишлаш муддати) архивга бериш (ким беради, бериш муддати), ҳамда рўйхатни тасдиқлаш буйриғи тартиб рақами ва муддати, корхона муҳри, корхона бош бухгалтери ва раҳбари имзоси .

Корхона ходимлари ҳужжат айланиши рўйхатига асосан, улар фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни тузади ва такдим этади. ҳужжатни ўз вақтида тўғри тўлдирилиши, белгиланган, муддатда такдим этилиши , улардаги маълумотлар ишончлилигига жавобгарлик шу ҳужжатни тузган ва имзо чеккан шахсга юклатилади.

Корхона бўйича ҳужжат айланиши рўйхати бўйича ишлар ўз вақтида бажарилишини бош бухгалтер назорат этиб боради.

Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб ведомостлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва балансари архивга топширилиши мажбурийдир.

Ҳужжатлар архивга топширилгунга қадар бухгалтерияда махсус бинода ёки корхона раҳбари тайинлаган моддий жавобгар шахс маъсуллигида бекитиладиган шкафларда сақланади.

Қатъий ҳисобдаги бланкалар эса , улар сақланишини таъминлайдиган сейфларда, металл шкафларда, махсус биноларда сақланади. Аниқ бир, ҳисоб ведомостига тааллуқли, жорий ойда қайта ишланган дастлабки ҳужжатлар хронологик тартибда йиғилиб архивга маълумотнома билан узатилади.

Касса ордерлари, ҳисобдорлик ҳисоботлари, банк кўчирмалари улар иловалари билан бирга хронологик тартибда йиғилади ва тахтланади. Баъзи бир ҳужжатлар тахтланмаслиги мумкин, аммо улар йўқотилиши ёки суйистеъмолликни олдини олиш мақсадида тикиб қўйилади.

Корхона архивида дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрларини, ҳисоботларни сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси архиви бош бошқармасини материалларини сақлаш кўрсатмасига кура, ўрнатилади.

Ҳужжатларни бухгалтериядан ва архивдан бошқа тармоқ хоимларига берилиши корхона бош бухгалтерия рухсати билан амалга оширилади.

Корхонадан ҳужжатларни фақат аниқлаш дастлабки тергов, прокуратура ва суд ташкилотлари томонидан амалдаги қонунчиликга жавоб берган ҳоллардаги қарорларига асосан олинishi мумкин. ҳужжат олинishi баённома билан расмийлаштирилиб, уни бир нусхаси корхона тегишли маъсул ходимига имзо билан берилади. ҳужжат олган ташкилот рухсати ва вакили иштирокида, тегишли маъсул ходим олинган ҳужжатдан нусха олиши мумкин ва унда асосни кўрсатилиши ва олинган муддати кўрсатилиши керак.

3.5. Инвентаризация ҳақида тушунча, уни аҳамияти ва турлари.

Корхонада мавжуд бўлган мулкликлар сақланишини таъминлаш, улар назоратини яхшилаш мақсадида, юритилаётган ҳисоб маълумотлари

нечоғлик хақикийлиги, тўғрилигини текшириш мақсадида инвентаризация ўтказилади. Корхонадаги мулклар деганда, асосий воситалар, номоддий, активлар, ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, товар, пул маблағлари ва бошқа молиявий активлар тушунилади. Корхонанинг молиявий мажбуриятлари ҳам инвентаризация қилиниб, бундай мажбуриятларга кредиторлик қарзлари, банк кредитлари, олинган қарзлар тушунилади.

Корхоналарда йиллик ҳисобот тузилиб, бундаги маълумотлар албатта, хақикий маълумотлар асосида бўлмоғи лозим. Бу шарт бажарилиши учун ҳам корхона инвентаризацияси ўтказилмоғи шартдир.

Инвентаризация - корхона маблағини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан солиштириш демакдир.

Корхоналарда асосан, 1 октябрдан кейин инвентаризация ўтказилади, бунга сабаб йиллик баланс маълумотларини хақикийлигини таъминлашдир. Аммо қўйидаги ҳолатларга ҳам эътиборни қаратмоқ зарур: кутубхона фондлари 5 йилда бир, йирик асосий воситаларни 3 йилда бир, озиқ-овқат товарларини бир йилда 2 марта, кассадаги нақд пуллар эса ҳар ойда инвентаризация қилинади.

Ҳозирги даврда корхоналарга берилган мустақиллик уларнинг ҳамма фаолиятларида ўз аксини топмоқда. Шулар жумласидан, инвентаризация ўтказиш муддати ва объекти кўрсатилган рўйхат ҳам, корхона раҳбарияти томонидан мустақил равишда йил бошига тузилади. Бу рўйхатга биноан, корхонада доимо амалиётда бўладиган инвентаризация комиссия аъзолари таркиби ҳам тузилган бўлади. Буларни ҳаммаси корхона раҳбари тасдиқлайди. Инвентаризация ўтказиш ҳақидаги рўйхат бўйича амалга ошириладиган инвентаризация режали ҳисобланади.

Режасиз инвентаризация эса, қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

1. моддий жавобгар шахс ўзгарганда;
2. моддий жавобгарликнинг бригада усулида:
 - а) 50 % бригада аъзолари ўзгарганида;
 - б) бригада бошлиғи ўзгарганида;
3. ёнғин, табиий офатлар рўй берганда, улар тугатилган заҳоти;
4. ўғирлик ҳақида маълумот олинган заҳоти;
5. мулкчилик шакли ўзгарганда;
6. инвентаризация ўтказилиши ҳақида моддий жавобгарлик бригада аъзоларидан ариза олинганда;
7. бойликлар бузилиши аниқланганда;
8. бойликлар қайта баҳоланиши амалга оширилганда;
9. асосий воситалар ижараси рўй берганда (асосий воситалар инвентаризацияси);
10. корхона тугатилаётганда

Инвентаризацияни юқоридаги, ўтказиш тартибига кўра турга бўлишдан ташқари, қўйидаги хусусиятига қараб ҳам турга ажратиш

мумкин. Маблағлар қанча қисмини инвентаризация қилишига кўра икки хил бўлади:

1. Тўлик;
2. Қисман.

Тўлик инвентаризацияда корхона мулкларининг барчаси инвентаризация қилинади. Бундай инвентаризация 1 йилда бир бор ўтказилиши шарт. (йиллик ҳисобот тузилишидан олдин).

Қисман инвентаризация корхона мулкларининг маълум бир қисмигина инвентаризация объекти бўлиши билан хусусиятлидир.

3.6. Инвентаризация ўтказиш ва натижасини расмийлаштириш.

Инвентаризациянинг қандай тури ўтказилаётганлигидан қатъий назар, уни ўтказиш ҳақида корхона раҳбари буйруғи тузилиши шарт. Бу буйруқда қуйидаги реквизитлар акс эттирилган бўлиши лозим: буйруқ тартиб рақами, корхона номи, буйруқ ёзилган муддат, инвентаризация ўтказилиши лозим бўлган бўлим, инвентаризация объекти (моддий бойлик ва молиявий мажбуриятлар), инвентаризация бошлаш ва тугатиш муддатлари, инвентаризация ўтказиш сабаби, инвентаризация ҳужжатларини бухгалтерияга топшириш муддати, раҳбар исми ва имзоси, корхона муҳри.

Корхоналарда инвентаризация ўтказиш ҳақидаги буйруқлар бажарилиши устидан назорат таъминлаш мақсадида, рўйхат китоби юритилиб, уни номи «Инвентаризация ўтказиш ҳақида буйруқлар бажарилиш назорат китоби». Ундаги реквизитлар қуйидагилардан иборат: корхона номи, инвентаризация бошланиши муддати, тугатиш муддати, инвентаризация ўтказиладиган корхона, омбор, цех, бўлим номи ва ҳоказо, моддий жавобгар шахс фамилияси, буйруқ (тартиб рақами, муддати), инвентаризация комиссияси аъзолари, буйруқни олинганлигини тасдиқловчи имзо, инвентаризация этиладиган бойлик номи, инвентаризация ўтказиш муддати (буйруқга кўра, ҳақиқатда) тугатилиши муддати (буйруқга кўра, ҳақиқатда), инвентаризация қатнашчилари ҳақида белги дастлабки натижа (муддат, етишмовчилик, ортиқча суммалар), сўнгги натижалар (муддат, етишмовчилик ортиқча суммалар), натижаларни тасдиқланган муддати, етишмовчилик бўйича қабул қилинган тадбир муддати, етишмовчиликни қоплаш ишни тергов органларига бериш, белги қўйиш қатори.

Буйруқни олиб, уни олинганлиги ҳақида рўйхатга имзо чеккан комиссия аъзолари, белгиланган объектга борганларидан сўнг, инвентаризация бошладан олдин инвентаризация муддатига, кирим ва чиқим ҳужжатларини ёки моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳаракати ҳақида ҳисоботларни охиргиларини олишлари шарт.

Инвентаризация комиссияси раҳбари ҳисоб реестрларига (ҳисоботларига) илова қилинган ҳамма кирим ва чиқим ҳужжатларига имзо қўяди. Бу ҳужжатлар бухгалтерияда, инвентаризация бошлангунга қадар

ҳисоб бўйича моддий бойликлар қолдиғини ҳисоблашга асос бўлади. Инвентаризация қилинаётган бойликни келтириш бўйича ҳисобдорлик суммаларига эга ёки уни қабул қилишга ишночномага эга бўлган шахслардан ҳам тилхат олинishi лозим.

Моддий бойликлар ва ҳисобланган молиявий мажбуриятлар ҳақиқий ҳолати ҳақидаги маълумотлар инвентаризация ёзуви ёки инвентаризация далолатномаларига икки нусхадан кам бўлмаган миқдорда расмийлаштирилади.

Инвентаризация комиссия аъзолари инвентаризация объектлари охири қолдиқларини тўлиқ ва аниқ акс эттиришлари, инвентаризация маълумотларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштиришлари лозим.

Корхонада инвентаризация этилаётган мулклар ҳақиқий қолдиғи ўлчаш, тортиш, санаш орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам корхона раҳбари инвентаризация белгиланган муддатда бошланишини ва оқилона ташкил этилишини таъминлаш шарт-шароитларини яратмоғи зарур. Бундай шарт-шароитларга билан ёрдамчи иш кучлари билан, хўжалик, тортиш асбоблари, ва улар техник созлиғини таъминлашлари мисол бўлади.

Корхона товарлар ва бошқа моддий захиралари инвентаризация қилинаётганда, улар мол етказиб берувчилар ўровларида сақланаётган бўлса, танлов усулида текшириш ишлари олиб борилиши мумкин. Танлов усулида бойликларни баъзи бирларигина ўлчаниши, саналиши мумкин, агар ҳисобдагилардан фарқлар аниқланса, моддий бойликнинг ҳаммаси инвентаризациядан ўтказиши шарт бўлади. Кўп миқдорда тортиладиган товарлар инвентаризацияси олиб борилаётганда, инвентаризация комиссия аъзоларидан бири моддий жавобгар шахс билан тортиш ведомостларига маълумотларини акс эттириб боради. Кун охири ёки ўлчаш охирига борганда ушбу ведомостлар маълумотлари умумлаштирилиб, жами кўрсаткичлар инвентаризация рўйхатида акс эттирилади.

Ўлчаш далолатномалари, техник ҳисоблашиш ва тортиш ведомостлари инвентаризация рўйхатига илова қилиниши шарт.

Корхона мулклари ҳақиқий миқдори инвентаризация орқали аниқланаётганда, моддий жавобгар шахс қатнашмоғи лозимдир.

Инвентаризация далолатномалари ва инвентаризация рўйхатлари ёзма равишда, шунингдек, ҳисоблаш техникаси ва ёзув машиналари орқали тўлдирилиши мумкин. Ушбу ҳужжатларни тўлдиришда ўчириб ёзишлар ва бўяшларга йўл қўймаслик зарур. Инвентаризация қилинаётган товар моддий бойликлари ва бошқа объектлари инвентаризация ёзувларига акс эттирилади. Инвентаризация объектлари улар аналитик ҳисоби рўйхати бўйича инвентаризация рўйхатига тартиб рақами, ўлчов бирлиги, миқдори акс эттирилиб борилади.

Агар хатолик билан акс эттирилган ёзувлар аниқланса, устидан чизиб, тўғри ёзув акс эттирилади ва бу комиссия аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахс имзоси билан тасдиқланади.

Агарда инвентаризация ёзув ва рўйхатларида, солиштирма ведомостларида бўш қаторлар бўлса, чизик тортилиши керакки, бу билан қўшимча ёзувлар орқали инвентаризация маълумотларини ҳақиқатдан четланиши олди олинган бўлади.

Инвентаризацияни расмийлаштирилиши билан боғлиқ инвентаризация далолатномаси ва инвентаризация рўйхатини инвентаризация комиссия аъзоларининг барчалари ва моддий жавобгар шахс имзолари билан тасдиқлашлари керак.

Ҳисоб ва инвентаризация маълумотлари солиштирма ведомостларида солиштирилади. Ортиқча ёки етишмовчиликларни миқдор ва қиймат кўринишида акс эттириш шу солиштирма ведомостларида амалга оширилади.

Корхона мулклари инвентаризациясида қўлланиладиган ҳужжатлар рўйхати қўйидагилардан иборат:

№ инв. 1 шакл. Асосий воситалар инвентаризация ёзуви - корхона асосий воситалар инвентаризация маълумотларини расмийлаштиришда қўлланилади. Активлар жойлашган ўрни, ҳамда сақланишига моддий жавобгар маҳсулотлар бўйича алоҳида бир нусхада тўлдирилиб, комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади, сўнгра бухгалтерияга топширилади.

№ инв 2. Шакл. Инвентаризация ёрлиги. Ушбу ҳужжат ишлаб чиқариш шароитларига кўра инвентаризация комиссия аъзолари корхона омборларидаги хом аше, тайёр маҳсулот, товар ва бошқа моддий бойликларни дархол санаб чиқа олмаганларида ва инвентаризация рўйхатида акс эттира олмаганларида қўлланилади. Инвентаризация ёрлиги комиссия аъзолари томонидан тўлдирилиб, ҳисобланган товар моддий бойликлари билан бирга улар жойлашган ерида сақланади.

№ инв 3. Шакл. Товар моддий бойликлари инвентаризация рўйхати. Корхонадаги хом ашелар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар ва бошқаларни ҳақиқатдаги қолдиғини акс эттиришда қўлланилиб, моддий бойликлар жойлашган ўрни, ўрнатилган моддий жавобгарлиги бўйича алоҳида тузилади. Инвентаризация рўйхати комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс имзо чекканларидан сўнг, солиштирма ведомостини тузиш учун бухгалтерияга юборилади.

№ инв 4 Шакл. Жўнатилган товарлар инвентаризация далолатномаси. Ушбу далолатнома корхоналарга жўнатилган товарлар ҳақикий қийматини аниқлашда қўлланилади. Тўлаш муддати ўтиб кетган ва тўлаш муддати етмаган жўнатилган товарлар бўйича алоҳида бир нусхадан тўлдирилиб, комиссия аъзолари имзолаб, бухгалтерияга топширидилар.

№ инв. 5. Шакл. Маъсул сақлашга қабул қилинган (берилган) товар моддий бойликлар инвентаризация рўйхати. Ушбу инвентаризация рўйхати маъсул сақлашга олинган (берилган) товар. моддий бойликлар ҳақикий қийматини аниқлашда қўлланилади. Инвентаризация рўйхати бир

нусада тўлдирилиб комиссия аъзолари моддий жавобгар шахс имзо чекканларидан сўнг, солиштира ведомостини тузиш учун бухгалтерияга юборилади.

№ инв. 6. Шакл. Йўлдаги материаллар ва товарлар инвентаризация далолатномаси. Ушбу далолатнома инвентаризация мобайнида йўлда бўлган маҳсулотлар ва товарлар ҳақиқий миқдори ва қийматини аниқлашда фойдаланилади. Материал ва товарлар йўлда эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида далолатнома бир нусада тўлдирилиб, комиссия аъзолари томонидан имзо билан тасдиқланиб корхона бухгалтериясига топширилади.

Инв - 4, инв- 5, инв - 6 , инвентаризация далолатномалари рўйхатлари ўрнига бухгалтерия журнал ордер ведомостлари шаклида қўлланилиши мумкин.

№ инв. 10 Шакл. Асосий воситалар тугалланмаган таъмирлаш ишлари инвентаризация далолатномаси. Ушбу далолатнома бино, иншоат, техник-таъминот воситалари, асбоб ускуналар ва бошқа асосий воситалар объектларини тугалланмаган капитал таъмирлаш ишлари инвентаризасини ўтказишда қўлланилади. Бажарилган ишлар ҳолати текшируви асосида бир нусада тўлдирилиб , комиссия аъзолари, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

№ инв 11 Шакл. Келгуси давр харажатларини инвентаризация далолатномаси. Корхоналар келгуси давр харажатлари ҳисоби юритиладиган счот маълумотларини текшириш асосида тузилиб, имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

№ 15 Инвентаризация. Пул маблағлари инвентаризация далолатномаси.

Кассадаги нақд пуллар ҳақиқий миқдорини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган инвентаризация маълумотларини акс эттиришда қўлланилди.

Комиссия аъзолари қимматбаҳо қоғозлар, лимитлаштирилган чек дафтарчалари, нақд пуллар миқдорини санаш орқали аниқлаб, далолатномани икки нусада тўлдирадilar. Ушбу далолатномага комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс имзо чекади ва бир нусхаси бухгалтерияга топширилади, иккинчи нусхаси эса моддий жавобгар шахсда қолади.

Моддий жавобгар шахс ўзгараётганда ўтказиладиган инвентаризация № 15 инвентаризация шакли 3 нусада тўлдирилади. Бири бухгалтерия, иккинчи, учинчи нусхалари эса моддий жавобгарликни топшираётган ва қабул қилиб олаётган шахсларга берилади.

№ 16 инвентаризация ёзуви. Ушбу ҳужжат қимматбаҳо қоғозлар ва қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар ҳақиқий миқдорини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган инвентаризация маълумотларини расмийлаштиришда қўлланилади.

Қатъий ҳисобдаги ҳужжат бланкаларига бензин талонлари, йўл чипталари ва бошқалар мисол бўлади.

Инвентаризация ёзуви икки нусхада тўлдирилиб, бири бухгалтерияга, иккинчиси эса қимматбаҳо қоғозларни қатъий ҳисобдаги бланкаларни моддий жавобгарликка олаётган шахсда қолади.

№ 17 инв. Харидорлар билан ҳисоблашиш инвентаризация далолатномаси харидорлар мол етказиб берувчилар ва бошқа турли дебиторлар ҳамда кредиторлар билан ҳисоблашиш инвентаризация маълумотларини расмийлаштиришда қўлланилади. Далолатнома бир нусхада, тегишли счет маълумотномалари асосида аниқланган қолдиқ суммалари акс эттирилган ҳолда расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан имзо билан тасдиқланиб, бухгалтерияга топширилади.

Ҳисоблашиш инвентаризация далолатномасида акс эттирилган мажбуриятлар турлари бўйича маълумотнома (справка) (инв – 17 шаклга илова), илова қилиниши шарт. Инв – 17 далолатномаси шу илова маълумотнома асосида тўлдирилади.

Маълумотнома бухгалтерия ҳисоби синтетик счетларига алоҳида расмийлаштирилади. Ушбу маълумотнома корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзасидан ҳисоблашишда бўлган турли корхоналар, ташкилотлардан олинади.

Бухгалтерия дебиторлик, кредиторлик қарзлари қолдиқ суммалари, олинган маълумотнома (справка)лар кўрсаткичлари билан солиштирилган ҳолда № 17 инв. далолатномаси расмийлаштирилади.

№ 18 инв. Солиштира қайднома асосий воситалар инвентаризация натижаларини расмийлаштиришда қўлланиб, бир нусхада тўлдирилади ва бухгалтерияда белгиланган муддатгача сақланади.

№ 19. Инв. Солиштира қайднома ҳисоб маълумотларидан четлашишлар аниқланган товар моддий бойликлар инвентаризация натижаларини расмийлаштириш учун қўлланилади. Ушбу солиштира қайднома ҳам бир нусхада расмийлаштирилиб, бухгалтерияда белгиланган муддатгача сақланади.

Корхона хўжалик мулклари инвентаризация маълумотлари ва аниқланган натижалари юқоридаги ҳужжатларда расмийлаштирилгач, корхона раҳбари тасдиғидан сўнг, бухгалтерия счетларида тегишли ёзувлар амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида қўйидагилар аниқланади:

1. Ҳисоб ва инвентаризация маълумотлари тенг;
2. Ҳисоб маълумотларидан инвентаризация натижасида аниқланган маълумотлар юқорилиги (ортиқча хўжалик маблағлари аниқланиши).
3. Ҳисоб маълумотлари кўрсаткичлари юқорилиги: (хўжалик мулклари етишмовчилиги аниқланиши).

Хулоса.

Ҳужжатлар бир неча хусусиятларга кура туркумларга ажратилади, бундай гуруҳлашга сабаб, ҳужжатлаштириш ишларини, улардан ҳисоб ишларида фойдаланишни ҳамда улар айланишини, сақлашини осонлаштиришдир.

Ҳужжатлар тузилиши тартибига, вазифасига, ҳўжалик жараёнини акс эттиришига, қаерда тузилиши хусусиятларига кўра туркумларга ажратилади.

Ҳужжат айланиши-бирламчи ҳужжатларни тузилиб, уларни қайта ишлаб ва умумлаштириб, гуруҳлашдан сўнг, архивга топширилгунча харакатидир.

Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар мажбурий текширувдан ўтиши керак.

Корхона бўйича ҳужжат айланиши рўйхати бўйича ишлар ўз вақтида бажарилишини бош бухгалтер назорат этиб боради.

Корхонада мавжуд бўлган мулкликлар сақланишини таъминлаш, улар назоратини яхшилаш мақсадида, юритилаётган ҳисоб маълумотлари нечоғлик ҳақиқийлиги, тўғрилигини текшириш мақсадида инвентаризация ўтказилади.

Инвентаризация - корхона маблағини текшириб, рўйхатга олиш ва олинган маълумотларни ҳисоб маълумотлари билан солиштириш демакдир.

Инвентаризация ўтказиш муддати ва объекти кўрсатилган рўйхат ҳам, корхона раҳбарияти томонидан мустақил равишда йил бошига тузилади.

Таянч иборалари.

Ҳужжат, ҳужжат айланиши, реквизит, бланка, архив, дастлабки ва йиғма, фармойиш, тасдиқловчи, инвентаризация, тўлиқ ва қисман, инвентаризация ёзуви, инвентаризация рўйхати.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

1. Ҳужжатларнинг аҳамияти нимада ва уларнинг қандай турлари мавжуд.
2. Ҳужжатлардаги реквизитлар нималардан иборат.
3. Ҳужжатларни расмийлаштириш қандай амалга оширилади.
4. Ҳужжатларни айланиши нима.
5. Инвентаризация ва унинг аҳамияти нимадан иборат.
6. Инвентаризациянинг қандай турлари мавжуд.
7. Инвентаризация ўтказиш ва натижасини расмийлаштириш қандай амалга оширилади.

Адабиётлар.

1. Астахов В.П. Теория бух. учёта Учеб. Пос. -М.: ИКЦ МарТ Ростов н/Д, 2004

2. Гетьман В.Г. Финансовый учет. – М.: ФиС.- 2004.
3. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ».- 2004.
4. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учёта учебник. -М.: Ф и С, 2004
5. Малькова Т.Н. Теория и практика международного бухгалтерского учета: Учеб.пособие. – СПб.: «Бизнес-пресса».- 2003.
6. Муравицкая Н.К., Лукьяненко Г.И. Тесты по бухгалтерскому учёту: теория бух. учёта, бухгалтерская и финансовая отчётность Учеб. Пос. -М.:Ф и С, 2004
7. Неселовская Т.М., Шеина Т.Н., Брусенцова В.И. Теория бухгалтерского учёта: задачи, ситуации, тесты: Учеб. Пос. М.:Ф и С, 2004.
8. Никитина В.М., Никитина Д.А. Теория бухгалтерского учёта. Учебник -М.: Дело и сервис, 2002
9. Печерская Г.А. Основы бухгалтерского учета. – М.: «Издательство ПРИОР».- 2003.
10. Хошимов Б.Х. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: «Шарқ», 2004.

Мавзуни ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.
Ақлий ҳужум, синдикат, конференс.

Интернет маълумотлари:

[http:// www. accounting. rut gars. edu](http://www.accounting.rutgers.edu)

[http:// www. accounting web. com/](http://www.accountingweb.com/)

[http:// www. buhgalteria. com. ua](http://www.buhgalteria.com.ua)

4-Мавзу: Бухгалтерия баланси.

4.1. Бухгалтерия баланси, унинг таркибий тузилиши.

4.2. Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар.

Хулоса.

Таянч иборалари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

Адабиётлар.

Мавзунинг ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.

4.1.Бухгалтерия баланси, унинг таркибий тузилиши.

Корхоналарнинг маълум бир даврга молиявий ҳолати қай даражада эканлигини, улар маблағлари жойлашиши, ишлатилиши қандай олиб борилаётганлигини ва умуман корхона хўжалик фаолиятига баҳо бериш, назорат этиш, текшириб бориш зарур. Бу зарурият корхонанинг бошқарув ходимларига, ҳамда ички ходимларига, юқори ташкилотларига, банк, солиқ инспекциясига, кредиторларга, инвесторларга керакдир. Уларнинг бу масала юзасидан талабини корхонанинг баланси кондиреди. Баланс ҳисоботдаги 5 шаклнинг биринчиси бўлиб, ойлик, чорақлик, ярим йиллик ва йил охирида бўлиши мумкин.

Дастлабки баланс, ҳисобот баланси, тугатиш баланси каби турлари эса унинг корхона фаолиятини қай ҳолатда тузилаётганлигини билдиради. Дастлабки баланс корхонанинг ташкил топаётган вақтда тузилади. ҳисобот баланси эса, корхона фаолияти давомида тузилади. Ва нихоят тугатиш баланси корхона, ташкилот, муассасани тугатилаётган муддатдаги хўжалик маблағлари ва уларни манбалари қай ҳолатда эканлиги ҳақида маълумот беради. Балансдаги маълумот қўйидагича йиғилган бўлади. ҳар бир жараён рўй бериши натижасида хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари миқдорий ва таркибий жihatдан ўзгариб боради.

Бу ҳолат дастлабки ҳужжатларда акс эттирилиб, сўнгра бухгалтерияда синтетик ҳисоб юритилади ва счетларда икки ёқламаёзув орқали акс эттирилади. Ой охирида эса ҳар бир счетлар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади. Баъзи счетлар эса бёкитилади. Бу ҳақда келгуси мавзуларда кенгрок тухталамиз. Счетлардаги охириги қолдиқлардаги маълумотлар бош китобга кучирилади ва балансга ўрнатилган тартибда акс эттириб чиқади.

Баланснинг 2 қисми бўлиб, улар Актив ва Пассивдан иборат. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз моддаларига эга. Актив қисмида 2 бўлим мавжуд:

I. Узоқ муддатли активлар:

асосий воситалар (01), номоддий активлар (04), капитал қўйилмалар (08), молиявий қўйилмалар (06), ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (07).

II. Айланма активлар:

ишлаб чиқариш заҳиралари (10, 11, 15, 16) тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, пул маблағлари) дебиторлар.

Балансинг пассив қисми ҳам 2 бўлимдан иборат:

I. Бўлим. Уз маблағларининг манбалари: устав капитали, захира капитали, тақсимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари ва х.к.

II. Бўлим. Мажбуриятлар: банкдан олинган кредитлар, банкдан ташқари корхоналардан олинган қарзлар, олинган бунақлар ва кредиторлик мажбуриятлари.

Балансдаги моддалар бўйича кўрсаткичлар ҳисобот йили бошига ва ҳисобот даври охирига кўрсатилади. Бундай тартиб урнатилишига сабаб, иккала муддатдаги маълумотларни ўрганиш, солиштириш орқали хўжалик маблағлари ва хўжалик маблағларини ташкил топиш манбаларини ўзгариб бориш ҳақида хулосага келиш, маълум бир зарур фикрларга келиш мумкин. Ҳамда уларнинг натижасида оқилона қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади.

Корхоналар баланси ҳисобот бир шакли сифатида ўрнатилган тартиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солик инспекциясининг корхоналар чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи шакллари тузиш бўйича кўрсатмасига асосан андозадаги бланкаларга тузилади. Ундаги кўрсаткичлар умумий бир ўлчов бирлигида, яъни пул кўрсаткичида акс эттирилади.

Бу андозадаги баланс бланкасидаги сатрлар бир нечта бўлиб, моддалари ҳам турличадир. Аммо ундаги моддаларнинг нечтасида кўрсаткичлар акс эттирилиши, корхонанинг халқ хўжалигининг қайси тармоғига қарашлилигига, корхона қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига, унинг фаолият микёси қай даражадалиги каби омилларга боғлиқ бўлади.

Балансинг аҳамияти шундаки, ундаги маълумотлар асосида корхона фаолияти ўрганилади, таҳлил этилади, ички имкониятлар топилади ва умуман корхона бошқаруви учун хизмат қилади. Бундан ташқари иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар натижасида вужудга келган турли мулкчилик шароитидаги ташқи фойдаланувчилар (акциядорлар, инвесторлар) учун ҳам корхона ҳақида маълумотга эга бўлишида катта аҳамият касб этади.

Баланс иккала қисми жами суммалари тенг бўлиши шарт Бу тенглик активда хўжалик маблағлари пассивда эса шу маблағларнинг манбалари акс эттирилиши билан изоҳланади Баланс сўзи тенглик тарозунинг икки палласи деган маъноларни билдиради.

4.4. Хўжалик жараёнлари натижасида балансдаги ўзгаришлар.

Корхона фаолиятини амалга ошириш давомида турли жараёнлар рўй бериб, бу жараёнлар натижасида шу корхонасига тегишли бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари таркибий ва миқдорий жihatдан ўзгаради. Балансга таъриф берилганида унинг икки қисми - актив ва пассив томонлари мос равишда хўжалик маблағлари ва хўжалик

маблағларини ташкил топиш манбаларини акс эттиради дейилди. Демак, табиийки, хўжалик маблағлари ва улар ташкил топиш манбаларининг хўжалик жараёни натижасида ўзгариши балансда ўзгариш рўй беришига олиб келади. Сабаби ўзгариш натижасида хўжалик маблағининг ўзаро икки тури ёки, маблағ манбалари турларининг икки ёки ундан ортиги ўзгариши ёки ҳам маблағ ва ҳам улар ташкил топиш манбалари бирданига ўзгариши мумкин.

Хўжалик жараёнларининг балансдаги ўзгаришларга таъсирини 4 турга ажратиш мумкин. Қуйида шу хил ўзгаришларга мисол келтирамиз.

1. Жараён. Кассада сафар харажатлари учун ҳисобдор шахсга 5000 сўм берилди. Бу жараён натижасида балансдаги айланма маблағлар бўлимининг пул маблағлари моддасида камайиш рўй берди. Шу бўлимининг дебиторлар моддасида эса, корхона учун дебитор бўлган ҳисобдор шахснинг ҳисобдорлик суммаси кўпайди. Кўриниб турибдики, бу жараён натижасида баланснинг актив қисмидаги моддаларнинг бирида купайиш, яна бирида эса камайиш рўй беради. Балансдаги бу ўзгариш бир хилдаги ўзгариш бўлиб, уни шартли равишда қуйидагича белгилаймиз:

А + А -

2. Жараён. Ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиги ушлаб қолинди 20.000 сум. Бу жараённинг маъноси цуки, ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш суммаси камайди. Ушлаб қолинган даромад солиги бюджетга ўтказилиши лозимлиги сасабли, бюджет билан ҳисоблашиш- суммаси кўпайди.

Демак баланс пассиви бир моддасида купайиш, иккинчи моддасида эса камайиш содир этилди. Шартли равишда эса, бу ўзгариш қуйидагича акс эттирилади:

П+ П-

3. Жараён. Банкдан қисқа муддатли кредит олинди. 7 000.000 сум. Корхонанинг пул маблағи ҳам кўпайди, банк олидаги кредит юзасидан мажбурияти ҳам кўпайди. Демак, баланс активи моддасида ҳам шу билан бирга пассивининг моддасида ҳам кўрсаткичлар миқдори ошди, яъни

А+П +

4. Жараён. Ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи ҳисоблов-тўлов ведомости асосида кассада берилди 50.000 сўм . Бу жараённи таҳлил этиб ўргансак, нақд пул миқдори камайганини, ҳамда ходимларга меҳнат ҳақи юзасидан мажбурият ҳам камайганини тушуниб оламиз, демак:

А - П-

Юқорида келтирилган жараёнларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин.

№	АКТИВ	Ўзгаришгача	Ўзгариш (-,+)	Ўзгаришда н сўнг
1.	Касса	85.000	50.000 – 5000 –	30.000

3.	ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашиш	-	5.000 +	5.000
4.	Асосий воситалар	1.003000	-	1.003000
5.	Номоддий активлар	19.000		19.000
6.	Ҳисоблашиш счёти	98.000	7 000.000 +	7 098.000
	Жами	1.205000		1.225.000

№	ПАССИВ	Узгаришгача	Узгариш (-,+)	Узгаришдан сўнг
1.	Фойда	500.000	-	500.000
2.	Тақсимланган фойда	700.000	-	700.000
3.	Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашиш	-	70.000 + 20.000 – 50.000 –	-
4.	Келгуси давр даромадлари	3.000	-	3.000
5.	Бюджет билан ҳисоблашиш	2.000	20.000 +	22.000
	Жами	1.205000		1.225.000

Хулоса.

Баланс сўзи тенглик тарозунинг икки палласи деган маъноларни билдиради. Бухгалтерия балансининг 2 қисми бўлиб, улар Актив ва Пассивдан иборат.

Баланс иккала қисми жами суммалари тенг бўлиши шарт Бу тенглик активда хўжалик маблағлари пассивда эса шу маблағларнинг манбалари акс эттирилиши билан изоҳланади

Балансдаги маълумотлар асосида корхона фаолияти ўрганилади, таҳлил этилади, ички имкониятлар топилади ва умуман корхона бошқаруви учун хизмат қилади. Бундан ташқари иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар натижасида вужудга келган турли мулкчилик шароитидаги ташқи фойдаланувчилар (акциядорлар, инвесторлар) учун ҳам корхона ҳақида маълумотга эга бўлишида катта аҳамият касб этади.

Хўжалик жараёнларининг балансдаги ўзгаришларга таъсирини 4 тури мавжуд.

Таянч иборалари.

Баланс, актив, пассив, маблағ, манба, айланма маблағлар, мажбуриятлар, фойда, захира, хўжалик жараёнлари, тенглик.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

1.Бухгалтерия баланси нима?

2.Бухгалтерия балансининг қандай турлари мавжуд?

3. Бухгалтерия баланси неча қисмдан иборот?
4. Баланс активи ва пассивининг бўлимлари нималардан иборот?
5. Хўжалик жарёнлари натижасида балансда қандай ўзгаришлар рўй беради?

Адабиётлар.

1. Астахов В.П. Теория бух. учёта Учеб. Пос. -М.: ИКЦ МарТ Ростов н/Д, 2004
2. Бобожонов О.- Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия.- 2002.
3. Гусева Г.Н., Шеина Г.Н. Основы бух. Учёта: теория, практика, тесты. Учеб. Пос. - М.:Ф и С, 2004
4. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ».- 2004.
5. Карагод В.С. Формирование финансовой отчетности в соответствии с международными и российскими стандартами. – М.: РУДН.- 2002.
6. Климова М.А. Бухгалтерский учёт. Учеб. Пос -М.: РИОР. 2004
7. Никитина В.М., Никитина Д.А. Теория бухгалтерского учёта. Учебник -М.: Дело и сервис, 2002
8. Печерская Г.А. Основы бухгалтерского учета. – М.: «Издательство ПРИОР».- 2003.
9. Хошимов Б.Х. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: «Шарқ», 2004.

Мавзуни ўқитишда қўлланиладиган педагогик технологиялар.
Ақлий ҳужам, кластер, синдикат.

Интернет маълумотлари:

[http:// www. mkdgaap. narod. ru](http://www.mkdgaap.narod.ru)
[http:// www. konto. ru](http://www.konto.ru)
[http:// www. referat. ru](http://www.referat.ru)
[http:// www. access-accounts. com](http://www.access-accounts.com)
[http:// www. accounting. megareferats. ru](http://www.accounting.megareferats.ru)
[http:// www. bankreferatov. ru](http://www.bankreferatov.ru)

5- МАВЗУ : Счетлар тизими ва икки ёклама ёзув.

5.1. Счетлар тизими ҳақида тушунча.

5.2. Счетларни туркумланиши.

5.3. Икки ёклама ёзув ва уни қўланилиши.

5.4. Синтетик ва аналитик ҳисоб.

5.5. Айланма ведомостлар.

Хулоса.

Таянч иборалари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

Адабиётлар.

Мавзунини ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.

5.1. Счетлар тизими ҳақида тушунча.

Корхоналар фаолияти ҳисобини юритиш заруриятида корхонанинг хўжалик жараёнлари натижасида доимо таркибий ва миқдорий жиҳатдан ўзгариб борадиган хўжалик маблағлари ҳақида ҳар доимо маълумотга эга бўлиб туриш талаб этилади. Бу талабни бажариш учун эса хўжалик маблағлари ва уларни ташкил топиш манбаларни ҳисобда гуруҳлаштириб бориш ва тезкор назорат ўрнатиши керак бўлади. Бунинг учун эса бухгалтерия ҳисоби элементларидан бири счетлар тизимидан фойдаланилади. Демак счетлар тизими хўжалик маблағларни ташкил топиш манбаларини, хўжалик жараёни натижасида уларни таркибий, миқдорий ва ҳаракат жиҳатидан ўзгариб боришини иқтисодий гуруҳлаш ва доимо тезкор назорат қилиб боришдир.

Корхона фаолияти ёппасига, узлуксиз ҳисоб қилиб бориладиган, корхона барча мулкни қўрганиб, уларни хусусиятларини яхшилаб англаб етмоқ керакдир. Корхона мулкларини ҳисоби тўлиқ юритилар экан, ҳисоб ишларини осонлаштириш, оқилона ташкил этиш мақсадида счетлар режаси ишлаб чиқилгандир. Шунинг назарда тутмоқ керакки, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши зарурий ҳол бўлганидек, счетлар янги режасини ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолди ва бу счетлар янги режаси келгусида корхоналар молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Счетлар режаси 4 қисм ва 9 бўлимдан иборат. Счетлар режасининг қисмлари қуйидагилардир:

1-қисм. Узоқ муддатли активлар.

2-қисм. Жорий активлар.

3-қисм. Мажбуриятлар.

4-қисм. Хусусий капитал (мулк).

5- қисм. Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши.

6- қисм. Балансдан ташқари счетлар.

Счетлар режасидаги бўлимлар қуйидагича номланган:

1-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар.

2-бўлим. Товар-моддий заҳиралари.

3-бўлим. Келгуси давр сарфлари ва муддати узайтирилган сарфларнинг жорий қисми.

4-бўлим. Олинадиган счетлар.

5-бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар.

6-бўлим. Жорий мажбуриятлар.

7-бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар

8-бўлим. Капитал (мулк), фойда ва заҳиралар

9-бўлим. Даромад ва сарфлар

Счетлар режасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки аудиторлар, солиқчилар қисман ташқи фойдаланувчилар (акциядорлар, таъсисчилар) учун ҳам керакдир.

Счетларнинг тузилиши.

Счетлар иккига ажратилади:

1. Актив счетлар – хўжалик маблағларини акс эттирувчи счетлар.

2. Пассив счетлар – хўжалик маблағларини ташкил топиш манбаларини акс эттирувчи счетлар.

Актив ва Пассив счетларини тузилиши қўйидаги схема орқали акс эттирилади.

Д+ Актив К-	Д- Пассив К+

Юқорида кўриниб турганидек, ҳар иккала турдаги счетларнинг ҳам дебет ва кредит томонлари мавжуд. Фарқ шундаки, актив счетларнинг дебетида кўпайиш, кредит счетларда эса камайиш акс эттирилади.

Пассив счетларда эса аксинча, дебет томонида камайиш кредит томонида эса купайиш акс эттирилади.

Маълумки, счетлар ой бошига очилади. Бу вақтда маблағ ва улар манбалари мавжуд бўлиб, улар ой бошига қолдиқ деб аталади.

Ой давомида хўжалик жараёни натижасида маблағлар ва улар манбалари ҳаракати(купайиши, камайиши) оборот дейилиб, уларни дебет ёки кредит томондалигига кура, дебет оборот кредит оборот деб аталади.

Актив счетларда дебет оборот ой давомида маблағлар киришини, кредит обороти эса, маблағлар ой давомида камайишини билдиради.

Пассив счетлардаги дебет оборот ой давомида маблағ ташкил топиш манбаси камайишини, кредит оборот эса ой давомидаги манба кўпайишини билдиради.

Актив счетлардаги ой охирига қолдиқни аниқлаш учун, ой бошига қолдиқ суммага дебет оборот суммасини қўшиб, кредит оборот суммасини айириш орқали топилади: $Д_{ок} = Д_{бк} + Д_{об} - К_{об}$

Бу ерда,

$Д_{ок}$ - Дебет охирги қолдиқ .

$Д_{об}$ - дебет оборот.

$Д_{бк}$ - Дебет бошланғич қолдиқ.

$К_{об}$ - кредит оборот.

Схема кўринишида қўйидагича акс эттириш мумкин:

Д+ 5010 К-

Бк 400	
42.000	40.000
4.000	4.000
2.000	6.200
2.000	
Доб. 50.000	Коб. 50.200
Док. 200	
$200 = 400 + 50.000 - 50.200$	

Корхона кассасидаги нақд пул ой бошида 400 сўм бўлган , ой давомида эса 50.000 кирим бўлди, ой давомида сарфланган нақд пуллар 50.200 сумми ташкил этди. Демак ой охирига 200 сўм нақд пул кассада қолди.

Худди шундай тузилиш пассив счетларда ҳам кўзга ташланади.

Д- 6710 К +

40.000	бк. 40.000
100.000	600.000
60.000	
20.000	
420.000	
об. 640.000	об. 600.000

Корхонани ходимлар олдида меҳнат ҳақи юзасидан 40.000 сўм қарзи мавжуд эди, ой давомида эса 600.000 суммик меҳнат ҳақи юзасидан мажбурият кўпайди. Ходимлар ойлигидан ушланган суммалар ва тўланган суммалар ой давомида 640.000 сўм ташкил этди.

Демак, ой охирига ишчилар олдида корхонани ходимлар олдида қарзи қолмади, яъни

$$КО_k = К_{бк} + К_{об} - Д_{об}$$

$$О = 40.000 + 600.000 - 640.000$$

5.2. Счетларни туркумланиши.

Счетлар ҳақида яхши тушунчага эга бўлиш учун улар хусусиятларини ўрганмоқ зарур.

Счетлар қўйидаги хусусиятига эга кўра туркумларга бўлинади

1. Счетларни тузилишига кўра;
2. Кўрсаткичларни акс эттирилишига кўра;
3. Балансда акс эттирилишига кўра;
4. Мўлжалига, тайинлишига кўра;

Счет тузилишига кўра 2 хил бўлади:

1. Актив счет;
2. Пассив счет;

Актив счетлар хўжалик маблағларини акс эттиришга пассив счетлар эса улар манбаларини акс эттиришга мўлжаллангандир.

Кўрсаткичлар акс эттирилишига кўра, счетлар икки хил бўлади:

1. Синтетик счетлар
2. Аналитик счетлар

Синтетик счетлар хўжалик маблағлари ва улар манбалари ҳақида умумий ва қиймат кўринишида маълумотларни олиш мақсадида ҳисоб юритишга мўлжалланган.

Аналитик счетлар маълумотлари хўжалик маблағлари ва уларни манбаларини нафақат қиймат, балки натура ва меҳнат ўлчов бирликларида ҳам ҳисоб юритишга мўлжаллангандир.

Аналитик счетлар бўйича бухгалтерия проводкалари амалга оширилмайди.

Балансда қатнашишига счетлар икки хил бўлади:

1. Балансдаги счетлар
2. Балансдан ташқари счетлар

Балансдаги счетлар деб, балансда қатнашадиган счетларга айтилиб, улар бўйича икки ёқлама ёзув амалга оширилади.

Балансдан ташқари счетлар эса 10 та бўлиб, уларда ҳисоб ёзувлари фақат бир ёқлама олиб борилади.

Тайинланиши – мўлжалига кўра 6 хил бўлади:

1. Асосий счетлар
2. Тартибга солувчи счетлар
3. Тақсимловчи счетлар
4. Калькуляция счетлари
5. Таққословчи счетлар

1. Асосий счетларни 2 тури мавжуд: 1. Актив. 2. Пассив.

Актив счетлар ўз навбатида қўйидагиларга бўлинади:

- меҳнат воситалари ва узоқ муддатли активларни;
- айланма маблағларни;
- хўжалик муносабатларини акс эттирувчи актив счетлар.

Меҳнат воситаларини ва узоқ муддатли активларни акс эттириш учун қўйидагича счетлар мўлжалланган.

0100 - Асосий воситалар.

0300 - Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.

0400 - Номоддий активлар.

0600– Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар

0700 - Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар.

0800 - Капитал қўйилмалар ва х.к. счетлари.

Айланма маблағлари ҳисоби қўйидаги счетларда олиб борилади:

1000– Материаллар.

5000 – Касса.

5100–Ҳисоблашиш смети.

5200 – Валюта смети.

5500– Банклардаги махсус счетлар.

5600– Пул ҳужжатлари.

5700 – Йўлдаги жўнатмалар.

5800 – Қисқа муддатли молиявий қўйилма.

2800 – Тайёр маҳсулот.

2900 – Товарлар ва х.к. счетлари.

Хўжалик муносабатларини акс эттирувчи актив счетларга қўйидагилар мисол бўлади:

4200 –Ходимларга берилган бўнақлар юзасидан ҳисоблашишлар.

4700 – Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоблашиш.

4800 – Турли дебиторлар ва кредиторлар бидан ҳисоб-китоб.

4000 –Олинадиган счетлар.

0900 –Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва х.к. счетлар.

Асосий счетлардан яна бири *пассив* счетлар, ўз навбатида корхона ўз маблағлари манбаларини ва четдан жалб қилинган маблағлар манбаларини, мажбуриятларини акс эттирувчи *пассив* счетларга бўлинади.

Корхона ўз маблағлари манбаларини акс эттирувчи *пассив* счетларга қўйидагилар мисол бўлади:

0200 – Асосий воситалар эскириши.

0500– Номоддий активларнинг эскириши.

8700– Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар).

8300- Устав капитали

8900 – Келгусидаги харажатлар ва тўловлар юзасидан заҳиралар.

9600 – Мақсадли молиялаш ва тушумлар ва х.к. счетлар.

Четга жалб этилган маблағлар манбаси, мажбуриятларни акс эттирувчи счетларга мисол:

6810 – Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари юзасидан ҳисоблашиш.

7810 – Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари юзасидан ҳисоблашиш

6820 – Қисқа муддатли қарзлар юзасидан ҳисоблашиш.

7820 – Узоқ муддатли қарзлар юзасидан ҳисоблашиш.

7210 – Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ва х.к. счетлар.

2.Тартибга солувчи счетлар.

Корхона баъзи хўжалик маблағлари ҳисобини юритишда бир неча баҳодан фойдаланиш зарурияти туғилади. Шундай маблағлар ва улар ташкил топиш манбалари ҳисобини юритувчи счетлар тартибга солувчи счетлар деб аталади. Бундай счетлар қўйидаги туркумларга ажратилади:

1. Контрар счетлар:

А) контрар актив

Б) контрар пассив

2. Тўлдирувчи счетлар:

Бундай счетларни тартибга солувчи счетлар деб аталишга сабаб улар бухгалтерия ҳисобини бошқа счетларидаги кўрсаткичларни тартибга солиш хусусиятига эгаллигидир.

Масалан: контрактив счетлар пассив счетлар бўлиб, баланс активидаги маблағлар ҳисоб учун мўлжалланган баъзи счетлар кўрсаткичларни тартибга солиб туради.

0200 - «Асосий воситаларнинг эскириши» контрактив счетлар асосий восита бошланғич (жорий) қийматини акс эттирувчи 0100- «Асосий воситалар» счетлар маълумотларини тартибга солади.

Сотилган тайёр маҳсулотларни таннархини ҳисобини юритиш учун 9110 счёта, сотилган товарларнинг таннархини ҳисобини юритиш учун 9120 счёта, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархини ҳисобини юритиш учун эса, 9130 счётлар мўлжалланган.

Масалан, тайёр маҳсулот учун харидорларга счёта юборилса,

Дебет 4010 счёта 2 000 000 сўм.

Кредит 9010 счёта 2 000 000 сўм.

Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархини ҳисобдан чиқарилиши эса, қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали акс эттирилади:

Дебет 9110 счёта 1 500 000 сўм.

Кредит 2810 счёта 1 500 000 сўм.

Маҳсулотни сотишдан олинган молиявий натижани аниқланиши 9910 —«Якуний молиявий натижа» счёти орқали амалга оширилади, яъни:

Дебет 9910 счёта 1 500 000 сўм.

Кредит 9110 счёта 1 500 000 сўм.

Бир вақтнинг ўзида

Дебет 9010 счет 2 000 000 сўм.

Кредит 9910 счет 2 000 000 сўм.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, 9910- «Якуний молиявий натижа» смети ёрдамида маҳсулотни сотишдан олинган даромад ва шу маҳсулотнинг таннарни солиштирилади. 9910 сметининг кредит қолдиғи фойдани, дебет қолдиғи эса, зарарни билдиради.

Короналарда тайёр маҳсулотда ташқари асосий воситалар, валюта маблағлари, материаллар, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа активлар қам сотилиши мумкин. Ушбу сотиш жараёнларининг ҳисоби 9210 –«Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш», 9220 –«Бошқа активларни ҳисобдан чиқариш» сметиларда акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотишдан олинган фойданинг ҳисоби 9310 сметида, бошқа активларни сотишдан олинган фойданинг ҳисоби эса, 9320 сметида юритилади.

Сотиш жараёнининг хусусияти шундан иборатки, унинг рўй бериши натижасида сотилган активларнинг ўрнига корхонага пул маблағининг кирими амалга оширилади.

Хулоса.

Кўрсаткичлар ёрдамида корхона бизнес-режасининг бажарилиши, товар-моддий захиралари меъёрига, ходимлар штат руйхати ва бошқа меъёрий кўрсаткичларига риоя этилиши шунингдек, режа (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланиши, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа) кўрсаткичлар бажаришлари назорат қилинади.

Кўрсаткичлар иқтисодий мазмунига кўра, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Миқдорий кўрсаткичлар корхона хўжалик фаолиятидаги у ёки бу жараён ҳақидаги маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

Миқдорий кўрсаткичларга нафақат сотиш жараёни кўрсаткичлари балки, таъминот, ишлаб чиқариш жараёни кўрсаткичлари ҳам мисол бўлади. Таъминот ва ишлаб чиқариш жараёнлари миқдорий кўрсаткичларининг қай даражадалиги бевосита сотиш жараёни миқдорий кўрсаткичига ўз таъсирини кўрсатади.

Бир тизим ҳисобланувчи уч хил жараён бир-бири билан узвий боғлиқликда давом этади.

Таъминот жараёнида корхона хўжалик фаолиятини давомийлиги ва ривожланиши учун зарурий маблағлар кирим қилинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулот яратилади.

Сотиш жараёни хўжалик жараёнларини ичида охиригиси бўлиб, бунда ишлаб чиқариш жараёни натижасида тайёрланган маҳсулотлар сотилиб, пул кўринишида корхонага кирим қилинади. Шу билан бирга бу жараёнда

сотиш натижалари аниқланади, сотиш натижалари эса, фойда ёки зарар бўлиши мумкин.

Таянч иборалари.

Кўрсаткичлар, миқдорий кўрсаткич, сифат кўрсаткичи, хўжалик жараёнлари, тахминот, ишлаб чиқариш, сотиш, режа, маҳсулот, пул, асосий восита, харажат, молиявий натижа.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

1. Хўжалик фаолияти асосий кўрсаткичларининг қандай турлари мавжуд?
2. Таъминот жараёнинг ҳисоби вазифалари нималардан иборот?
3. Асосий воситаларни кирими қандай амалга оширилади?
4. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби вазифалари нималардан иборот?
5. Ишлаб чиқариш жараёнида нималар иштирок этади?
6. Сотиш жараёнининг ҳисоби вазифалари нималардан иборот?
7. Маҳсулот сотиш жараёни ҳисоби қандай амалга оширилади?

Адабиётлар.

1. Абдуллаев А, Қаямов И. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Минҳож».- 2002 й.
2. Бобожонов О.- Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия.- 2002.
3. Гетьман В.Г. Финансовый учет. – М.: ФиС.- 2004.
4. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ».- 2004.
5. Климова М.А. Бухгалтерский учёт. Учеб. Пос -М.: РИОР. 2004
6. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учёта учебник. -М.: Ф и С, 2004
7. Неселовская Т.М.,Шейна Т.Н.,Брусенцова В.И. Теория бухгалтерского учёта: задачи, ситуации, тесты: Учеб. Пос. М.:Ф и С, 2004.
8. Хошимов Б.Х. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: «Шарқ», 2004.

Мавзуни ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.

Ақлий ҳужум, мулоқат, дискуссия.

Интернет маълумотлари:

[http:// www. mkdgaap. narod. ru](http://www.mkdgaap.narod.ru)

[http:// www. konto. ru](http://www.konto.ru)

[http:// www. access-accounts. com](http://www.access-accounts.com)

[http:// www. accounting. megareferats. ru](http://www.accounting.megareferats.ru)

[http:// www. bankreferatov. ru](http://www.bankreferatov.ru)

8- МАВЗУ. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари (рўйхатга олиш анжомлари) ва шакллари.

8.1. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳақида тушунча, улар аҳамияти.

8.2. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари, уларни юритиш тартиби.

8.3. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги хато ёзувларни тузатиш тартиби.

8.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари:

А) Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли.

Б) Бухгалтерия ҳисобининг Бош журнал шакли.

В) Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли.

Г) Бухгалтерия ҳисобининг жадвал-автоматлаштирилган шакли.

Хулоса.

Таянч иборалари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

Адабиётлар.

Мавзунинг ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.

8. 1. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳақида тушунча, улар аҳамияти.

Бухгалтерия ҳисоби корхоналар фаолиятини ёппасига, узлуксиз ҳисобини олиб борар экан, бунда ҳужжатлаштириш аҳамияти юқоридир.

Кузатиш натижасида олинган маълумотлар дастлабки ҳужжатларда акс эттирилиб борилади, сўнггра шу дастлабки ҳужжатлар ҳар томонлама текширилиб, бухгалтерияга қабул қилиб олинади.

Текшириб қабул қилиб олинган дастлабки ҳужжатлар асосида бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Табиийки, бу бухгалтерия проводкалари ҳам ҳужжатлаштирилиши шарт. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби регистрларидан фойдаланилади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби регистрлари – ҳисоб ёзувларини (бухгалтерия проводкаларини) акс эттиришга мўлжалланган жадваллардир.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари - журналлар, ведомостлар, китоблар, тасдиқланган бланкалардир. Ҳисоб регистрларининг аҳамияти шундаки, уларга счетларга тегишли кўрсаткичлар акс эттирилади, умумлаштирилади, ой охирига қолдиқлар аниқланади ва умуман, ҳўжалик маблағлари ва улар ташкил топиш манбалари билан боғлиқ маълумотлар акс эттириб борилади.

Ҳисоб регистрлари маълумотлари ой охирида умумлаштирилиб, корхона баланс ва ҳисоботларини тузишда асос ҳисобланади. Демак, ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг нечоғлик ўз вақидада тўғри ва

аниқ расмийлаштирилиши нафақат корхонанинг ўзи учун, балки унинг баланс ва ҳисоботларидан фойдаланувчилар учун ҳам аҳамиятли экан. Корхоналар бухгалтерия баланс ва ҳисоботларидан эса қўйидагилар фойдаланиладилар:

- Корхонанинг ички бошқаруви;
- Банк муассаси;
- Солик инспекцияси;
- Юқори ташкилот;
- Кредиторлар;
- Акциядорлар ва бошқалар.

8.2. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг турлари, уларни юритиш тартиби.

Бухгалтерия ёзувларининг турлилиги, ҳажми ҳар хиллигидан келиб чиқиб, улар акс эттириладиган ҳисоб регистрлари ҳам турличадир.

Ҳисоб регистрлари турлари ўрганилаётганда, уларни қўйидаги хусусиятларига эътибор бермок керак:

1. Ташқи кўриниш.
2. Уларда акс этириладиган ёзувларнинг турлилиги.
3. Маълумотларнинг ҳажми.

Ҳисоб регистрлари ташқи кўриниши хусусиятларига кўра қуйидагича туркумланади:

- дафтарлар (касса дафтари, «бош дафтар»).
- Карточкалар.
- Варақлар (ведомостлар).

Карточкалар, асосан хўжалик маблағлари аналитик ҳисоби учун қўлланилади. Карточкаларнинг контокоррект, куп устунли ва бошқа турлари мавжуд.

Контокоррект карточка шакли пул ўлчовида (қийматда) ҳисоби юритиладиган хўжалик жараёнларини ҳар бир счетнинг дебет ва кредит томонларида акс эттирилишида фойдаланилади ва ҳар бир ой охирида счетлар бўйича оборотларни аниқлашда асос бўлади.

Қуйида карточка ҳисоб регистрларини контокоррект шаклига мисол келтирамиз.

«Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашиш» - Салимов М.К.

Жараён муддати	Жараён рақами	Жараёнларнинг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
		1 Декабрга қолдиқ			-
8/ХП	1	Товарлар олиб келиш учун нақд пул берилди.	4430	5010	100.000
11/ХП	2	Олиб келинган товарлар чакана савдога қабул қилинди.	2910	4430	80.000

13/XII	3	Ишлатилмай қолган пул маблағлари қайтарилди.	5010	4430	20.000
		Декабр ойи бўйича жами	100.000	100.000	
		1 Январга қолдиқ	-	-	-

Асосий воситалар ҳисоби инвентар карточкаси
(НОС-6 шакл)

(объект тўлиқ номи ва аталиши)

(тайёрловчи - завод номи)

(модель, тоифа, русум)

Паспорт, лойиха рақами, русум, тоифа	Завод рақами ишлаб чиқилган йил	Фойдалан-ишга берилган харажатдаги далолатнома рақами ва муддат.	Инвентар Тартиб рақами.	Цех бўлими	синтетик счёт	Анали тик ҳисоб шифри
1	2	3	4	5	6	7

Бош лангич қиймат	Амортиза ция ажратма меъёри	Изох	____га қайта баҳолаш маълумоти бўйича эскириш суммаси . 200_ й ёки сотиб олиш хужжатлари бўйича	Объект кирими ҳақида белги бухгалтерия ёзуви.	
				Муддат	Тартиб рақам
8	9	10	11	12	13

Қиммат баҳо металллар			Чикиши (берилди)		
Номи	Тури	Массаси	Бухгалтерия ёзуви (далолатнома накладной)		Чикарилиш (жойлаштириш) сабаби
			Муддат	Тартиб рақами	
14	15	16	17	18	19

НОС 6 Шакли орқа томони

Куриш, куроллантиришни охирга етказиш, қайта куриш, такомиллашиш (бухгалтерия ёзуви)				Таъмирлаш (бухгалтерия ёзуви)							
муддат	тартиб ракам	Инвентар тартиб ракам	Сумма	Муддат	Тартиб ракам	Инвентар тартиб ракам	Сумма	Муддат	Тартиб ракам	Инвентар тартиб ракам	Сумма

Объектни қисқача индивидуал тавсифномаси.

Объектни характерловчи ихтировчилик элементлари ва бошқа белгилар номи	Асосий объект	Асосий объектга таалукли муҳим мосламалар, қурилмалар номи.				
1	2	3	4	5	6	

Карточкани тўлдирди _____ (лавозим) _____ (имзо) _____

(Исми шарфи)

«__» _____ 200__ й.

Юқорида «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоб» ва «Асосий воситалар» аналитик ҳисоблари учун қўлланадиган карточкаларни кўриб чиқдик. Ушбу карточкалар маълумоти аналитик ҳисоб ҳақидаги маълумотларда кенг ёритилган.

Кўп устунли карточкаларнинг яна бири сифатида «Асосий ишлаб чиқариш» харажатлари ҳисоби учун юритиладиган карточкани мисол сифатида келтириш мумкин.

Карточкалар махсус картотекаларда сақланади. Картотекага карточкалар жойлаштирилаётганда моддий жавобгарлиги жойланган ўрни ва бошқа хусусиятларига аҳамият бериб, гуруҳларга ажратилган ҳолда қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ёзув турларига кўра 3 хил бўлади:

1. Хронологик ҳисоб регистрлари.
2. Тизимли ҳисоб регистрлари.
3. Комбинациялашган регистрлар.

Хронологик ҳисоб регистрларини ўзига хос хусусияти шундаки,, ундаги ёзувлар хронологик тартибда акс эттирилиб борилади. Бу ёзувлар орқали жараённинг қисқача мазмуни, содир бўлган муддати ва суммасини хронологик тартиб акс эттириб борилади. Масалан, «Жараёнларни рўйхат қилиш журнали» хронологик ҳисоб регистрига мисол бўлиб, у ҳисобнинг мемориал-ордер шаклида қўлланилади.

Тизимли ҳисоб регистрлари жараёнларни маълум бир белгилари бўйича тизимлашган (гуруҳлашган) ҳолда акс эттирилиши билан хусусиятлидир. «Бош дафтар» тизимли ҳисоб регистрларига мисол бўлади.

Ушбу регистрдан XV аср охирларида икки ёқламаёзув усули вужудга келганидан бошлаб фойдаланиш йўлга қўйилган.

Бухгалтерия дафтарлари бир йилга мўлжалланган бўлиб, ҳамма бетлари рақамланади, бош бухгалтер имзоси билан тасдиқланади.

Охирги варақнинг орқасида бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қўйидаги ёзув акс эттирилган бўлиши зарур.

Бухгалтерия дафтарида корхона хўжалик мулкларини акс эттирадиган счетлар учун бетлар ажратилади. Синтетик счетлар учун тегишли аналитик счетлар очилган бўлса, бош дафтарда бетлар ажратиладиганда эътиборга олмақ зарур.

Масалан, савдо корхонасини чакана савдодаги товарлари 2920 синтетик счётида юритилади. Айтайлик, шу савдо корхонасига қарашли 3 та магазин мавжуд. Бундай ҳолатда бош дафтарда ҳар бир моддий жавобгар шахс учун алоҳида варақлар қолдирилиши ва умумий товарлар ҳисоби акс эттирилиши учун ҳам варақлар ажратилган бўлиши зарур.

Бухгалтерия дафтарида мундарижа ҳам бўлиб, унда ҳисоби юритиладиган счетларнинг акс эттириладиган варақлари тартиб рақами кўрсатилган бўлади.

Бухгалтерия ҳисоб регистри дафтарнинг бошқа регистрлардан афзаллиги қўйидагилардан иборат:

- Ҳисоб маълумотларининг бир регистрда мужассамлашганлиги;
- Ҳисоб маълумотлари сакланиши мустаҳкам таъминланганлиги.

Бухгалтерия дафтарининг камчиликлари ҳам бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- Бухгалтерия ходимлари ўртасида меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйишга ҳалақит беради, сабаби, дафтарда корхонада ҳисоби юритиладиган ҳамма счетлар жойлашган. Бухгалтерия ходимлари ўзларига бириктирилган счетга тегишли маълумотларни акс эттириш учун дафтар бўшагини кўтиши керак бўлади.

- Бухгалтерия дафтаридан ҳисоб регистри сифатида фойдаланганда, ҳисоб ишларини механизациялаштириш имкониятлари камаяди.

- Бухгалтерия ходимлари меҳнат унумдорлигини ошишига ҳалақит беради.

Биринчидан, дафтардан галма-галдан фойдаланиш натижасида вақт йўқотилади: иккинчидан, бухгалтерия дафтарининг хажми катта бўлиб, тегишли варақни топиб, ундан фойдаланишни секинлаштиради.

Бухгалтерия дафтарларининг ҳамма варақлари ҳам ҳамма вақт фойдаланилаверилмайди. Тулдирилмаган варақлар эса келгуси ҳисобот

даври учун фойдаланилмайди ва ҳисоб регистрлари билан боғлиқ харажатларни ошишига олиб келади.

Бухгалтерия дафтарлари бир ҳисобот йили учун мўлжалланган.

Бухгалтерия регистрлари улардаги ёзув турига кўра, комбинациялашган шаклда ҳам бўлади.

Комбинациялашган бухгалтерия регистрларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда хронологик ва тизимли ёзувлар биргаликда акс эттирилади. Бундай регистрларнинг афзаллиги қўйидагилардан иборат:

- Ҳисоб ишлари ихчамланади.
- Бухгалтерия ёзувлари акс эттириладиган регистрлар миқдорини қисқартиради.

Хронологик ва тизимли ёзувлар умумлаштирилган ва комбинациялаштирилган ҳисоб регистрларига журнал-ордер мисол бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари уларда акс эттириладиган маълумотлар ҳажмига икки турга ажратилади.

1. Синтетик регистрлар.

2. Аналитик регистрлар.

Синтетик регистрлар синтетик ҳисоб маълумотларини акс эттиришга мўлжалланган бўлиб, уларга бош дафтар, жараёнларни рўйхат қилиш журнали, журнал-ордерлар ва бошқалар мисол бўлади.

Аналитик регистрлар аналитик ҳисоб маълумотларини расмийлаштиришда қўлланилиб, уларга «Материаллар», «Асосий воситалар», «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар машиналар ва бошқа мулклар ҳисоби бўйича юритиладиган карточкалар мисол бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан боғлиқ жараёнлар дастлабки ҳужжатларда расмийлаштирилади. Ушбу бошланғич ҳужжат ҳам шаклан, ҳам мазмунан ҳар томонлама текширилгандан сўнг, қайта ишланади. Дастлабки ҳужжат маълумотлари асосида, бухгалтерия регистрлари тўлдирилади.

Баъзи вақтларда бухгалтерия регистрлари ижроия варақлари асосида ҳам расмийлаштирилади. Бундай ҳолатларга даъвогар юзасидан ҳисоблашиш, ходимдан алимент суммасини ушлаб қолишлар, ходимни банкдан олган кредитлари юзасидан ушловлар учун асос бўладиган қонуний кучга эга бўлган суд қарорлари, банк билан ходим ўртасида тузилган шартномлар мисол бўлади.

Бухгалтерия регистрлари қандай дастлабки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилмасин қўйидаги талабларга риоя этиш зарурдир:

- дастлабки ҳужжатларни тегишли бланкага расмийлаштирилганлиги;
- дастлабки ҳужжат ҳамма реквизитлари андозага жавоб бериши;
- кўрсаткичлар арифметик тўғри ҳисоблангани;
- дастлабки ҳужжатларда расмийлаштирилган хўжалик жараёнлари иқтисодий мазмунлиги ва қонунийлиги;

•текшириб, қайта ишланган дастлабки хужжатлар асосида бухгалтерия регистрларини ўз вақидада ва тўғри расмийлаштириш:

•бухгалтерия регистрлари маълумотлари асосида бухгалтерия баланси ва ҳисоботни тегишли кўрсатмаларга асосан тўғри ва ўз вақидада тузиш:

•ҳамма талабга жавоб берадиган баланс ва ҳисобот бошқа шаклларини ўрнатилган муддатда тегишли жойларга топшириш.

Юқорида келтирилган талаблардан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб ишларини ҳамма босқичлари бир-бирига узвий боғлиқдир.

Дастлабки хужжатларни нақадар тўғри расмийлаштирилиши, бухгалтерия регистрлари маълумотларини ҳам тўғри расмийлаштирилишига асос бўлади. ўз навбатида бухгалтерия регистрлари молиявий ҳисоботларни ўз вақтида ва тўғри маълумотлар асосида расмийлаштирилишига хизмат қилади. Бизга маълумки, молиявий ҳисобот шакллари қўйидагилардан иборат:

1. Бухгалтерия баланси - 1 шакл
2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот - 2 шакл
3. Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот - 3 шакл
- 4 Пул оқими тўғрисида ҳисобот - 4 шакл
- 5 Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот - 5 шакл

Юқорида келтириб ўтилган молиявий ҳисобот ҳамма шакллари ҳам корхоналар фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш, назорат этиш, ҳамда бошқариш учун хизмат қилади.

Демак, корхона фаолияти ҳақида тўғри хулосага келиш учун молиявий ҳисобот маълумотлари ҳаққоний акс эттирилган бўлмоғи зарур экан.

Бухгалтерия регистрларини улардаги маълумотларни тўғри ва ўз вақтида акс эттиришини аҳамияти ҳам шундадир.

Бухгалтерия регистрларига тегишли маълумотларни акс эттиришни олдида қўйилган талабларни санаб утдик. Шу талабларга жавоб бериш учун эса қўйидаги вазифалар бажарилмоғи керак.

1. Дастлабки хужжатларни ҳар томонлама текшириш.
2. Бухгалтерия регистрлари билан тўлиқ таъминланиш.
- 3.Бухгалтерия регистрларига ҳисобот даври бошланғич қолдиқларини тўғри акс эттириб чиқиш.

4. Бухгалтерия проводкаларини ҳисоб регистрларига тегишли тартибда ўз вақтида ёзиш.

Бухгалтерия регистрларига ҳисобот даври бошида бошланғич қолдиқлар акс эттирилганда, олдинги ҳисобот даври учун охириги қолдиқ кўрсаткичлари олинади. Ушбу бошланғич қолдиқ суммалари тегишли бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириляётганда, уларнинг тагига чизик чизилади. Бундай чизик тортилишига сабаб, ҳисобот даври давомида акс эттирилган оборот суммалари билан бошланғич қолдиқ суммасини хатолик билан қўшиб юборилмаслик.

Бухгалтерия регистрларида ёзувлар акс эттириляётганда, худди дастлабки хужжатларга қўйилган талабларга риоя этиш зарур. Ёзувларни акс эттириш талаблари шундаки, сиёҳли, ручкалардан, кимевий қаламлардан, ёзув машинкалардан фойдаланиш зарур.

Оддий рангли қаламлардан фойдаланиш эса, таъқиқланади бу билан ёзувларни ўзгартириш олди олинади, ёзувларни узоқ вақт сақланиши таъминланади.

Ёзувларни бухгалтерия регистрларида қандай усулда акс эттиришга кўра, машинада ёзиш ва қўлда ёзишга бўлиш мумкин.

Машинада ёзиш деганда, ёзув машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бухгалтерия регистрларини расмийлаштириш тушунилади.

Бухгалтерия регистрларидаги ёзувлар улардан неча нусхадан расмийлаштирилиши кўра, бир ва бир неча нусхали бўлади.

Бир неча нусхада бухгалтерия ҳисоби регистрлари расмийлаштирилишида, уларни ҳар бир нусхаси алоҳида-алоҳида расмийлаштирилиши ёки кўчириш қоғозларидан (копировка) фойдаланган ҳолда расмийлаштирилиши мумкин.

Бир неча нусхада ёзиладиган хужжатлар, асосан, дастлабки хужжатлар бўлиб, уларга далолатномалар, ТТН (товар-транспорт накладной)ларни, счет-фактураларни, накладнойларни, тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаларини, шартномаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кўчириш қоғозлари ёрдамида ёзувларни акс эттириш орқали хато ёзувлар камайишига, ҳисоб ишларини тезлашишига ва оқибат натижасида бухгалтерия ходимлари меҳнат унумдорлиги ошишига эришилади.

8.3. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги хато ёзувларни тузатиш тартиби.

Бухгалтерия ҳисоб регистрларига кўрсаткичлар акс эттириляётганда, эътиборсизлик, маъсулиятсизлик, тажрибасизлик оқибатида хато ёзувлар ёзилиши мумкин.

Хато ёзувлар акс эттирилгани қўйидаги ҳолатларда аниқланиши мумкин.

1. Хато ёзув фақат бир регистрларда акс эттирилган.
2. Хато ёзув нотўғри бухгалтерия проводкаси натижасида вужудга келган.
3. Бухгалтерия проводкаси тўғри, аммо акс эттирилган сумма кўп ёки кам ёзилган.

Хато ёзувни юқорида келтирилган қайси ҳолатлардан бирида аниқланганига кўра тузатиш ёзувлари амалга оширилади.

Хатони тузатишни қўйидаги усуллари мавжуд:

1. «Корректур» усули.

2. «Қизил қалам» усули.

3. «Қўшимча ёзув» усули.

«Корректур» усулидан хато ёзув фақат бир ҳисоб регистрида мавжудлиги аниқланган ҳолатда фойдаланилади.

«Корректур» усулини моҳияти шундаки, хато ёзув устидан ингичка чизик тортилиб, уни ёнига тўғри ёзув ёзилади, ҳамда бу ҳақда хато ёзувни тўғрилаган жавобгар шахс ёки бош бухгалтер муддатни кўрсатиб, имзо қўяди.

Масалан: «Материаллар» ҳисоб счетини дебети билан бухгалтерия ҳисоб реестрига 40050 сўм ўрнига, 40000 сўм ёзилган 40000 (14.03.05) «тўғриланганлигига ишонилсин» (имзо).

«Қизил қалам» усулидан бухгалтерия проводкаси нотўғри берилганида, ёки кўп сумма акс эттирилганида фойдаланилади.

«қизил қалам» усули ёрдамида хато ёзув қизил рангли сиёҳ орқали тўғриланади. Яъни қизил рангда ёзилган рақам, шу рақам ёзилган оборот жами суммасидан айирилиши керак.

Қизил сиёҳдаги ёзув акс эттириб, хато ёзув тўғриланганидан сўнгра, тўғри бухгалтерия проводкаси ҳисоб регистрларига ёзиб қўйилади.

«Қизил қалам» усулига мисолни келтириш орқали талабаларни, ушбу усул моҳияти билан яқиндан таништирамиз.

Масалан: «Асосий ишлаб чиқариш» учун омбордан материал берилди 60000 сум. Ушбу жараён учун бухгалтерия проводкаси қўйидагича бўлади:

Дебет «Асосий ишлаб чиқариш» 60 000

Кредит «Материаллар» 60 000 сум

Бухгалтерия ходими томонидан эса, ҳисоб регистрларига 600 000 сўм акс эттирилгани аниқланди.

Хато ёзувни бир «О» рақамини ўчириш орқали тўғрилаш мумкин эмас. Демак, «қизил қалам» усулидан фойдаланишга тўғри келади.

$$600\ 000 - 540\ 000 = 60\ 000$$

Бухгалтерия ҳисоб регистрларига 540 000 сўм ортиқча ёзилганлиги сабабли, 600 000 дан 540 000 айирилиши шарт. Схема кўринишида синтетик счетларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоб регистрларидаги ёзувлар қўйидагича акс эттирилади.

<u>Д+ Материаллар К</u> -	<u>Д+ Асосий ишлаб чиқариш К-</u>
600 000	600 000
<u>540 000</u>	<u>540 000</u>

Аксинча, ёзилиши керак бўлган суммадан кам сумма ёзилгани аниқланса, «қўшимча ёзув» усулидан фойдаланилади.

Масалан, ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинди 170 000

Хўжалик жараёни бухгалтерия ҳисоб регистрида қўйидаги бухгалтерия проводкаси асосида акс эттирилади:

Дебет «Ходимлар билан меҳнат ҳақи» юзасидан ҳисоб-китоб.

Кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоб»

Хато ёзув орқали юқоридаги счетлар учун юритиладиган бухгалтерия ҳисоб регистрига 170 000 сони ўрнига 120 000 сони ёзилгани аниқланди.

$$170\,000 - 120\,000 = 50\,000$$

Хато ёзув тўғриланиши учун 50 000 қўшимча ёзув акс эттирилиши керак.

Материаллар қийматида фарқлар ижобий ёки салбий бўлишига кўра тегишли счетларга «қўшимча ёзув» ёки «кизил ёзув» усули орқали акс эттирилади.

8.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари.

Корхоналар фаолияти ҳисоби юритилар экан, бунда бир неча бухгалтерия ҳисоб шаклларида фойдаланади. Корхонада қўлланиладиган ҳисоб шакллари танлаш қўйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- корхона ҳисоб ишларини ҳажми кўп ёки камлигига;
- корхона бухгалтерия ходимларининг малака ва тажрибаларига ва ҳакозо.

Корхонада қайси ҳисоб шакли қўлланилишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига тўлиқ амал қилиниши шарт.

Бухгалтерия ҳисоби шакллари қўйидаги турларга бўлинади:

- * мемориал ордер шакли
- * бош давтар шакли
- * журнал ордер шакли
- * электрон-автоматлаштирилган шакл

Бухгалтерия ҳисоби шакллари бир биридан қўйидаги хусусиятларига кўра фарқ қилади:

1. Шаклдаги регистрларнинг сони, вазифасига кўра.
2. Регистрлар ташқи кўринишига кўра.
3. Регистрларда хронологик ва тизимли ёзувлар акс эттирилишига кўра.
4. Синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларини биргаликда ёзиш тартибига кўра.
5. Ёзувларни ёзиш тартиби ва техника воситаларнинг қўллаш тартибига кўра.

Қўйидаги бухгалтерия ҳисоби шакллари алоҳида, алоҳида кўриб ўтиш орқали улар хусусиятларига тўхтаб ўтамиз.

Мемориал - ордер шакли.

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли ҳозирги вақтда кам фойдаланиб асосан, кичик корхоналарда ва давлат муассасаларида қўлланилади. «Мемориал» сўзининг маъноси «хотира ёки эсдалик» демакдир. Мемориал - ордер шакли асосида юритиладиган бухгалтерия ҳисоби шаклида ҳужжатлар қайта ишланиши ва ҳисоб регистрларида акс эттирилиши кетма кетлиги келтирилган.

Ушбу бухгалтерия ҳисоб шаклини ўзига хос хусусияти шундаки, хўжалик жараёнларнинг ёзиш учун синтетик ва аналитик ҳисоб учун махсус жамғарма айланма ведомостлардан фойдаланади.

Бухгалтерияга топширилган дастлабки ҳужжатлар ҳар томонлама текширилгач, синтетик ва аналитик ҳисоб махсус айланма ведомостлари тўлдирилади: бундай жамғарма айланма ведомостлари асосий воситалар , асосий воситаларнинг; пул маблағлари ва қўйилмалар, ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулот; ишлаб чиқариш харажатлари, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш, меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китоблар, бюджет билан, ижтимоий суғурта ташкилотлари билан ҳисоб китоблар, маҳсулот(иш, хизмат) сотиш ва бошқа счетлар учун ташкил этилади.

Юқорида келтирилган ведомостлар ва синтетик ҳисоб регистрлари асосида мемориал ордерлар тузилади.

Мемориал - ордерда ёзилган маълумотлар ҳар ойда « бош китоб журнаliga» тарқатилади. ўз навбатида «бош китоб» журнали асосида оборот ва қолдиқ суммалар аниқланади, шундан сўнг, счетлардаги қолдиқ суммалари тегишли тартибда ҳисобот бошқа шаклларида ёзилади. « бош китоб» даги счетлар дебет оборотлари йиғиндиси, улар кредит оборотлари йиғиндиси билан шунингдек , «ордер бўйича суммалар» қатори жами билан тенг бўлмоғи зарур.

Мемориал -ордер бухгалтерия ҳисоб шаклини қўйидаги афзалликлари мавжуд:

1. ҳисоб жараёнларини қатъий кетма-кетлиги
2. Регистрлар андозавий шаклларида фойдаланишни имконияти мавжудлиги.
3. ҳисоб техникасини оддийлиги ва тушунарлиги
4. Бухгалтерия ходимлари малакасига кўра, ҳисоб ишларини тақсимлаш имкониятини мавжудлиги.

Мемориал-ордер шакли юқоридаги афзалликларга эга бўлиши билан бирга, баъзи бир камчиликларга эгадир:

1. ҳисоб ишларини кўп меҳнатлилиги;
2. Аналитик ва синтетик ҳисобни алоҳида юритилиши, яъни ҳисобни алоҳида юритилиши натижасида синтетик ҳисобдан аналитик ҳисобни орқада қолиши вужудга келади;
3. Турли ҳисоб регистрларда битта хўжалик жараёнини қайта, қайта ёзилиши.

Қуйида мемориал-ордер шаклида ишлатиладиган ҳисоб регистрларини келтириб ўтамыз:

Мемориал - ордер 1 «Касса»

2005 йил октябр ойига.

N	Жараен содир бўлган вақт	Жараен мазмуни	Корреспондент счет		Сумма
			Дебет	Кредит	
1	02.10.05	ҳисобдор шахсдан ишлатилмай қолган хизмат қилган сафари суммалари қабул қилинди.	5010	4220	10 000
2	04.10.05	Ходимни корхонага етказган зарар суммалари қабул қилинди.	5010	4730	12 000
3	17.10.05	Меҳнат ҳақи бериш учун ҳисоблашиш счетида пул олинди.	5010	5110	780 000
4	18.10.05	Товарларни нақд пулга сотишдан тушумлар қабул қилинди.	5010	9020	540000
5	20.10.05	Инвентаризация натижасида аниқланган пул маблағи кирим қилинди.	5010	9390	1000
счѐт дебити оборот жами					1343 000
6	05.10.05	Бошқа пул маблағлари ҳисоблашиш ҳисоб счѐтига қайтарилд	5110	5010	25 000
7	17.10.05	Ходимларга меҳнат ҳақи берилди	6710	5010	730 000
8	18.10.05	Товарларни сотишдан олинган сальдо тушуми инкассаторга берилди	5710	5010	540 000
9	20.10.05	Олинмаган иш ҳақлари банкка қайтарилди.	5110	5010	50 000
счѐт кредит оборот жами					1343 000

Бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шакли.

Бухгалтерия ҳисоби шакллари вужудга келиши, қўлланиши, ҳисоб ишларини ҳажмидан, ҳисоб ходимларини малакасида келиб чиқади. Бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шаклини вужудга келиши XIX аср бошларига тўғри келди ва ҳозирги даврда ҳам кичик фирма ва корхоналарда қўлланилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу шакли синтетик счѐтлар ҳам қўлланиладиган бухгалтерияларга хосдир. Табиийки, кичик фирма ва корхоналар фаолияти доираси катта бўлмаганлиги сабабли, қўлланиладиган синтетик счѐтлар миқдори ҳам кам бўлади.

Кичик фирмалар, улар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўртача йиллик ишчилар сони ишлаб чиқариш тармоғида 10 кишигача савдо,

хизмат ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида эса 5 кишигача бўлган корхоналар ҳисобланади.

Кичик корхоналар эса мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўртача йиллик ходимлар сони саноат тарихида 40 кишигача, қурилиш, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 20 кишигача, фан, илмий хизмат қилиш, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 10 кишигача корхоналар ҳисобланади.

Кичик корхоналар мустақил равишда ишлаб чиқариш ва бошқарув, ҳамда ходимлар сони ва фаолиятидан келиб чиқиб, тегишли органлар тасдиқлаган бухгалтерия ҳисоби шаклларида бирини танлайдилар.

Бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шаклини бир ойда хўжалик жараёнлари 100 тадан ошмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу шаклида дастлабки ҳужжат маълумотлари Бош дафтар деб аталадиган синтетик регистрда юритилади. Бош дафтарда хронологик ва тизимли ёзувлар биргаликда олиб борилади, шунинг учун ҳам комбинациялашган регистр ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шаклида ҳисоб ишларида қулайлик яратиш мақсадида ой давомидаги хўжалик жараёнлари реестрини ҳам юритиш мумкин. Хўжалик жараёнлари реестри асосида эса Бош дафтар тўлдирилади

Хўжалик жараёнлари реестри
«___» _____ 200__ й.

П/р	Муддат	Бошл.хў жалик номи ва №	Хўжалик жараёни мазмуни	Сумма (сум)		

Демак, Бош дафтар шаклда икки турдаги ҳисоб регистрларидан фойдаланиш мумкин:

1. Бош дафтар.
2. Ҳисоб объектлари ҳисоб ведомости.

Ведомостларлар аналитик ҳисоб регистлари ҳисобланади.

Агар корхона ҳисоб объектлари ҳисоб ведомостларини ҳам юритса, у ҳолда Бош дафтарга маълумотлар ҳам дастлабки ҳужжатлар, ҳамда ведомостлар маълумотлари асосида ёзиб борилади.

Бош дафтарнинг варақларида хўжалик жараёнининг бўлган вақтида, дастлабки ҳужжат тартиб рақами, жараён мазмуни, суммаси, корреспонденцияланувчи счетлар кўрсатилади.

Бу дафтар регистри асосида юритиладиган ушбу шаклнинг қўлайликлари қўйидагилардан иборат.

- ёзувлар аниқлиги ҳисоб ишларини текширишни осонлаштиради;
- ҳисоб ишлари камаяди;
- қўлланиладиган регистрлар миқдори камаяди;
- Синтетик счетлар бўйича айланма қайднома тузилишига зарурият йуқолади;
- ҳисоб ходимлари ортиқча меҳнати қисқаради.

Юқорида келтириб ўтилган афзалликлар билан бирга бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шаклини қўллашда баъзи бир камчиликлар вужудга келиб, улар қўйидагилардан иборат.

- Корхона катта бўлса, ҳисоб ишларини оқилона ташкил этиш мумкин бўлмай қолади;
- Қўлланиладиган счетлар миқдори купайиши, хато ёзувлар акс эттирилиши эҳтимолини оширади;
- ҳисоб ходимлари ўртасида меҳнат тақсимотини оқилона ташкил этилишини таъминламайди.

Аммо, юқорида таъкидлаганидек, бухгалтерия ҳисобининг Бош дафтар шаклидан кичик корхоналар фойдаланиши у ердаги ҳисоб ишларини яхши олиб борилишига хизмат қилади

Бош дафтарда йил бошига ҳар бир маблағ ва улар бўйича қолдиқлар акс эттириб чиқилади. Кейин, жараён мазмуни қаторида ой давомида хронологик тартибда ҳар бир дастлабки ҳужжат асосида ҳўжалик жараёнлари ёзиб борилади. Бунда, содир бўлган жараёнга таалуқли сумма, икки ёқлама ёзув усулига кўра, корреспонденцияланган счетлар дебети ва кредитида ёзилади.

Ой охирида ҳар бир счет бўйича дебет ва кредит оборотлари аниқланади ва жами дебет ва кредит оборотлари жамланиб, улар тенглилиги таққослаш орқали текширилади. Дебет ва кредит оборотлар йиғиндиси тенглиги ҳисоб ишлари тўғри акс эттирилганлигини билдиради. Дебет ва кредит оборотларда аниқланган сумма ўзаро тенг бўлиши билан бирга «Текширув суммаси» қаторидаги жами суммага ҳам тенг бўлиши керак.

Шундан сўнг, ҳар бир счет бўйича ой охирига қолдиқ ҳисоблаб чиқилади. Ой охирига аниқланган қолдиқ суммалар актив счетларда дебет томонида, пассив счетларда кредит томонида акс эттирилиб, уларнинг ўзаро тенг бўлиши шартдир.

Сўнггра, ушбу аниқланган қолдиқ суммалар асосида корхона ҳисоботи тузилади.

Юқорида келтириб ўтилган, Бош дафтар счетини жадвал кўринишини, компьютер сабоғини яхши эгаллаган ҳисобчи жадвалли процессор «EXCEL»да самарали қўллаши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли.

Бухгалтерия ҳисобини мемориал-ордер шаклида мавжуд бўлган камчиликлар, ҳисоб шаклини такомиллаштиришни талаб этарди. 1940 йилларда бухгалтерия ҳисоби шаклини талаб дражасига кўтариш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида такомиллашган журнал-ордер шакли вужудга келди. 1949 йилда эса, собиқ СССР Молия Вазирлиги илғор корхоналар бухгалтерия ҳисобида тажрибадан ўтган бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклининг меъёрий ҳисоб регистрларини ишлаб чиқди. Шу ҳисоб регистрини журнал-ордер деб аталиши, улар асосида юритиладиган ҳисоб шаклининг ҳам журнал-ордер шакли деб аталишига асос бўлди.

1960 йил 1 январдан қўлланилаётган бухгалтерия ҳисобининг ягона счетлар режасига мувофиқ равишда бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли намунали равишда ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби принципларига ўзгаришлар киритилди. Журнал-ордер шаклига қадар бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли қўлланилиб келарди.

Бухгалтерия ҳисобининг Журнал – ордер шакли бошланғич хўжалик маълумотларини гуруҳлаб жамлаш принципига асосланган. Бу жамлашда бухгалтерия ҳисоби ҳамма бўлимлари бўйича хўжалик мулклари ва жараёнларини синтетик ва аналитик ҳисоби таъминланади.

Ҳисобот ойидаги дастлабки ҳужжат маълумотларини тизимлаш ва жамлаш ҳисобга олиниши керак бўлган маблағ ва хўжалик жараёнларини улар фойдаланиши бўйича акс эттириш имкониятини берувчи ҳисоб регистрларида олиб борилади. Демак, мемориал-ордерларни тузиш зарурияти қолмайди. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида бошланғич хўжалик маълумотлари тўғридан тўғри журнал-ордер ва ёрдамчи ведомостларда акс эттирилиб борилади.

Журнал-ордер ҳисоб регистри ёзувларни хронологик ва тизимли акс эттириб боришга мўлжалланган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг баъзиларида бир турдаги хўжалик жараёнларининг кўп содир бўлиши ёрдамчи ведомостлардан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Ой давомидаги бир хил хўжалик жараёни кўп содир бўлганлиги сабабли ёрдамчи қайдномада акс эттирилиб борилади, ой охирида эса, жамланган маълумотлар журнал-ордер ҳисоб регистрга кўчирилади. Ёрдамчи ведомостлар бир вақтда икки вазифани бажаради. Биринчидан, журнал-ордерга маълумотлар акс эттирилишига хизмат қилса, иккинчидан, аналитик ҳисоб регистр сифатида ҳам фойдаланилади.

Ёрдамчи ведомостлар бухгалтерия ҳисоб объектларини гуруҳлашда ҳам аҳамиятлидир. Масалан, муомала харажатларини (савдо корхоналарида), умум ишлаб чиқариш харажатларини (ишлаб чиқариш корхоналарида) гуруҳлаш заруриятида ҳам ёрдамчи ведомостлардан фойдаланилади, уларда тегишли маълумотлар жамланади ва ой охирида журнал-ордерда акс эттирилади. Бошланғич хўжалик маълумотларини

журнал-ордерларда тўғри гуруҳлашни таъминлаш мақсадида счетлар кредити бўйича корреспонденциялари журнал-ордер ҳисоб регистрида тўғри ёритилишини кўзда тутилган ҳолда махсус қатор ажратиш орқали кўрсатиб ўтилган.

Журнал-ордер ҳисоб регистрларида счетлар бўйича ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар учун зарур кўрсаткичлар рўйхати учун махсус қаторлар ажратилган.

Бухгалтерия ҳисобини журнал-ордер шакли қўйидаги асосий принципларга асосланган:

- журнал ордерда хўжалик жараёнлари акс эттириляётганда тегишли счет кредити бўйича дебетланувчи счетлар кўрсатилган ҳолда ёзилади;
- Иктисодий ва ҳисоб юритиш жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ счетлар бўйича журнал-ордерлар мужассамлашган ҳолда қўлланилади;
- Синтетик ва аналитик ҳисоб ёзувлари биргаликда олиб борилади;
- Бухгалтерия ҳисоби хўжалик жараёнларини;
- Назоратни олиб бориш ва ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларни тузишда керакли кўрсаткичларга ажратиб акс эттириш;
- Корреспонденцияланувчи счетлар олдиндан кўрсатилган ҳисоб регистрлари (журнал-ордер, ёрдамчи ведомостлар)да акс эттирилади.
- ҳисоб регистрлари бир ой учун қўлланилади.

Журнал-ордер шакл қўлланиши натижасида қўйидаги имкониятларга ага бўлинади:

- ҳисоб ишлари осонлашади;
- хўжалик айланиши тезлашади;
- ҳисоб ишларини бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсиланиши оқилона ташкил этилади ва оқибат натижасида ҳисоб ишлари унумдорлиги ошади;
- ҳисоб ишлари харажатлари камаяди;
- синтетик ва аналитик ҳисоб ёзувлари биргаликда олиб борилади;
- ҳисобот тузишга тайёргарлик ишлари енгиллашади.

Бухгалтерия ҳисобининг Журнал-ордер шаклида синтетик ва аналитик ҳисоб ёзувлари биргаликда олиб борилади деб таъкидланди. Баъзи ҳисоб объектлари бўйича аналитик ҳисоб учун аналитик карточкалар юритилади. Аналитик карточкалар ҳисоб объектлари миқдори кўп бўлганда қўлланилади. Масалан, Асосий воситалар аналитик ҳисоби учун № ОС – ба «Асосий воситалар инв. карточлари» юритилади. Ишлаб чиқариляётган маҳсулот таннархини аниқлаш мақсадида харажатлар ҳисоби учун карточкалар ёки юқорида таъкидлаб ўтилганидек, гуруҳловчи ведомостлар ҳам юритилади. Ушбу аналитик ҳисоб карточкалари юритилганда, улар маълумотлари асосида айланма ведомостлар тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклида қўлланиладиган икки ҳисоб регистри (журнал-ордер, ёрдамчи қайднома) дан ташқари зарурият бўлса, яна ёрдамчи хужжат сифатида махсус ишлаб чиқилган жадваллардан ҳам фойдаланилади.

Синтетик ҳисоб регистри – Бош китоб ва бошқа регистрлар асосида баланс ва ҳисобот бошқа шакллари тузилади.

Бош китобда ҳар бир счет бўйича варақ ажратилиб, унда счетга тааллуқли бошланғич қолдиқ, дебет оборотлари ҳар бир мос равишдаги кредитланувчи счетлар билан бирга, ҳамда кредит оборот умумий суммаси, ой охирига қолдиқ суммаси кўрсатилади.

Бош китобда акс эттириладиган счетлар бўйича маълумотлар тегишли журнал-ордер, ёрдамчи ведомостлардан олинади.

Демак, журнал-ордер маълумотлари нақадар тўғри ва аниқлиги ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланувчи. Бош китоб маълумотларини ҳам тўғрилигини таъминлайди.

Журнал-ордерлар хўжалик жараёнларини синтетик ҳисобини юритишга мўлжалланган бўлиб, бир счет кредитда ва бошқа счетлар дебетланиши сифатида шахмат ёзувидан фойдаланган ҳолда юритилади. Баъзи счетлар, масалан, «Касса», «ҳисоблашиш» счетларини кредит оборотларини ҳисобини юритишга мўлжалланган журнал-ордерлардан ташқари, шу счетларнинг дебет оборотларини ҳисобга олиб борувчи ёрдамчи ведомостлар ҳам юритилади. Савдо корхоналарида товарлар ҳисобини юритишга мўлжалланган «Товарлар» счёти бўйича ҳам худди шундай, кредит обороти ҳисоби учун журнал-ордер, дебет обороти ҳисоби учун ёрдамчи ведомостлардан фойдаланилади.

счетлар дебет обороти учун мўлжалланган ёрдамчи ведомостлардаги ёзувлар ҳам кредитланувчи счетлар билан акс эттирилади, яъни шахмат ёзуви усулида ёзилади.

Шахмат ёзуви усулини хусусияти шундаки, ёзув бир марта акс эттирилади.

Баъзи счетлар улар иқтисодий мазмуни жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлганлиги сабабли, улар ҳисоби учун битта журнал-ордер мўлжалланган.

Масалан, «Асосий воситалар», «Асосий воситалар эскириши», счетлари иқтисодий мазмуни жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлганлиги сабабли 13-журнал-ордердан фойдаланилган ҳолда ҳисоб юритилади.

Бош дафтарга эса, ҳар бир счет бўйича ажратилган варақларга тегишли маълумотлар умумий юритилган журнал-ордердан олиб ёзилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида қўлланиладиган Бош дафтарнинг хусусияти шундаки, унда счет маълумотларини бир ойлиги эмас, балки, бир йил давомида ёзиб борилади.

Бош китоб журнал-ордер маълумотларини умумлаштириш, ҳисобот шакллари тузиш учун ҳар бир счетлар бўйича ёзувларни тўғрилигини текшириш учун мўлжалланган.

Бош дафтар смети қўйидагича кўринишга эга бўлади.

№____ смети бўйича Бош китоб
(бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклида)

«Бош китоб» Журнали

_____ ой 200__ йил

М/О бўйича сумма №	М/О	смет №		смет №		смет №		смет №		Оборот жами	
		Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
__кун __ой 200__й Бошига қолдиқ											
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
Оборот Жами											
__кун __ой 200__й га қолдиқ											

Моддий бойликларни миқдор-қиймат ҳисоб китоби
смет _____

Муд дат	М/О №	Жараен мазмуни	Бахоси		Дебет		Кредит		Қолдик	
					миқдор	сумма	миқдор	сумма	миқдор	сумма

Бухгалтерия ҳисобининг жадвал – автоматлаштирилган шакли.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу шакли электрон ҳисоблаш машиналарини қўллашга асосланган.

Ҳисоблаш техникаларининг ривожланиши, уларни халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларда кенг қўлланилиши иқтисодий самарадорликга эришишнинг асосий омилларидан биридир.

Бухгалтерия ҳисоб ишларини такомиллашувига эришиш, улар самарадорлигини ошириш мақсадида ишларини механизациялаштириш натижасида Бухгалтерия ҳисобининг жадвал – автоматлаштирилган шакли вужудга келди.

Ҳисоб ишларида ЭХМ ларидан фойдаланиш ёрдамчи қўйидаги имкониятларни яратилади:

1. ҳисоб ишлари билан банд бўлган ходимлар сони қисқаради.
2. ҳисоб ходимлари меҳнат унумдорлиги ошишига эришилади.
3. ҳисоб маълумотлари қайта ишланиши тезлашади.
4. ҳисоб маълумотларидан фойдаланишни оперативлигини таъминланади.

5. моддий жавобгарлик устидан назоратни кучайтирилишига эришилади.

6. корхоналар мулкчилик сақланиши устидан назорат кучайтирилади:

7. ҳисоб ишлари билан боғлиқ харажатлар камайишига эришилади.

Бухгалтерия ҳисобининг жадвал-автоматлаштирилган шакли асосида бухгалтерия ҳисоби усули асосий элементидан ҳужжатлаштириш ётади. Аммо, шунга аҳамият бериш зарурки, ҳужжатлардаги маълумотларни гуруҳлаш, умумлаштириш ҳисоблаш машиналари ёки компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳисоб ишлари компьютерларда амалга ошириладиган корхоналарда ҳисоб маълумотлари ҳисоб регистрларида ёки ҳисоблаш машиналарини маълумот ташувчиларида сақланади, яъни масалан, дискетларда.

Бухгалтер иш жойларини компьютер билан таъминланиши автоматлаштирилган иш жойлари (АРМ)ни яратилишига асос бўлади.

ЭХМлардан ҳисоб ишларида фойдаланиш иқтисодий самаралар билан бирга корхоналарда бошқаришнинг автоматик тизимини яратилиши билан бирга олиб борилади.

Бошқаришнинг автоматик тизими корхоналар хўжалик фаолиятини бошқаришдаги вазифалар компьютерларни қўллаш ёрдамида бажарилади.

Бошқаришнинг автоматик тизими (АСУП) корхона хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган муаммолар, вазифаларни оператив ҳам этишни тегишли чора-тадбирлар белгиланишини, қарорлар қабул қилинишини таъминлайди. Шунингдек, чора-тадбирларни амалга оширилиши, қарорлар бажарилиши устидан назоратни оперативлиги ҳам АСУП тизими ёрдамида таъминланади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланиш, натижасида вужудга келган, бухгалтерия ҳисобининг жадвал – автоматлаштирилган шакли компьютер дастурлари дан фойдаланишга асосланган.

Компьютерларни ҳисоб ишларига мўлжалланган дастурлари ҳисоб регистрларини автоматлаштирилган тарзда тузишга имконият яратади.

Бухгалтерия ҳисобининг такомиллашган автоматлаштирилган шаклида асосий боскич бухгалтерия маълумотларини қайта ишлашдир.

Маълумотлар қайта ишлаш учун компьютерга киритилишидан олдин, маълумотлар қайта ишлашга мослаштирилиши лозим.

Автоматлаштирилган ҳисоб шаклида ҳужжатлар айланиши ҳам шу шаклга мослашган ҳолда тузилиши лозим. Маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган дастурларни тайёрлаш, уларни қўллашга доир технологик ва қўллаш кўрсатмалари ҳам ушбу шаклдаги боскичлардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган дастурга кўра, маълумотлар ҳисоблаш маркази (ХМ) ёки автоматлаштирилган иш жойи (АРМ)да бухгалтерия ходими турли мазмундаги ҳисоб регистрларини олади. Дастурда ишлаб чиқилганига кўра, бу ҳисоб регистрлари журнал-ордерлар, ведомостлар, китоблар, карточкалар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби қайси шаклидан фойдаланишни мустақил равишда белгилайдилар ва бунда улар ҳисоб-китоб ишларини ҳажми, ҳисоб ходимларини сони, малакаси ва бошқа омилларни эътиборга оладилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолиятлари ҳисобини юритишда бухгалтерия ҳисобининг қайси шаклларидан фойдаланишларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларга ва кўрсатмаларига риоя этишлари шарт.

Хулоса.

Текшириб қабул қилиб олинган дастлабки ҳужжатлар асосида бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Табиийки, бу бухгалтерия проводкалари ҳам ҳужжатлаштирилиши шарт. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби регистрларидан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари – ҳисоб ёзувларини (бухгалтерия проводкаларини) акс эттиришга мўлжалланган жадваллардир.

Бухгалтерия ёзувларининг турлилиги, ҳажми ҳар хиллигидан келиб чиқиб, улар акс эттириладиган ҳисоб регистрлари ҳам турличадир.

Бухгалтерия ҳисоби шакллари қўйидаги турларга бўлинади:

- * мемориал ордер шакли
- * бош давтар шакли
- * журнал ордер шакли
- * электрон-автоматлаштирилган шакл

Таянч иборалари.

Регистрлар, карточкалар, ведомостлар, «қизил қалам», «қўшимча ёзув», мемориал-ордер, Бош журнал, журнал-ордер, жадвал-автоматлаштирилган шакл, бухгалтерия ҳисоби шакллари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

1. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари нима ва уларнинг аҳамияти нималардан иборот?
2. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг қандай турлари мавжуд?
3. Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари турларини юритиш тартиби қандай?
4. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги хато ёзувлар қандай усуллар ёрдамида тузатилади?
5. Бухгалтерия ҳисобининг қандай шакллари мавжуд?
6. Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шаклининг афзаллиги ва камчиликлари нималардан иборот?
7. Бухгалтерия ҳисобининг Бош журнал шаклининг афзаллиги ва камчиликлари нималардан иборот?
8. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклининг афзаллиги ва камчиликлари нималардан иборот?
9. Бухгалтерия ҳисобининг жадвал-автоматлаштирилган шаклининг афзаллиги ва камчиликлари нималардан иборот?

Адабиётлар.

1. Астахов В.П. Теория бух. учёта Учеб. Пос. -М.: ИКЦ МарТ Ростов н/Д, 2004
2. Гусева Г.Н., Шеина Г.Н. Основы бух. Учёта: теория, практика, тесты. Учеб. Пос. - М.:Ф и С, 2004
3. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учёта учебник. -М.: Ф и С, 2004
4. Малькова Т.Н. Теория и практика международного бухгалтерского учёта: Учеб.пособие. – СПб.: «Бизнес-пресса».- 2003.
5. Муравицкая Н.К., Лукьяненко Г.И. Тесты по бухгалтерскому учёту: теория бух. учёта, бухгалтерская и финансовая отчётность Учеб. Пос. -М.:Ф и С, 2004
6. Печерская Г.А. Основы бухгалтерского учёта. – М.: «Издательство ПРИОР».- 2003.
7. Хабарова Л.П., Учётная политика 2004 года учебник . -М.: Бухгалтерский бюллетень-ББ, 2004
8. Хошимов Б.Х. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: «Шарқ», 2004.

Мавзунинг ўқитишда қўлланиладиган педагогик технологиялар.

Ақлий ҳужум, дискуссия, конференс, синдикат.

Интернет маълумотлари:

[http:// www. konto. ru](http://www.konto.ru)

[http:// www. referat. ru](http://www.referat.ru)

[http:// www. accounting. megareferats. ru](http://www.accounting.megareferats.ru)

[http:// www. bankreferatov. ru](http://www.bankreferatov.ru)

9- МАВЗУ. Бухгалтерия хисоботи.

9.1. Бухгалтерия хисоботи, унинг ахамияти ва унга куйилган талаблар.

9.2. Хисобот турлари ва шакллари.

9.3. Хисоботни тузишга тайёргарлик кўриш.

Хулоса.

Таянч иборалари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар.

Адабиётлар.

Мавзунини ўқитишда қўлланиладиган педогогик технологиялар.

9.1. Бухгалтерия хисоботи, унинг ахамияти ва унга куйилган талаблар.

Маълум бир даврга хисоб курсаткичлариини умумлаштириш хисобот деб аталиб, унда корхона молия хужалик фаолиятнинг натижаси ва маълум бир даврга режа курсаткичларининг бажарилиши бухгалтерия, статистик ва оператив – техника хисоби маълумотларига асосланиб тузилади.

Хисобот кундалик хисоб маълумотларини хисоблаш, гурухлаш йули билан тузилади. Хисобот бир неча шаклларда тузилади. Унинг шаклларида хисобот давридаги факат хакикий маълумотларгина эмас, балки утган давр маълумотлари ҳам курсатилади.

Хисобот шаклларида бундай курсаткичларнинг булиши, корхона молия хужалик фаолиятини ташкил килишда катта ахамиятга эга. Хисобот маълумотларини тахлил килиш асосида факат у еки бу корхонанинг хужалик фаолияти натижасига баҳо берилибгина колмасдан, балки халк хужалигининг айрим тармоклари иш натижасига ҳам баҳо бериш мумкин. Хисобот маълумотларини урганиш корхонада мавжуд булган ички резервларни аниклаш ва уларни ишга солиш имкониятини ҳам беради.

Хисобот курсаткичлари келгуси йиллар режаларини тузиш учун асос булиб ҳам хизмат килади, чунки келажак режаларини тузиш учун мавжуд имкониятларни билиш мухим ахамиятга эгадир, бундай маълумотлар хисоботда мавжуд булиб, у яна жорий хисоботларнинг ташкил килинишига ҳам ўз ижобий таъсирини курсатади.

Хисоботдан корхона рахбарлари, халк хужалигини бошқаришнинг барча ташкилотлари ва ташки, фойдаланувчилар (инвесторлар, акциядорлар) томонидан тугри фойдаланилиши учун у куйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

1. Корхона ишини аник, тугри ва оддий килиб акс эттириш;
2. Ўз вақтида тузиш ва тегишли ташкилотларга кечиктирмасдан топтириш;
3. Хисобот курсаткичларининг режа курсаткичларига мослашганлигини акс эттириш ва уларни таккослаш.

Режа ва ҳисоб маълумотлари ўз иқтисодий мазмуни ва ҳажмига кура бир хил булиши керак. Бундай таккослилики таъминлаш учун қуйидаги шароитлар зарур.

А) Утган давр хронологик даврнинг мос келиши ҳисоботда ва ҳисоб маълумотлари маълум бир даврни еки маълум бир вақтни акс эттириши лозим.

Б) Утган давр жорий давр объектларининг бир хил гуруҳланиши.

В) Утган давр ва жорий давр ҳисоб гуруҳларининг бир хил усулда аниқланиши. Бундай бир хиллики таъминлаш учун махсус йул йуриқлар ишлаб чиқилган. Масалан: Шундай йул-йуриқлардан бири чакана товар оборотни режалаштириш ҳисоблаш, товарларни қийматини калькуляция қилиш.

Г) Баҳонинг бир хиллиги.

4. Утган давр курсаткичлари билан ҳисобот даврдагилари билан таккослаш.

Ҳисобот ва ҳисобот маълумотларини ҳақиқийси билан тугри келишини инвентаризация йули билан текшириб турилади, бу эса курсаткичларни ҳақиқатдагиси билан тугри аниқ ва объектив булишини таъминлайди.

Молия ҳисоботи жараенини халқаро амалиётда 4 та жараенга булиш қабул қилинган. Биринчи босқичда барча ҳужалик жараенлари еппасига ҳужжатлаштирилади.

Иккинчи босқичда, ҳисоб маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида (ситетик ва амалиёт) ҳисоб регистрларида гуруҳланган ҳолда акс эттирилади.

Учинчи босқичда ҳисобот шакллари ташкил топади.

Туртинчи босқичда корхона фаолияти ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилинади ва фаолиятга баҳо берилади. Курсатилган 4 босқич, ягона тизим деб қаралиши лозим. Бу бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти талабидир.

9.2. Ҳисобот турлари ва шакллари.

Иқтисодий мазмуни ва ҳисобот курсаткичларини олиш манбаига кура ҳисоботни қуйидаги икки тури мавжуд:

- Бухгалтерия ҳисоботи;
- статистика ҳисобот.

Аналитик хисоб маълумотларидан фойдаланиб, товар моддий бойликларининг ҳар бир тури бўйича захиралар ҳолати, ҳар бир мол етказиб берувчи, ишчи ва хизматчи, дебитор ва кредитор, моддий жавобгар шахс ва бошқалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича аналитик хисоб моддалар ва харажатлар объектлари бўйича олиб борилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннаҳини тугри аниклаш имконини беради.

Аналитик хисобни натура улчовида ҳам юритиш ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати бўйича аниқроқ маълумотга эга бўлиш, ҳамда инвентаризация натижаларини (ортиқча, етишмовчилик) тугри аниклаш имкониятини беради.

Аналитик хисоб бухгалтериянинг ҳужжатлари асосида олиб борилиб, маълум бир хисоб бўйича олиб борилаётган аналитик хисоб маълумоти шу хисоб маълумотлари билан бир ҳил бўлиши лозим.

Арбитраж (фр. *arbitrage*) - томонларнинг арбитраж муурожаати билан қелишмовчиликни ҳал қилиш йули. Арбитраж хужалик хисобидаги шартнома ва режа, интизом ва қоидаларни муустаҳкамлаш имконини беради. Арбитраж давлат, хусусий, жамоа ва акциядор, қушма қорхоналар, ташкилот ва муассасалар уртасидаги қелишмовчиликларни ҳал этиб беради.

Манфаатдор томонлар аризаси билан арбитраж судига муурожаат этади, арбитражда қелишмовчиликлар арбитраж ва манфаатдор томонлар билан ҳал этилади.

Қерак булган холларда арбитраж қорхоналар ва ташкилотларда аниқланган етишмовчиликлар ҳақида вазирлик ва тармок бошқармаларига муурожаат этади.

Асосий воситалар - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат воситалари (бинолар, иморатлар, машиналар, дастгоҳлар ва х.к.)

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар гуруҳларга ажратилади ва ҳисоб олиб борилади (*асосий воситаларнинг турларига қаранг*). Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қуп давр мобайнида иштирок этиб, (бир неча ишлаб чиқариш босқичида) узининг дастлабки қуриниши ва шаклини узгартирмайди ва қийматини тайёрланаётган маҳсулотга утказди.

Бухгалтерия ҳисобида эса, бошланғич қийматида ҳисобга олинади, ҳуқумат чиқарган низом асосида қайта баҳоланиши ва қайта тиклаш натижасида ҳам қайта баҳоланиши мумкин. Қайта баҳолашда тиклаш қиймати бўйича баҳоланади. Асосий воситаларнинг эскириши алоҳида ҳисобга олиб борилади. (*Асосий воситаларни тиклаш қиймати, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, асосий воситаларнинг эскириши, асосий воситаларнинг бошланғич қиймати*га қаранг).

Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун “Асосий воситалар” актив счётидан фойдаланилади. Бу счётининг дебетида асосий воситаларнинг қирими, кредитида эса, асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши қурситилади (*Асосий воситаларнинг қабул қилинишига қаранг*).

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати - асосий воситанинги хужаликка қабул қилингандаги қиймати. Бу қиймат асосий воситани сотиб олиш юзасидан ҳақиқий харажат суммаси, яъни уларни харид қилиш, келтириш, урнатиш, умуман, фойдаланиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар йигиндисини ва бино, иморат ҳамда қурилмаларни хужалик усулида қуриш харажатлари бўйича аниқланади.

Пудрат усулида қурилган бино ва қурилмалар счётидаги қиймати бўйича баҳоланади. Агар қурилиш ҳам хужалик усулида, ҳам пудрат усулида олиб қорилган бўлса, у ҳолда қурилган бино, иморатларнинг шартномада қурситилган суммаларига хужаликнинг узи сарфлаган харажатлар суммасини қушиш билан аниқланади.

Асосий воситалар бутун фойдаланилган вақти мобайнида бошланғич қийматда ҳисобга олинади (*Асосий воситалар, асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, асосий воситаларни тиклаш қиймати*га қаранг).

Асосий воситаларнинг эскириши - асосий воситалар бошланғич қийматининг ишлаб чиқариш жараёнида (жисмоний) эскириши ёки асосий воситанинги технологик эскириши ва меҳнат унумдорлиги қушиши натижасида қулар қийматининг қасайиши.

“Асосий воситаларнинг эскириши” счётилар қорҳонанинги уз асосий воситалари ва узок муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши ҳақида маълумотларни акс этириш учун мулжалланган.

Асосий воситаларнинг эскириши хар ойда белгиланган қонун-қоидалардан қелиб қикиб, уларни қула тиклаш амортизация ажратмалари меъёри асосида аниқланади.

Тула амортизацияланган асосий воситаларга эскириш суммаси хисобланмайди. Асосий воситаларнинг эскириши “Асосий воситаларнинг эскириши”сметларнинг кредитига ёзилади, у ҳолда тегишли сметлар дебетланади: Капитал курилишдаги асосий воситаларга эскириш суммаси хисобланса, 0800 “Капитал куйилмаларни хисобга олувчи”сметлар дебетланиб, 0200 “Асосий воситалар”сметлар кредитланади; асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга эскириш суммаси хисобланганда эса, 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”смети дебетланиб, “Асосий воситаларнинг эскириши”сметлар кредитланади; Ёрдам ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга эскириш суммаси хисобланганда 2310 “Ёрдам ва бошқа ишлаб чиқариш”смети дебетланади ва “Асосий воситаларнинг эскириши”сметлар кредитланади.

Умумишлаб чиқариш ва умумхужалик эҳтиёжлари учун ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириш суммаси 2510 “Умум ишлаб чиқариш харажатлари”, 9420 “Маъмурий харажатлар”сметларининг дебетига ва “Асосий воситаларнинг эскириши”сметлар кредитига ёзилади.

Ижарага берувчи ижарага берган (сотиб олиш ҳуқуқи билан узок муддатга берилгандан ташқари) асосий воситага эскириш суммаси хисобланса, фойда хисобидан копланиб турилади, яъни 9430 “Бошқа операцион харажатлар”смети дебетланиб, “Асосий воситаларнинг эскириши”сметлар кредитланади.

Узок муддатли ижарага олинган асосий воситалар ижара муддати тугамасдан қайтарилса, эскириш суммаси куйидагича ёзилади: Дт 0299 “Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши”, Кт 0310 “Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар”(ижарачи бухгалтериясида).

Сотилаётган ёки бошқача хисобдан чиқарилган асосий воситанинг эскириш суммаси хисобдан чиқарилганда, “Асосий воситаларнинг эскириши”сметлар дебетланиб, 9210 “Асосий воситаларни хисобдан чиқаришлар”смети кредитланади.

Асосий воситаларнинг қайта тикланган қиймати - ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида асосий воситаларнинг тула тиклаш қиймати. Бу қиймат бизга маълум бир объектнинг (олдин қурилган, тайёрланган) агар ҳозирги замонавий шароитда тайёрланганда қанча туриши мумкинлигини билдиради. Бизга маълумки, асосий восита бошлангич қийматда хисобга олинади. Бу қиймат уларни тайёрлаш ва келтириш билан боғлиқ ҳақиқий сарфларнинг суммаси билан аниқланади. Техника ривожланиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юксалиши ва бошқа иқтисодий шароитлар (пул алмашиши, инфляция) натижасида асосий воситаларни ишлаб чиқариш харажатлари узғариши мумкин. Бунинг натижасида ҳар хил даврда ишлаб чиқарилган ҳар хил объектларнинг бошлангич қийматлари турлича бўлади. Шунинг учун ҳам асосий воситани қайта баҳолаш зарурияти тугилади. Қайта баҳолаш ҳуқуқат қарори асосида ҳамма

корхоналарда бир вақтда утказилади. Кайта баҳолашда асосий воситаларнинг тиклаш қиймати аникланади. Кайта баҳоланган объектлар “Асосий воситалар”счеҗида бошланғич қийматида эмас, балки тиклаш баҳосида ҳисоби юриҗилади. Асосий воситаларнинг кайта баҳоланиши таъсисчилар қарори билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Асосий воситалар кайта баҳоланиши натижасида қимматлашса, 0100 “Аосий воситалар”счеҗи дебетланиб, 8510 “Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар”счеҗи кредитланади. Асосий воситалар кайта баҳоланиши натижасида арзонлашса, бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари акс эттирилади:

Асосий воситаларнинг гуруҳланиши - асосий воситаларни маълум белгилари ва фойдаланилишига қура гуруҳлаш.

Асосий воситаларни гуруҳларга ажратиш орқали халқ хужалиғи миқёсида асосий воситалар ҳақида қеракли қурсатқич ва маълумотларни тулик олиш имқони яратилади. Асосий воситалар ишлаб чиқаришда қатнашилишига қура ишлаб чиқаришдаги ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга бўлинади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ишлаб чиқариш қараёнида қатнашиб, ишчи ва автоматик воситалар ёрдамида меҳнат бўумларига (хом-ашё, асосий материаллар, ярим фабрикалар, эҳтиёт қисмлар ва х. қ.) таъсир этиб, маҳсулот яратишда қатнашади. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун моддий шароит яратадиган асосий воситалар мавжуд бўлиб, уларга бинолар, иморатлар, узатиш қурилмалари ва бошқалар қиради.

Уз навбатида ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар вазифаси ва қуринишига қура қуйидаги турларга бўлинади:

1 Бинолар-меҳнат қилиш учун шароит яратади ва моддий бойлиқларни сақлаш учун фойдаланилади (ҳар хил цех, бошқарув мақсадлари учун, лаборатория, омбор, бошқа бўлим ва хизматлар учун ишлаб чиқариш бинолари).

2 Иншоотлар - шахталар, нефть ва газ, сув сақлаш миноралари, қурик ва бошқалар. Бу воситалар бевосита меҳнат бўумларига таъсир этмаса-да, у ёқи бу техник вазифаларни бақариб ишлаб чиқариш учун шароит яратади.

3 Узатиш қурилмалари - электр узатиш, сув, буг, газ, ҳаво, қислоталарни бир объектдан иққинчисига узатиш трубалари.

4 Машина ва усқуналар:

- *қатта қувватли машина ва усқуналар - иссиклиқ ва электр энергия ишлаб чиқариш машина генераторлари, ҳар хил энергияларни механик қуринишга утқазувчи машина-двигателлар (атом реакторлари, электр двигателлар, буг двигателлари ва х. қ.);*

- *ишчи, машина ва усқуналар-меҳнат бўумларининг тарқиб, шакли ва қуринишини узғартириш мақсадида механик, термик ва қимёвий таъсир этишда ишлатиладиган машина ва усқуналар;*

- улчов воситалари, меъёрлаштирувчи ва лаборатория ускуна ва курилмалари;
- хисоблаш техникаси;
- бошка машина ва ускуналар-АТС (автоматик телефон станцияси), ишлаб чиқариш телевидения курилмалари, ёнгин машиналари ва х. к.

5 Транспорт воситалари - йуловчиларни, материалларни, ярим фабрикатлар ва маҳсулотларни ташишга мулжалланган транспорт воситалари. Буларга темир йул транспорти, сув транспорти ва автомобиллар киради.

6 Ускуналар - хом-ашё, материал ва яримфабрикатларни қайта ишлашга мулжалланган ускуналар.

7 Ишлаб чиқариш буюмлари - иш столлари, цех, омбордаги суюклик, сочиладиган материалларни саклайдиган буюмлар.

8 Хужалик буюмлари - бошкарма ва хужалик буюмлари (ёзув машиналари, канцелярия столлари ва бошкалар).

9 Ишчи ва маҳсулдор чорва хайвонлари.

10 Куп йиллик усимликлар - мевали, манзарали усимликлар.

11 Ерни яхшилаш молиявий харажатлари - ернинг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар.

12 Бошка асосий воситалар - кутубхона фондлари, ижарага олинган асосий воситалар, капитал харажатлар.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига эса, маданий-маиший, уй-коммунал хужалигига тегишли асосий воситалар киради. Шунингдек, соғлиқни саклаш, маориф, жисмоний тарбия, маданият, санъат ва бошка ноишлабчиқариш соҳаларига (маданият уйлари, ётокхоналар биноларига тегишли буюм ва ускуналар ва бошкалар) тегишли асосий воситалар ҳам киради.

Ишлаб чиқариш ва хужалик фаолиятида ишлатилаётганлигига қараб, ҳаракатдаги, захирадаги ва ҳаракатда бўлмаган асосий воситаларга бўлинади. Бундай гуруҳга ажратиш асосий воситалардан фойдаланиш самарасини, эскирган асосий воситаларни сотиш ёки асосий воситани тугатиш йулларини топиш, асосий воситалар эскириш суммасини харажатларга олиб боришни тугри амалга ошириш имконини яратади.

Асосий воситалар тегишлигига қура, уз асосий воситаларига ва ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади.

Асосий воситалар халқ хужалиги қайси тармоғида ишлатилишига қура, саноатда, кишлок хужалигида, савдода, қурилишда, умумий овқатланиш, моддий техника ва таъминот, ҳамда тайёрлов хужаликларидаги тармоқларга тегишли бўлади.

Асосий жамгармалар баланси - мавжуд, қабул қилинган асосий жамгармалар (асосий воситалар) билан ҳисобдан чиқарилган асосий жамгармаларнинг маълум бир даврга бўлган муносабати. Ишлаб чиқариш

ва ноишлаб чикариш асосий жамгармалари хажми ва таркибидаги узгаришлар хакида тулик маълумот олиш имконини беради.

Ассортимент (*фран. assortiment*) - ишлаб чикариш ёки савдо корхоналаридаги махсулот ва товарларнинг ҳар хил турлари ва навларининг таркиби. Субъект махсулот ишлаб чикариш режасини факат ҳажм жиҳатдан эмас, шунингдек, ассортимент буйича ҳам бажариши лозим. Бозор иктисодиёти шароитида аҳоли талабини кондириш, харидорни купрок жалб этиш ассортиментни кенгайтиришни такозо этади. Бу борада ташкил этилаётган “SUPER MARKET” деб аталаётган савдо корхоналари ишлари жуда ижобийдир.

Ассоциация - умумий хужалик мақсадларига эришиши учун мустакил корхона ва ташкилотларнинг бирлашиши. Ассоциация катнашчилари бошқа катнашчилар билан келишмасдан турли корхоналар бирлашмаларига аъзо булиши мумкин.

Аудит - лотинча “audio” сузидан олинган “у эшитади” деган маънони билдиради. Аудит мустакил ташки молиявий назорат булиб, ушбу корхонада ишламайдиган мустакил ҳамда дипломли аудиторлар томонидан олиб борилади.

Аудитор - текширилаётган корхона раҳбарияти билан тузилган шартномага асосан, шу хужалик юритувчи субъектнинг молиявий-хужалик фаолиятини текширувчи шахс.

Аудитор хизмати - корхона фаолияти молиявий назоратининг махсус шакли булиб, мижоз хоҳишига кура олиб борилади. Аудитор хизматига текширилаётган корхона йиллик ҳисоботида илова қилинадиган шу хужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати хакидаги ҳулосани бериш, шунингдек, мижозга менежмент ва солиққа тортиш масалалари юзасидан, ҳисоб юритиш сиёсати борасидаги маслаҳатлар ҳам қиради. Аудитор хизмати тижорат асосида мижоз ва аудитор (аудиторлик фирмаси) уртасида тузилган шартномага асосан олиб борилади.

Аукцион - баъзи товарларни белгиланган муддатда ва тайинланган жойда сотиш усули (Ким ошди савдоси). Узига хос хусусияти олдиндан товарлар намойиш этилиши ва масъул сотувчининг иштирок этмаслиги. Халқаро савдода ҳам кенг тарқалган (пахта, олтин, чой, нефть махсулотлари ким ошди савдоси).

Аутсайдерлар - монопол бирлашмаларга қирмайдиган корхоналар (кичик ва урта корхоналар).

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси - халқ хужалигининг таркибий қисми булиб, аҳоли пул маблағларининг келиши ва харажатлари манбалари аниқланади.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг даромад қисмида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат хақи, нафақа, стипендия, шахсий эҳтиёжлар учун қарзлар, сугурта туловлари, аҳолининг майда хунармандчилик, уз томорқаларидан, қимматбаҳо қозғалардан оладиган даромадлари ва бошқа даромад манбалари қурсатилади.

Балансинг харажат кисмида эса, товар ва хизматлар учун тулов, мажбурий ва ихтиёрий туловлар, ажратмалар ва бошка харажат манбалари акс эттирилади.

Ахолининг пул даромадлари ва харажатлари балансида талабни коплаш кобилияти ва уни кондириш манбалари аникланади.

-Б-

Баланс (*фр. balance- мувазанат, тарозининг икки палласи*) - доимий узгаришда ва узаро боглик катталикларнинг холатини курсатувчи, курсаткичлар тизими, тенглик. Баланс икки кисмдан иборат булиб, белгиланган муддатга тузилади. Балансинг томонлар курсаткичларининг узгартирилишларини акс эттириб, иккала томоннинг узаро богликлгини курсатади. Иккала томон курсаткичларининг жами суммаси доимо тенг булиши лозим. Баланс бир корхона, ишлаб чикариш бирлашмаси, вазирлик (бухгалтерия баланси, субъектнинг даромад ва харажатлари баланси), ҳамда халк хужалигининг барча тармокларида тузилиши мумкин (ахолининг пул маблаглари ва харажатлари баланси, асосий жамгармалар баланси, тулов баланси, савдо баланси, кишлок хужалик махсулотларининг баланси).

Балансдан ташуари счетлар – шундай счетларки, уларнинг уолдиулари бухгалтерия балансида акс эттирилмайди. Бу счетлар бошка корхоналарга тегишли ва корхонада мавжуд булган товар—моддий бойликларни, яъни жорий ижарага олинган асосий воситалар 001, маъсул саклашга кабул килинган товар—моддий бойликлари 002, кайта ишлаш учун олинган материаллар 003, бундан ташуари, комиссияга олинган товарлар 004, монтаж учун кабул килинган ускуналар 005, уатъий хисобдаги вараулар (бланкалар) 006, тулов кибилиятини йукотган дебиторлик карзларнинг зарарга уоказилиши 007, олинган мажбурият ва туловларнинг таъминланиши 008, берилган мажбурият ва туловларнинг таъминланиши 009, молиявий лизинг шартномаси буйича берилган асосий воситалар 010, ссуда шартномаси буйича олинган мол—мулк 011, келгуси даврда соликка тортиладиган базадан четлатилган харажатлар 012, вактинчалик солик имтиёзлари 013 ва фойдаланишдаги инвентар ва хужаликка тегишли воситалар 014 акс эттирилади.

Балансдан ташуари счетларда хисоб оддий, яъни иккиёклама ёзувсиз амалга оширилади. Бу счетлар узаро, ҳамда баланс счетлари билан ҳам корреспонденцияга киришмайди.

Балансдаги узгаришлар - хужалик жараёнлари таъсири остидаги хужалик маблаглари ва улар манбаларининг микдорий узгариши. Балансдаги узгаришлар куйидагилардир:

1 Актив томонидаги моддалардан бирида сумма купайиб, иккинчисида эса, камаяди. Масалан, хисоб-китоб счегидан наkd пул олинса, банкдаги пул маблаги камайиб, кассадаги пул маблаги эса, купаяди. Дт 5000-

“Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи”, Кт 5100 “Ҳисоб-китоб счёти”.

2. Пассив томондаги моддаларидан бирида сумма купайиб, иккинчисида эса, камаяди. Масалан, Ҳисобланган меҳнат ҳакидан даромад солиғи ушлаб қолинса, меҳнат ҳаки юзасидан ходимлар олдидаги мажбурият қамайиб, даромад солиғи юзасидан бюджет олдидаги мажбурият ошади. Дт 6710 “Ходимлар билан меҳнат ҳаки юзасидан ҳисоблашишлар”, Кт 6410 “Бюджетга туловлар бўйича қарзлар”.

3. Активда ҳам пассивда ҳам сумма қамаяди.

Масалан, ишчиларга меҳнат ҳаки ҳисобланди. Хужалик юритувчи субъектда харажат ҳам, меҳнат ҳаки юзасидан ходимлар олдидаги мажбурият ҳам ошади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади. Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, Кт 6710 “Ходимлар билан меҳнат ҳаки юзасидан ҳисоблашишлар”.

4. Активда ҳам пассивда ҳам сумма камаяди.

Масалан, ходимларга меҳнат ҳаки берилди, яъни меҳнат ҳаки юзасидан ходимлар олдидаги мажбурият қамаяди, кассадаги нақд пул маблағи ҳам камаяди. Дт 6710 “Ходимлар билан меҳнат ҳаки юзасидан ҳисоблашишлар”, Кт 5000- “Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи” счётлар.

Баланс усули - битта ҳодисани ифодаловчи қарама-қарши қурбатқичларни (қирим ва қиким маблағлари ва уларнинг манбалари ва ҳоказо) тенглаштириш, солиштириш. Баланс усулидан баланс (бухгалтерия баланси, қорхонанинг даромадлари ва харажатлари баланси, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ва бошқаларни) тузишда фойдаланилади.

Баланс усули режаларни ишлаб чиқишда ва ҳисобга олишда, уларнинг бақарилишини текширишда, хужалик фаолияти таҳлилида қенг ишлатилади.

Банк (*фр. banque*) - тулов ва қредитларга воситачилик қилувчи муассаса. Банқлар қулдорлик даврида вужудга қелди ва уларнинг аҳамияти, вазифалари қапталистик ишлаб чиқариш тузимиди янада ошди. Ҳозирги даврда эса ҳеч бир давлатнинг иқтисодиётини банқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайси давлатда банқ тизими яқши, оқилона тузилган бўлса, шу давлат иқтисодиётининг юқсалиши муваффақиятли бўлади.

Банқлар бўш пул маблағларини йигади ва уларни тадбирқорлар (мулкчилиқ шаклидан қатъий назар, барқа қорхона, ташқилот, муассаса ёқи шахслар)га фойз ҳисобида беради.

Банққа қуйилган депозит пул маблағлари билан боғлиқ бўлган қараёнлар пассив, йигилган маблағларни қарзга бериш қараёни эса актив дейилади. Пассив қараёнидаги фойз миқдори актив қараёнлар фойзидан паст бўлиши қерак, қунқи бу банқ фойдасини ташқил этади. Бизнинг жумҳуриятимизда банқ тизимини ривожлантириш борасида қейинги

йилларда катта ишлар олиб борилмокда. Хокимият ва давлат бошкармалари томонидан тегишли конун ва курсатмалар, коидалар ишлаб чикилди. Банк турларидаги катта узгаришлар (пахтабанк, савдогар банк, тадбиркор банк ва хоказо) билан бирга уларнинг мулкчилик шакллари ҳам (хусусий банклар) ташкил топмокда. Бундай узгаришлар, улар уртасидаги ракобатни юзага келтиради ва мижозларга хизмат курсатиш даражасини оширади. Окибат натижасида эса, корхоналар хужалик муносабатларидаги хисоб-китоблар ва туловларни тезда амалга оширишларига ва маблағлар айланишининг тезлашишига олиб келади.

Давлатимиз мустакилликка эришгандан сунг, тадбиркорликка кенг йул очиб берилди, имтиёзлар яратилди. Худди шунингдек, банкларга ҳам имтиёзлар берилди, улар фаолиятининг бошлангич даврларида соликлардан озод этилдилар, улар ишининг яхши ташкил этилиши бошка уз ишини бошламокчи булган тадбиркорларга (кредит билан таъминлаш) катта имкониялар беради ва окибат натижада иктисодиётимизда юксалишни тезлаштиради.

Банк белгилари - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган пул белгилари. Банк белгилари 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 ва 1000 сумлик қуринишларида чиқарилади. Давлатимиз мустакилликка эришгандан сунг, 1994 йил 1 июнда миллий валютаимиз муомалага чиқарилди.

Улар олтин ва бошка қимматбаҳо буюмлар, шунингдек, товарлар билан таъминланган булиши лозим. Банк белгилари халқ хужалиги истъемолига мос равишда, давлат банки касса ва кредит режасига асосан режалаштирилган тартибда муомалага чиқарилади.

Банк белгиларини қатъий ҳисобга асосланган ҳолда чиқариш лозим, таъминланмаган пул белгилари пул қадрсизлиги (инфляция)га олиб келади.

Банко - банкнинг қимматбаҳо қогозларни сотиш ва сотиб олиши бўйича белгиланган баҳо (курс).

Банк корреспондент - бошка банклар билан узаро муносабатларда бўладиган ва уларнинг топшириқлари билан маълум бир молиявий жараёнларни бажарувчи банк.

Банкноталар - кредитли пулларнинг асосий тури бўлиб, эмиссион банклар томонидан чиқариладиган қоидага мувофиқ мажбуриятлар (банк билетлари). Банкноталар товарлар, васикалар ва бошкалар гаровлиги асосида банкларнинг ссуда жараёнлари сифатида чиқарилади ва ссуда муддати тугаганидан сунг банкка қайтарилади. Давлат харажатларини қоплаш учун чиқариладиган банкноталар қогоз пулларга айланади. Ҳозирги вақтда банкноталарнинг асосий тури қогоз пуллар муомалага халқ хужалигининг эҳтиёжига қура чиқарилмокда. Улар олтин, қимматбаҳо металллар ва давлат бошка активлари билан, шунингдек, товарлар билан таъминланган.

Банкротлик - тулов кобилиятини йукотган карздор, яъни карзларни тулаш имкониятига эга булмаган тугатилаётган юридик ва жисмоний шахс. Фукаро, компания ёки корхонанинг маблагини йуклиги молиявий инкироз сабабли уз мажбуриятларини тулашдан воз кечиши.

Банк эмитент - муомалага пул белгилари, кимматбаҳо коғозлар, тулов-хисоб-китоб ҳужжатларини чиқарувчи банк.

Бартер - пул эмас, балки товар қуринишида бўлган узаро ҳужалик муносабатлари.

Бартер келишуви - пул туловисиз товарга мулкчилик ҳуқуқини товар алмашиш орқали бериш (табиий алмашиши). Бартер келишуви икки томонлама ва қуп томонли қуринишга эга бўлиши мумкин. Бартер келишувининг объекти маълум бир товар турлари бўлиб, у томонлар тузган шартномада аниқлаб олинади.

Бартер келишуви бир давлат ичидаги ҳужалик юритувчи объектлар уртасида, шунингдек, давлатлар уртасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Баҳо - товар қийматининг пулдаги қуриниши. Баҳо замирида товар қиймати яъни уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ижтимоий зарурий харажат ётади. Аммо бу, ҳар бир алоҳида товарнинг баҳоси унинг қийматига тенг бўлади дегани эмас. Баҳоси қийматдан фарқ қилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо товар учун талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланади.

Бенефициар - фойдасига утқазувчан аккредитив очилган шахс ва унга шу аккредитив ҳисобидан бошқа банкда ўзи ёки бошқа шахс фойдасига аккредитив очиш ҳуқуқи берилади.

Бизнес - фойда келтирувчи иқтисодий фаолият (*тадбиркорликка қаранг*).

Биржа - бозорнинг ташкилий шакли бўлиб, товарлар, кимматбаҳо коғозлар, валюта ва ишчиларнинг эркин савдоси амалга оширилади (*товар биржаси, меҳнат биржаси, фонд биржаси, валюта биржасига қаранг*).

Биржа баҳоси - биржа савдоси орқали сотилаётган товарлар баҳоси бўлиб, тегишли товар баҳосининг даражаси ва динамикаси юзасидан маълумотларнинг муҳим ва ишончли манбаи ҳисобланади.

Биржа котиловкаси - биржа копиловал комиссияси томонидан руйхатга олинадиган ва эълон қилинадиган савдо биржасининг товарлар баҳоси ва кимматбаҳо коғозлар қурси.

Биржа пошлинаси - биржа қумитаси томонидан биржа келишувларини амалга ошириш ҳуқуқи учун кимматбаҳо коғоз харидорларидан олинадиган пул йигими.

Биржа қумитаси. Биржалар бошқарув органи (Буюк Британияда - биржалар кенгаши, АКШда - бошқарувчилар кенгаши). Биржалар аъзоларининг умумий йиғилишида маълум бир муддатга сайланади.

Бирламчи ҳисоб - ҳисоб жараёнининг бошланғич босқичи, ҳужалик жараёнининг (маълумотлари) қурсатқичлари улчанади, аниқланади ва

хужжатларда акс эттирилади. Бирламчи ҳисоб синтетик ва аналитик счётининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирламчи ҳисобнинг уз вақтида ва аниқ бўлиши ҳисоб курсаткичлари сифатида ва уларнинг корхона хужалик-молиявий фаолиятини бошқариш ва назоратидаги аҳамиятига таъсир этади (*бухгалтерия хужжатларига қаранг*).

Бирламчи хужжатлар - бухгалтерия хужжатлари бўлиб, хужалик жараёни содир бўлган вақтда тузилади ва улар содир этилганлиги ҳақида бирламчи гувоҳнома ҳисобланади.

Тулдирилган бирламчи хужжатлар хужалик жараёнларининг ҳисобда акс эттиришнинг бошланишидир. Бирламчи хужжатларга касса қирим ва қиким ордерлари, юк хатлари, қабул қилиш ва топшириш далолатномалари, нарядлар, патталар ва бошқалар мисол бўлади.

Ҳисоб ёзувларини тезлаштириш ва осонлаштириш мақсадида қупчилик ҳолларда бирламчи хужжатлар асосида йигма хужжатлар тузилади. Бухгалтерия хужжатлари маълумотларни узида акс эттиришига қура бирламчи ва йигма хужжатларга бўлинади.

Хужжатлар қаерда тузилишига қура ички ва ташқи хужжатларга гуруҳланади.

Хужжатлар уз вазиқасига қура эса, қуйидаги турларга бўлинади:

- тасдиқловчи хужжатлар;
- фармойиш хужжатлар;
- комбинацияланган (фармойиш-тасдиқловчи) хужжатлар;
- расмий хужжатлар;
- аҳборот хужжатлари.

Бланка (*фр. Blanc-варақалар*) - зарурий белгилари мавжуд бўлган босма қуринишидаги хужжат шакли. Бланқалардан бухгалтерия хужжатларини тулдиришда фойдаланилади. Бунда босма қуринишидаги намунада ёқи қул ёзувида хужжатлар тулдирилади. Бланқалардан фойдаланиш хужжатларни тулдиришни осонлаштиради ва тезлаштиради, уларни ягона қуринишига олиб келади. Маълум бир бланқалар исроф қилинишининг, олдини олиш мақсадида қатъий ҳисобга олинади ва ҳар бирига тартиб рақамлари қуйиб қикилади. Масалан, касса қитоби, бош қитоб шундай бланқалардан ҳисобланади.

Бонлар - 1. Давлат, алоҳида муассаса ва ташкилотлар томонидан қикариладиган қарз мажбуриятлари. 2. Алмаштириладиган пул сифатида оборотга вақтинча қикариладиган, майда қийматга эга бўлган қогоз пул белгилари.

Бонификация (*фр. bonifico - яхшилаётман*) - агар шартномада белгиланганидан товарнинг сифати юқори бўлса, шу шартномага асосан, ушбу товарнинг баҳосига устама. Тесқари бонификация (рефакция) - шартномада қелишганидан товар сифати паст бўлса, шу товар баҳосидан қегирма.

Бош шартнома - умумий иш бажариш ёки товар етказиш даври тугагунга қадар муддатга тузилган шартнома.

Бош пудрат шартномаси буюртмачи ва пудрат курилиш ташкилоти уртасида умум курилишнинг иш хажми ва муддати даврига тузилади. Бош шартнома асосида йиллик шартномалар тузилади Бош пудратчи ишнинг бир қисмини бошқа ташкилотга (субпудратчига) бериши мумкин. Товар етказиш ҳақидаги бош шартнома савдо ташкилотининг юқори органи ва таъминловчи ташкилот, фирма, корхона, фермер хужаликлари уртасида тузилади.

Юқори савдо ташкилоти тузган шартнома асосида қуйи савдо корхоналари алоҳида узларига мос шартнома тузишлари мумкин. (*шартномага қаранг*).

Бракераж - давлат органлари ёки махсус брокерлар томонидан, утказиладиган товар текшируви. Бракеражнинг мақсади товар сифатини, уривини ва ҳужжатлаштирилишини андозаларга ёки қелишув шартларига жавоб беришини аниқлашдир.

Брокер - харидорлар ва сотувчилар уртасида қелишув тузилишидаги савдо воситачилари. Брокерлар товарлар ва хизматларнинг маълум бир тури бўйича ихтисослашган бўлиб, миқозлар топшириги ва номидан ҳаракат қилиб, улардан рағбатлантиришлар олади (*маклерга қаранг*).

Брокераж - акциялар ёки бошқа қимматбаҳо қозғаларнинг биржада уларнинг эгалари ёки қелгусидаги эгаларининг топширигига қура сотилиши ёки сотиб олиниши.

Брутто (*итал. brutto-қунол*) - товарларнинг идиши ёки урив билан биргаликдаги оғирлиги. Товарларнинг бундай оғирлиги баъзи ҳолларда зарур бўлсада, лекин товарнинг соф оғирлиги ҳақида аниқ маълумот беролмайди. Бунинг учун товарнинг соф оғирлиги (*нетто*)ни аниқлаш лозим.

Бухгалтер— бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис, "бухгалтер" сузи биринчи марта XV асрда пайдо бўлган. Бухгалтер мутахассислигига биринчи марта "Инсбруг" ҳисоб палатаси иш юритувчиси Кристофор Штехер эга бўлган. Умуман, бухгалтер маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ҳодим ҳисобланади. Бухгалтер аниқ бир иш ва маълум ҳужалик фаолиятининг ҳисоби ва назоратини олиб боради. Лавозими ва бажараётган ишига қура, бухгалтер қатта ва бош бухгалтер бўлиши мумкин. Қатта бухгалтер бухгалтериянинг бир бўлимини бошқарса, бош бухгалтер бутун бир ҳужалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси фаолиятини бошқаради.

Иқтисоддаги узгаришлар, корхоналарга мустиқлик берилиши, ҳусусий корхоналарнинг очилиши, қушма корхоналарнинг ташкил этилиши, фермер ҳужаликларининг юзага қелиши ва бошқа шароитлар бухгалтерларнинг ролини янада оширади. Бухгалтер нафакат бухгалтерия ҳисобини юргизишни, балки, иқтисодни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни, иқтисодий таҳлилни, ҳисоблаш машиналаридан яхши фойдалана

олишни, молия, кредит, статистика, ҳуқуқ ва бошқа соҳа ишларини ҳам чуқур эгаллаган бўлиши лозим.

Бухгалтерия – бухгалтерия ҳисобини ташкил этадиган ва олиб боровчи аппарат. Бухгалтерия мустақил бўлим бўлиб, корхонанинг бошқа бўлимлари таркибига кирмайди. Бухгалтерияни бош бухгалтер, агар бош бухгалтер лавозими белгиланмаган бўлса, катта бухгалтер бошқаради.

Бухгалтерия бўлими бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши ва олиб бориши лозим, хужалик жараёнларининг қонунийлиги ва маусадлилигини назорат қилиш, ҳисобот тузиш, молиявий уонунларга бўйсунлигини таъминлаши ва бошқа вазифаларни бажариши лозим.

Бухгалтериянинг таркиби халқ хужалиги тармоғи ва корхонада бухгалтерия ҳисобини қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Катта корхоналарда бош бухгалтер, унинг уринбосари белгиланади. Бош бухгалтер бошқарадиган бухгалтерияга: хом – ашё ва материаллар ҳисоби, тайёр маҳсулот ҳисоби, меҳнат ҳақи ҳисоби, асосий воситалар ҳисоби бўлимлари қиради. Бўлимлар сони маълум шароитларга боғлиқдир. Кичик корхоналарда эса, бўлимлар ташкил этилмайди, яъни хизматчилар уртасида ҳисоб ишлари тақсимланади. Вазирлик ва тармоқларда марказлашган бухгалтерия ёки бухгалтерия бошқармаси ташкил этилади, улар шу тармоқ корхона ва ташкилотларидан бухгалтерия ҳисоботларини қабул қилиб, йиғма ҳисоботлар тузадилар ва уларни таулил қилиб, маълум бир ҳулосалар қабул қиладилар ва курсатмалар берадилар, текширишлар утказадилар.

Бухгалтерия архиви - олдинги даврларга тегишли ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларидир. Бухгалтерия архиви, бухгалтерия ҳисоби шакли ва курсатмаларга мос равишда ташкил этилади.

Бухгалтерия архивининг мавжудлиги ҳар томонлама фойдалидир. Утган даврдаги бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари бирор бир мақсад учун керак бўлиб қолиши мумкин ва ундан фойдаланиш имконияти бухгалтерия архиви томонидан яратилади.

Бухгалтерия баланси - маълум бир даврда хужалик маблағлари ва улар манбаларининг пул қийматини гуруҳлаб ва умумлаштириб акс эттириш усули.

Бухгалтерия баланси асосан ҳар ойнинг боши, квартал ва йил охирида тузилади, унинг узаро боғлиқ икки, актив ва пасив қисмлари мавжуд. Балансининг актив қисмида хужалик маблағлари, пасивида эса, ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Унинг икки қисмининг жами суммаси ҳар доим тенг бўлади. Бунинг маъноси шундан иборатки, активда ҳам ассивда ҳам биргина хужалик маблағларининг ҳажми акс эттирилган,

факат хар хил гурух (активда маблаг турлари, пассивда эса, маблаг манбалари буйича)ларда акс эттирилади.

Баланснинг актив ва пассив кисмлари булимларга, булимлари эса, моддаларга булинади. Баланснинг маълумотлари асосида корхона фаолияти буйича бир катор иктисодий курсаткичларни аниклаш мумкин.

Баланс маълумотидан фойдаланиб мақсадли мулжалланган маблагларнинг ишлатилишини кузатиш мумкин. Баланс ҳаммага тушунарли, аник, тугри, фойдали ва уз вақтида тулдирилган булиши лозим.

Хозирги даврда корхоналар уз акцияларини чиқармоқдалар, акциядорлар эса, асосан иктисодиёт соҳасида мутахассис эмаслар, шунинг учун корхона акциядорлар ва бошқа инвесторларни узларига жалб этмокчи булсалар, баланс курсаткичларини юкорида курсатилган талабларга асосан тузишлари лозим.

Ташки инвесторлар баланснинг куйидаги курсаткичлари билан кизикадилар:

-Активдаги модда, яъни узок муддатли активлар (эскириш суммасидан ташкари), узок муддатли капитал куйилмалар, номоддий активлар, моддий ишлаб чиқариш захиралари, молиялаштирилган дебиторлар, киска муддатли капитал куйилмалар, пул маблағлари;

-Пассивдаги жалб килинган капитал, йигилган (таксимланмаган) фойда, узок муддатли ва киска муддатли карзлар акс эттирилади.

Бухгалтерия дафтарлари - синтетик ва аналитик ҳисобни ҳужжатларга асосан кайд килиш.

Китоб варақаларига назоратни олиб бориш мақсадида олдиндан тартиб рақамлари ёзиб куйилади. Бухгалтерия дафтарлари бухгалтерия ҳисобининг эскирган шакли мемориал-ордерда кенг кулланилсада, бошқа шаклларда ҳам кулланилиши мумкин. Масалан, журнал-ордер ҳисоб шаклида асосий воситалар буйича буюм варақаси (инвентар карточка) кулланилмаса, асосий воситалар ҳисобидан фойдаланиш мумкин.

Кул меҳнатида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисобида бош дафтардан фойдаланилади, ҳамма бухгалтерия ҳисоби шаклларида ҳам касса дафтари ишлатилади.

Бухгалтерия проводкаси - счетлар корреспондентциясини ёзиш. Бунда ҳужалик жараёнига тегишли сумма бир счетнинг дебети ва иккинчи счетнинг кредитида акс эттирилади. Бухгалтерия проводкаси ҳужжатлар (журнал-ордер, табуляграмма ёки эски ҳужжатлар шакли мемориал ордер) га асосан тузилади

Бухгалтерия проводкаси оддий ва мураккаб булиши мумкин. Оддий турида ҳужалик жараёни суммаси бир счетнинг дебети ва иккинчи бир счетнинг кредитида акс эттирилади. Мураккаб бухгалтерия проводкасида бир счет дебетланиб, бир неча счет кредитланиши, ва аксинча бир неча счет дебетланиб, бир счет кредитланиши мумкин. Оддий бухгалтерия проводкаси шаклида ҳам мураккаб бухгалтерия проводкаси шаклида ҳам

сметларнинг дебет ва кредитида акс эттирилган суммалар тенг булиши лозим.

Кушимча ва салбий (инкор этадиган) бухгалтерия утказмалари ҳам булади.

Бухгалтерия хисоби - хужалик хисобининг хисоб турларидан биридир. Бухгалтерия корхона, ташкилот, муассаса ва бирлашмалар хужалик фаолиятини тулик, ҳамма жараёнларини узлуксиз хужжатлаштириш ва назорат қилишдир. Бухгалтерия хисоби корхона, ташкилот, муассаса, вазирлик ва бошкармаларнинг фаолият курсатиш вақтидан тугатилиш вақтигача булган фаолиятини хужжатларда акс эттириб боради. Бухгалтерия хисоби ёзувлари ҳар томондан текширилган хужжатлар асосида олиб борилади, бу бухгалтерия хисобининг назорат аҳамиятини, маълумотлар тугрилигини, хисоб курсаткичлари аниқлигини таъминлайди. Бухгалтерия хисоби тугри ва аниқ юритилаётганлиги, шунингдек, товар моддий бойликлар, пул маблағлари, хисоб-китоблар ва бошқаларнинг хисоби тугри олиб борилиши инвентаризация утказиш йули билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ишонарли, тугри курсаткичлар счётинг илмий асосланган усулларидан фойдаланиш орқали олинади (*бухгалтерия хисоби счётлари, икки ёклама ёзув, калькуляцияга қаранг*). Бухгалтерия хисобида хисоблаш машиналаридан фойдаланиш ҳам курсаткичларни тугри акс эттириш ва керакли маълумотларни уз вақтида олиш имконини яратади.

Республикамиз қонунчилигида бухгалтерия хисоби ва хисоботи маълумотларини онгли равишда тугри курсатмаслик таъқиқланиб қуйилган ва бундай хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортилади.

Бухгалтерия хисобида 3 хил улчов бирликларидан фойдаланилади: пул, меҳнат ва натура улчов бирлиги. (*Бухгалтерия хисобининг улчов бирликларига қаранг*).

Бухгалтерия хисоби вазифалари бажарилаётганда қуйилган талабларга жавоб бериши лозим. Бу талаблар қуйидагилардан иборат: корхона, ташкилот, муассаса ва бирлашмалар фаолияти хужжатларда тулик акс эттирилиши, хисоб курсаткичларининг аниқлиги, молия ва ишлаб чиқариш режаларининг ҳақиқий бажарилиши, хисоб маълумотларининг тушунарли булиши, тезкор бошқарув ва назорат учун маълумотларни уз вақтида олиш имконияти ва ҳоказо.

Бухгалтерия хисоби олдида қуйилган талабларга тулик жавоб бергандагина уз вазифаларини бажара олади (*бухгалтерия вазифаларига қаранг*).

Бухгалтерия хисобининг асосий хусусиятларидан бири унинг кенг қуламда фойдаланишидир. Бухгалтерия хисоби қайси мулкчилик шаклида эканлигидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот, муассасалар хужалик молиявий фаолиятининг ҳамма соҳаларида қулланилади.

Бухгалтерия хисобининг қайси ва қандай корхона, ташкилот ва муассасаларда олиб борилишидан қатъий назар олдида қуйилган

вазифаларни белгиланган талабларга жавоб берган холда, белгиланган усуллардан фойдаланилиб бажаради. Вазирликлар бухгалтерия хисоби бошқарувини тармок бошқармалари корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия хисоби марказлаштирилган бухгалтерия ёки бухгалтерия хисоби бошқармалари оркали олиб борадилар. Улар бухгалтерия хисобининг умумий низомлари асосида курсатма ва йуриқномалар ишлаб чиқадиладар. Корхона бухгалтерия хисобини бош бухгалтер бошқаради. Бухгалтерия хисоби марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибда ташкил этилади (*марказлаштирилган бухгалтерия, марказлаштирилмаган бухгалтерияга қаранг*).

Бухгалтерия хисоби иқтисодий фан бўлиб, уз назарияси, урганиладиган предмет ва урганишда кулланиладиган усуллариға эға. Шу билан бирға тезқор ва статистика счётлари билан узаро боғлиқдир. Бухгалтерия хисоби бошқа фанлар (аудит, молия, математика, ҳуқуқ ва бошқалар) билан ҳам боғлиқликда олиб борилади.

Бухгалтерия хисобининг юритилиши мулкнинг талон-тарож этилиши, ҳужасизликнинг олдини олиш, иқтисоднинг ҳамма соҳаларини мос равишда бошқариш, юрғазиш ва бошқа афзалликларни яратади.

Бухгалтерия хисобининг қайси ҳужалиқ тармоғида юритилишиға қура, шу тармок ҳусусиятиға мос равишда олиб борилади.

Бухгалтерия хисобининг услуби - бухгалтерия хисобининг предметини урганиш ва акс эттириш усули. Бухгалтерия хисобининг услуби бухгалтерия хисобининг предмети ҳақида ишончли курсатқичлар олишни таъминлайди. Бу курсатқичлар 2 гуруҳға бўлинади: корхона маблагларининг ҳажми, тарқиб, жойлашиши ва фойдаланиши, иккинчиси эса, маблаглар манбаи ва уларнинг мақсадли мулжалидир. (*Корхона маблаглари манбалар ташкил топиши, корхона маблаглариға қаранг*). Курсатқичлар гуруҳи узаро боғлиқликда бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам корхона маблагини акс эттиради. Шунинг учун ҳам курсатқичларнинг 2 гуруҳи ҳам (пул қуринишида) узаро тенг бўлиши лозим (балансли умумлашув).

Балансда умумлашувға эға бўлиш мақсадида счётнинг қуйидаги усуллари кулланилади: ҳужалиқ маблагларини баҳолаш ва калькуляция; бухгалтерия хисоби счётларининг тизими ва ҳужалиқ жараёнларини счётларда икки ёклама ёзув усулида акс эттириш; ҳисоб регистрлар маълумотларини умумлаштириш (баланс ва ҳисобот). (*Бухгалтерия баланси, ҳужжатлаштириш, икки ёклама ёзув, инвентаризация, ҳужалиқ маблагларини баҳолаш, ҳисобот, бухгалтерия хисобиға қаранг*).

Бухгалтерия хисоби счётлари - ҳужалиқ маблаглари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг алоҳида моддалари бўйича курсатқичларни олиш усули. Ҳужалиқ жараёни натижасида маблаглар ва уларни ташкил топиш манбаларида узғаришлар руй беради. Бу узғаришларни урганиш, ҳисобда акс эттириш учун бухгалтерия хисобининг счётларидан фойдаланилади. Сётлар сони ва номланиши бухгалтерия счётларининг

режасида белгиланади (*бухгалтерия счетларининг режасига каранг*). Бухгалтерия хисоби кандай ташкил этилганлиги, кайси усулдан фойдаланилаётганлиги ва объектнинг турига караб, счетнинг тузилиши ва ташки курулиши турлича булади. Аммо барча счетлар икки қисмга, яъни дебет ва кредит қисмларига булинади. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳар кандай ҳужалик жараёни ҳисоб объектида қупайиш ёки қамайишни юзага келтиради. Эҳтиёж ва талабга караб счетлар ҳам модда ва таркибий қисмларга булиниши мумкин.

Бухгалтерия хисоби счетларида ҳужалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари акс этирилади, шунга асосан улар икки гуруҳга, яъни актив ва пасив гуруҳларга булинади. Ҳужалик маблағларини акс этирувчи счетлар актив, шу маблағларнинг манбаларини акс этирувчи счетлар эса, пасив счетлар дейилади (*актив счет, пасив счетга каранг*).

Маълумотларни узида жамлашига кура счетлар аналитик ва синтетик счетларга булинади (*синтетик ҳисоб счетлари., аналитик ҳисоб счетларига каранг*).

Баланс таркибидалигига караб баланс счетлари ва балансдан ташқари счетларга булинади (*балансдан ташқари счетларга каранг*).

Ҳужалик жараёнлари счетларда икки ёклама ёзув асосида олиб борилади. Жараёнлар қайси счетларда акс этирилишини аниқлаш учун счетларнинг номланиши ва иктисодий мазмунига аҳамият бериш лозим. Шунинг учун бухгалтериянинг счетлари турларга ажратиб гуруҳланади (*Бухгалтерия хисоби счетларининг гуруҳланиши, счетлар корреспонденциясига каранг*).

Бухгалтерия хисоби счетларининг гуруҳланиши. Бухгалтерия хисоби счетларини урганиш ва тугри куллаш мақсадида маълум белги ва хусусиятларига кура, гуруҳларга ажратиш. Бухгалтерия хисоби объектлари ҳужалик маблағлари уларнинг ташкил топиш манбаи ва ҳужалик жараёнларининг турли-туманлиги ва қуплиги бухгалтерия хисобида ҳар хил счетлардан фойдаланишни такозо этади. Счетлардан тугри фойдаланиш учун уларнинг ҳар бирининг хусусияти, тузилиши, иктисодий мазмуни, яъни маълум бир ҳисобда қайси объект акс этирилади ва кандай курсаткичлар ҳақида маълумот олиш мумкин, айланма ва қолдиқларининг хусусияти, ҳужалик молиявий фаолиятининг назоратидаги, маҳсулот таннархини аниқлашдаги, молиявий натижани ҳисоблашдаги аҳамиятини билиб олиш лозим. Ҳар бир ҳисоб, уз хусусиятига эга. Шу билан бирга маълум счетлар гуруҳига тегишли умумий хусусиятлар ҳам мавжуд:

I Иктисодий мазмунига кура:

- ҳужалик маблағларини акс этирувчи счетлар (актив счетлар).
- ҳужалик маблағларининг манбаларини акс этирувчи счетлар (пасив счетлар):

а) уз маблағларининг манбалари (Устав капитали, фойда, захиралар ва бошқалар);

б) четдан жалб килинган маблагларнинг манбаи (Мол етказиб берувчилар билан, бюджет билан, ижтимоий сугурта ташкилотлари билан, банк билан, ходимлар билан хисоб-китоблар юзасидан мажбуриятлар). (*актив счетлар, пассив счетлар ва актив-пассив счетларга қаранг*).

2 Хужалик жараёнларини акс эттирувчи счетлар.

Курсаткичларнинг қисмларга ажратилиш даражасига қура:

синтетик счетлар

аналитик счетлар (*синтетик счетлари, аналитик счетларига қаранг*).

Бухгалтерия балансида тутган урнига қура:

Балансдаги счетлар

Балансдан ташқари счетлар (*балансдаги счетлар, балансдан ташқари счетларга қаранг*).

Вазифа ва тузилишига қура:

- асосий актив счетлар;
- асосий пассив счетлар;
- тартибга солувчи счетлар;
- таксимловчи счетлар;
- таккословчи счетлар;
- калькуляция счетлари.

Асосий актив счетлар гуруҳи материаллар ва пул маблагларининг ҳаракатини, ҳамда дебеторлар билан хисоб-китоб ишларини олиб боришга мулжалланган (асосий воситалар, материаллар, тайёр маҳсулот, касса, валюта хисоби ва ҳ. к.)

Асосий пассив счетлар хужалик юритувчи субъектларни хужалик маблаглари манбаларининг хисобини юритишга мулжалланган (устав капитали, жамгарма фондлари, кредиторлар билан хисоб-китоб счёти ва бошқалар).

Тартибга солувчи счетларга олинадиган хужалик маблаглари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг баҳосини тартибга солишга мулжалланган счетлардир (асосий воситанинг эскириши, номоддий активларнинг эскириши, савдо устамаси ва бошқалар). Бу счетларнинг аҳамияти шундан иборатки, бухгалтерия хисобида баъзи вақтларда объект буйича икки баҳода курсаткичлар зарур бўлиб қолади. Масалан, асосий воситаларнинг бошланғич ва қолдиқ қиймати, материалларнинг ҳақиқий таннарни ва улғуржи ёки режадаги таннарни ва ҳ. к.

Таксимловчи счетларнинг икки тури мавжуд: йиғиб таксимловчи счетлар, хисобот даврида таксимловчи счетлар.

Йиғиб таксимловчи счетлар - ишлаб чиқариш харажатлари, яъни муомала харажатларининг объекти бўлиб, сотилган маҳсулот тури ва бошқалар буйича таксимлаш мақсадида йиғишга мулжалланган бухгалтерия счетларидир. Бундай счетларга 2310 “Ёрдам ва бошқа ишлаб чиқариш”, 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” ва бошқа шу каби

сметлар киради. Бу сметларнинг дебетига хисобот даврида харажатлар ёзиб борилади ва шунга мос равишда 1000-“Материаллар”, 6710-“Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан хисоб-китоблари”, 6520-“Ижтимоий сугурта бўйича хисоб-китоблар”сметлари ва бошқа сметлар кредитланади. Хисобот даври охирида эса, бу харажатлар тақсимланади ва йиғиб тақсимловчи сметлар кредитидан учиради. Масалан, 2300 “Ёрдам ва бошқа ишлаб чиқариш”смети, 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари”, сметлари дебетидаги йиғилган харажатлар 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”сметлар дебетига мос равишда утқазилади.

9400-“Давр харажатлари”сметидаги харажатлар эса, 9900-“Якуний молиявий натижа”сметига утқазилади.

Хисобот даврида тақсимловчи сметларга 3100-“Келгуси давр харажатлари”, 4910-“Гумонли қарзлар бўйича захира”, 8910-“Келгусидаги сарфлар ва туловларнинг захира”сметлари мисол бўлади.

Калькуляция сметлари. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бажарилган иш ва хизматлар таннаrxини хисоблашда керакли маълумотлар олиш учун қулланиладиган бухгалтерия сметлари. Бу сметларнинг дебетида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш, хизматларнинг таннаrxи акс эттириб борилса, кредитида эса, маҳсулот ёки бажарилган иш ва хизматларнинг суммаси ёзилади. Қолдиқ суммаси фақат дебет томонида бўлиши мумкин ва бу қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажмини билдиради.

Калькуляция сметлари бўйича аналитик хисоб калькуляция объекти ва моддалари бўйича олиб борилади. Калькуляция сметларига 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2310 “Ёрдам ва бошқа ишлаб чиқариш”, 9100 “Сотилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва қурсатилган хизматларнинг таннаrxини хисобга олувчи”сметлар ва бошқа сметлар мисол бўлади.

Таккословчи сметлар маълум бир ҳужалик жараёнларининг натижасини аниқлашга муvжалланган бухгалтерия сметларидир. Бундай аниқлаш сметларнинг дебет ва кредит томонларининг айланмаси таккослаш билан амалга оширилади. Таккословчи сметларга 2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак”, 9210 “Асосий воситаларни хисобдан чиқарилиши”, 9220 “Бошқа активларни хисобдан чиқарилиши”, 9910 “Якуний молиявий натижа”сметлари мисол бўлади.

2610-“Ишлаб чиқаришдаги брак”смети бўйича яроксиз маҳсулотдан қурилган зарар дебет томонидаги (маҳсулот яроксизлигининг ҳақиқий таннаrxи ва уни тузатиш харажатлари) сумма билан кредит томонидаги (яроксиз маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин бўлган баҳоси ва айбдор шахслардан олинган маблағ) суммани солиштириш орқали олинади. 9210 “Асосий воситаларни хисобдан чиқарилиши”сметида асосий воситани хисобдан чиқариш натижасида олинган фойда ёки зарар аниқланади. Бунда дебет айланмаси (асосий воситани хисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар) билан кредит айланаси (асосий воситани хисобдан чиқариш

натижасидаги даромадлар)ни солиштириш оркали аникланади. Натижа эса, 9910-“Якуний молиявий натижа”счетига утказилади.

9910-“Якуний молиявий натижа”счети буйича дебет ва кредит айланмалари солиштирилиб, якуний молиявий натижа аникланади. Агар колдик кредит томонда булса, хужалик фаолияти якуни фойда билан, агар колдик дебет томонда булса хужалик фаолияти зарар билан якунланганлигини билдиради. Таккословчи счетлар ёрдамида, у ёки бу хужалик жараёнлари натижасини аниклаш мумкин. Шунинг учун ҳам, бу счетлар натижавий счетлар ҳам деб аталади.

Бухгалтерия хисобининг улчов бирликлари - бухгалтерия хисоби, объектларининг улчов бирликлари, хисоб объектлари хакида курсаткич маълумотларини олиш учун уч хил улчов бирликларидан фойдаланилади: натура, меҳнат ва пул бирликлари.

Асосан, пул улчов бирлигидан фойдаланилади, унда умумлашган маълумотлар олинади. Синтетик хисобда факат пул улчов бирлигидан фойдаланилади. Бухгалтерия хисоби барча объектлари баҳога эга булиши керак.

Натура улчов бирлиги асосий воситалар, материаллар, маҳсулот, товар ва бошқа товар моддий бойликлари хисобида кулланилади. Натура улчов бирлиги катта назорат аҳамиятига эга булиб, аналитик хисобда кенг фойдаланилади. Аммо бу улчов бирлиги умумий курсаткичлар олиш имконини бермайди.

Меҳнат улчов бирлиги ёрдамида меҳнат куни ва меҳнат соатлари миқдори хакида курсаткичлар олинади. Меҳнат вақтини хисобга олиш хужжати табеъл хисобланади. Бу хужжат ҳар бир ходим хакида унинг ишлаган меҳнат куни ва соатлари тугрисида тулик маълумотлар беради. Бундан ташқари меҳнат куни ёки меҳнат соатлари буйича меҳнат харажатлари меҳнат хисоби хужжатларида ҳам курсатилади. Меҳнат улчов бирлиги хисоб варакалари, бригадир дафтарчалари ва нарядларида акс эттирилади. Меҳнат соати ва меҳнат кунлари тугрисидаги улчов бирликларидан меҳнатга ҳақ хисоблашда ва меҳнат унумдорлигини аниклашда фойдаланилади.

Бухгалтерия хисобининг хужжатлари - хужалик жараёнлари содир булганлиги ёки содир этилишига ҳуқуқ берувчи ёзма гувоҳнома (исбот). бухгалтерия хисобининг хужжатлари белгиланган шаклда, наشريётда чоп этилган варакаларда тулдирилади. Айрим ҳолларда хужалик жараёнларини баъзи турларини акс эттириш учун белгиланган хужжат шакли йук, бундай ҳолларда хужжатларга куйилган талабларга амал қилиниб, хужжатлар тулдирилади. ЭХМдан фойдаланишда бухгалтерия хисобининг хужалик жараёнлари машина хотирасига киритилади ва йигилган маълумотлар (ёзма) коғоз хужжатлар урнини босади.

Бюджет - 1. Конуний тартибда тасдиқланган давлат даромадлари ва харажатларининг аник бир муддатга руйхати. 2. Маълум бир муддатга

давлат муассаса корхона ёки алохида кутилаётган даромадлар ва харажатларининг тахминий ҳисобланиши.

-В-

Валюта (*итал. valuta баҳо, киймат*) - маълум бир давлатнинг пул бирлиги ва пул тизими (сум, танга, доллар, франк, марка, иена ва к. к.). Валютани чет элнинг кредит билетлари ва тангалари ҳам деб аталади.

Валюта аукциони - валюта келишуви булиб, унда томонлардан бири сотиш ёки сотиб олиш ҳукукига эга бўлади.

Валюта биржаси - бозор курси буйича хорижий валюталарни сотиб олиш - сотиш келишуви амалга ошадиган муассаса.

Валюта курси - бир валютани иккинчисига алмаштиришдаги нисбат. Ривожланган давлатлардаги валюта курслари долларга нисбатан шу давлатлар ҳукумати томонидан белгиланмай, балки халқаро валюта бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб стихияли равишда вужудга келади. Ўзбекистон жумҳуриясида миллий валютамининг чет эл валюталарига нисбатан курси, Марказий Банк томонидан белгиланади. Чет эл валюталари билан боғлиқ жараёнлар ушбу валюта курслари асосида амалга оширилади.

Валюта келишуви тури - жорий ва муддатли турларга бўлинади. Жорий валюта келишувига (газнали ёки нақд) кура, валюта, келишув тузилганидан сунгги икки иш кунидан кечиктирилмай берилади. Валюта асосан, телеграф орқали утказилади. Жорий (газна) валюта келишуви биринчи навбатда хорижий валюталарни ўз вақтида, ташқи савдо жараёнларини амалга ошириш учун берилади.

Валюта келишувлари, асосан, компаниялар, ташкилотлар ва алохида шахслар уртасида ва бошқа банклар билан доимий равишда валюта жараёнларини бажарадиган уларга хизмат курсатувчи банклар билан тузилади.

Савдода валюта келишуви телефон ёки телеграф орқали, валюта биржасида эса, оғзаки тузилишига қарамай, унинг бажарилиши мажбурий характерга эга. Аммо ҳақ катта миқдордаги суммалар ҳақида бўлса, валюта келишуви дарҳол ҳужжат билан расмийлаштирилади ва бу ҳужжат келишувнинг ишончлилиги даражасини оширади. Келишув тузишда алмаштириладиган валюталар, алмашиш курси, келишув суммаси, валюталарни утказиш муддати (санаси), валютанинг етказилиши керак бўлган манзиллар курсатилади. Валюта келишувининг муддатли ёки форвард турида томонлар аниқ келишилган муддат тугагач, олдиндан белгиланган форвард курси буйича алмашиш мажбуриятини оладилар. Келишувни амалга ошириш муддати 1 йилгача ва ундан юқори бўлиши мумкин.

Валюта ҳисоблари - жумҳурият ҳудудида ва чет эл валюталарининг ҳолати ва уларнинг ҳаракати учун мулжалланган. Валюта ҳисоби буйича жараёнларни амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш тартиби Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солик кумитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг низомлари асосида олиб борилади.

5200-“Валюта”счётларининг дебетда пул маблағларининг келиб тушиши, кредитда эса, пул маблағларининг чиқиши акс эттирилади.

Валют хисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари банкнинг корхона 5200-“Валюта счёти”дан кучирма ва унга бириктирилган пул хисоб-китоб ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Васика - катъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, мажбурият муддати тугаганида қарздордан васикада қурсатилган суммани қорғашувларсиз талаб этиш ҳуқуқини беради. Васика катъий расмий ҳужжат бўлиб, қонунчиликда белгиланган мажбурий реквизитлардан бирининг бўлмаслиги, васика қучини йукотишига олиб келади. Шакл нуқтаи назаридан васикалар оддий ва утқазувчан бўлади.

-Оддий (соло - васика) - қредиторлар номига қарздор томонидан берилади.

-Утқазувчан васика (тратта) - бир шахс (трансакт деб аталувчи қредитор)нинг бошқа (трассат деб аталувчи) шахсга маълум бир суммани учинчи шахс (ремитент)га тулаш ҳақидаги ёзма бўйруғи.

-Тижорат васикаси - бу товар қафолати учун қарздор томонидан бериладиган васика.

-Банк васикаси - Маълум бир давлат банклари узларининг чет элдаги қорреспондентлари (хорижий банклари) учун берадиган васикалари.

-Ҳазина васикалари - давлат томонидан уз қаражатларини қоплаш учун чиқарадиган васикалар.

Васиканинг қуйидаги мажбурий реквизитлари мавжуд: “Васика”номи; маълум бир суммани сузсиз тулаш бўйруғи (сумма аниқ қурсатилади); трассата - туловчи номи (манзил, фирма); тулов муддати; тулов жойи; ремитент (утқазувчан васикани олувчи)ни номи; васикани бериш жойи ва муддати; васика берувчининг имзоси.

Васика дисконти - васика хисоби - уларнинг муддати тугагунга қадар васикаларни банк томонидан сотиб олиниши.

Вактинча ишга яроқсизлик - қасаллик, қомиладорлик, ёш болалилик туфайли қизмат вазифаларини бажара олмаслик. Вактинча меҳнатга яроқсизлик даврида ишчи, қизматчи ва жамоа ҳужалиғи аъзолари ижтимоий сугурта ҳисобидан нафақа оладилар. Нафақа ҳисоблаш асоси бўлиб, даволаш муассасалари томонидан берилган тиббий варақалар ҳисобланади. Нафақа миқдори эса, уртача меҳнат ҳақи ва иш стажининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Нафақа олиши қерак бўлган ишчи қизматчиларга нафақа ижтимоий сугуртадан ҳисобланади

Ведомост - бирламчи ҳужжат ёки ҳисоб регистри. Ведомост йиғма ҳужжат бўлиши ҳам мумкин. Ведомостдан бухгалтерия ҳисобининг ҳамма шаклларида ҳам фойдаланилади.

Ҳужалик қараёни қодир бўлган вақтда тузилган ведомост бирламчи ҳужжат ҳисобланади. Йиғма ведомост эса, бир неча бирламчи ҳужжатлар

асосида тузилади. Унда бирламчи хужжатларнинг маълумотлари йигилади ва хисоб регистрларида кейинги ёзувларни амалга оширишни енгиллаштиради. Йигма ведомостларни хисоблаш машиналари ёрдамида тузиш самаралидир. Бухгалтерия хисобида жамгарма ведомостлари, тулов кайдномаси, хисоб-тулов ведомостлари, солиштирама ведомостлардан фойдаланилади.

Вендор-лиз - халқаро лизинг шартномасининг янги тури. Вендор - лизда лизинг компанияларининг хориждаги таъминот филиаллари уз фирмаларидан ускуналарни сотиб олади ва хорижий истеъмолчига ижарага беради. Бош лизинг компанияси таъминот билан боглик таваккалчиликдан холис булади ва хорижий истеъмолчиларнинг молиявий инвестициясига эга булади.

-Д-

Даъво - даъво кузгатувчининг талаби. Корхоналар уларга карздорларга (дебиторларга) уз вақтида туланмаган карзлик суммалар учун даъво кузгатишлари лозим. Даъво моддий зарар келтирганларга нисбатан асосли равишда кузгатилиши зарур (*дебеторлик карзлари, даъволар юзасидан хисоб-китобларга қаранг*).

Дебет (*лат. debet - у мажбур*) - бухгалтерия хисобининг бир қисми. Актив сётларнинг дебетига суммаларнинг қупайиши ёзилса, пассив сётларда эса, сумманинг қамайиши ёзилади. Хисоблашиш сётларининг дебетига эса, бошқа қорхона ва шахсларнинг шу қорхонага карзлари акс ёттирилади ва дебеторлик карзлари дейилади. Дебет қолдиқлари эса, актив ва актив-пассив сётларда булади.

Дебиторлик карзлари - бошқа қорхона, ташкилот ва муассаса ёки шахсларнинг шу қорхонага тулаши лозим бўлган карзлари. Бу қорхона ва шахслар дебеторлар деб аталади. Дебеторлик карзлари маблаглари қорхонанинг хужалик фаолиятида қатнашмайди ва унинг қатта миқдорлари қорхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қурсатади. Қорхона раҳбарлари ва бухгалтерия дебеторлик карзларини қамайтириш, иложи борича йукотишлари зарур.

Дебиторлар (*лат. debtor - қарздор*) - ушбу субъектга қарздор бўлган бошқа қорхона, ташкилот, муассаса ёки шахслар бўлиб, улар дебеторлик карзларини тулашлари лозим.

Девальвация - миллий валютанинг таъминланганлиги бўлиб, хорижий валютага ёки халқаро пул бирлигига, олдинлари эса - олтинга нисбатан миллий валюта курсининг пасайишини акс ёттиради. Девальвациянинг сабаби-инфляция, алоҳида давлатларнинг нотеқис ривожланиши, ҳамда тулов балансининг дефицитлигидир.

Девизлар - хорижий валютадаги қарз талаблари ва мажбуриятлари бўлиб, уларнинг ёрдамида халқаро хисоб-китоблар амалга оширилади. Девизларга хорижий банклардаги утқазмалар, чеклар, аккредитивлар, чет элда туланиши қерак бўлган тулов талабномалари, тулов

топширикномалари, васикалар, шунингдек, хорижий банк билетлари (банкнотлар) ва монеталар мисол булади.

Киймати кучли валюталар (доллар, фунт стерлинг, марка, фракция франки ва бошқалар) куринишидаги девизлар марказий банк ва хазиначиликда валюта жамгармасининг бир кисми хисобланади. Девизларнинг бахоси миллий валютада валюта курси билан белгиланади.

Девиз сиёсати - валюта сиёсатининг шакли булиб, хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш йули билан валюта курсини тартибга солишга асосланади.

Деклорация - (лотинчадан, ариза, эълон) Деклорациянинг куйидаги турлари мавжуд. Божхона деклорацияси, алока деклорацияси, солик деклорацияси ва х.к.

-**Божхона деклорацияси** - бойликлар ва товарларни чегарадан олиб утишда уларнинг номи, микдори, бахоси, улов тури ва бошқаларни акс эттирган холдаги божхонага такдим этиладиган ариза;

-**Алока деклорацияси** - хорижга жунатилаётган пулли ёки кимматли пакетларга уларнинг мазмуни ва киймати акс эттирилиб бириктириладиган алока хужжати;

-**Солик деклорацияси** - шахснинг солик тулаш билан боғлиқ даромадлари, мулки ва бошқалари ҳажми ҳақидаги аризаси.

Деконсация - шартномадан воз кечиш. Шартноманинг ҳаракат муддати ичида томонлардан, воз кечиш ҳақида ёзма хабар булмаса, у уз кучини йукотмайди.

Демефедж - ортиш ёки тушириш давридаги шартномада келишилгандан юкори муддатлар учун кема эгасидан юк эгасига (фрахтовател) туланадиган неустойка.

Демополизация - саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда харидорларга шартларни қуёвчи давлат ёки бошқа монополияларнинг четлатилиши.

Монопол қорхонани ишлаб чиқарувчилар уртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш мақсадида мустақил ишлаб чиқарувчи кичик хусусий, жамоа қорхоналарга булиб юбориш.

Демпинг - ички бозордаги баҳога нисбатан анча паст баҳода товарларни ташки бозорда сотиш. Ташки бозор учун тактик қураш сифатида қулланилади. Демпинг рақобатчиларни танг ҳолатга келгунича давом эттирилиши мумкин. Товарларнинг демпинг баҳоси уларни ишлаб чиқариш таннарихидан ҳам паст булиши мумкин.

Австрияда 1962 йилда антидемпинг ҳақида қабул қилинган қонунда биринчи бор товар демпингининг қурсатқичлари белгиланган. Товарнинг экспорт баҳоси, агар у ички бозордаги баҳодан 20% паст ёки дунё баҳосидан 8% га паст булса демпингли хисобланади.

Товар демпинги, таърифлар ва савдо буйича бош қелишувга қура, қуйидаги ҳолатда вужудга келади. Демак, товар демпинги бир давлатнинг бошқа давлатга маҳсулотни чиқариши ва тарқатиши, оқибат натижада

товарни импорт килувчи давлатнинг миллий иктисодига зарба берилиши, ички бозорда шу махсулотга булган талабни кондирилишининг кийин ахволга тушиб қолишидир.

Товар демпинги - товарларнинг ташки бозорда ички бозордаги баҳосига нисбатан анча паст баҳода сотилиши.

Пул демпинги - бозордан ракобатчиларни чиқариб юбориш ва уз товарининг сотиш ҳажмини ошириш мақсадида товарларни сотишдаги баҳонинг сунъий пасайтирилиши. Ракобатнинг гирром воситаси ҳисобланиб, купгина давлатлар томонидан таъқиқланади.

Баҳо демпинги тор маънода - энг паст фойдалиликдаги баҳо бўлиб, ракобатчилардан миқозларни жалб этиш мақсадида қулланилади.

Денационализация - *хусусийлаштиришга қаранг.*

Деноминация - пул муомуласини тартибга солиш мақсадида, миллий пул бирлигини, мустаҳкамлаш учун эски пул белгиларини урнатилган нисбатда янгисига алмаштириш.

Шу белгиланган нисбатда баҳолар, тарифлар, меҳнат ҳақлари, банк ҳисобларидаги пул маблағининг қолдиқлари, қорхона ва муассаса баланслари қайта ҳисобланади. Д. натижасида шунингдек, пул бирлигининг валюта қурси ҳам ўзгаради.

Депозит сертификати - маълум бир муддатга пул маблағларини банкка қўйган шахсларга бу ҳақда тасдиқловчи қимматбаҳо қогоз бўлиб, унинг эгаси даромад манбаи ҳисобланади. Д.с. бошқа шахсларга бериладиган ва берилмайдиган бўлиши мумкин.

Депозит фоизи - тижорат банкининг миқоз жамғармасидан фойдаланганлик учун тулайдиган фоизи.

Дефляция - ҳукуматнинг инфляция суръатини пасайтириш мақсадида пул массасини муомуладан сунъий равишда олиши.

Джоббер - тезда сотиш учун алоҳида қатта партиядagi товарларни сотиб олувчи фирма.

Дисобберлар - Лондон фонд биржасининг дилерлари. Купгина фирмаларнинг дилерларидан фарқи уларок, брокерлар вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга эмас ва жараёнларни биржа аъзолари билан эмас, балки бевосита миқозлар билан амалга оширади.

Диверсификация - маркетинг стратегиясининг тури бўлиб, асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, янги махсулотлар бозорида фирмалар фаолиятини қенгайтириш.

Дивиденд - акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми бўлиб, акциядорлар ўртасида солиқларни, ишлаб чиқаришни қенгайтиришга ажратмаларни, захираларни ташкил этиш, облигациялар буйича фоизларни ва бошқа туловларни амалга оширилганидан сунггина тақсимланади.

Дилер (даллол) - фонд биржасининг аъзоси (алоҳида шахс, фирма) ва банклари. Дилер қимматбаҳо қогоз, валюта, қимматбаҳо металллар савдоси билан шугулланиб, ўз номи ва ўз ҳисобидан ҳаракат қилади.

Дилерлар узаро, ҳамда брокерлар ва бевосита миждозлар билан (миждозлар билан Лондон фонд биржаси дилерлари - джобберлар) келишувни амалга оширадидлар. Д. фойдаси харидор ва сотувчи курсларининг фарқи хисобига, шунингдек, кимматбаҳо коғозлар, валюта курслари узғариши хисобига вужудга келади. Купгина фонд биржаларининг дилерлари брокерлик жараёнларини амалга оширади.

Динерсификация-лизинг компанияларининг динерсификацияси - хозирги вақтда лизинг компанияларини лизинг келишувлари қуйидаги қуринишларда амалга оширилмоқда: жорий лизинг, узок муддатга сотиш, халқаро лизинг, лиз-бэк, вендор-лиз, диверидж-лиз, проджектлиз, молиявий лизинг, факторинг, форфетирлаш.

Дисконт - 1) васика хисоби; 2) хисоб фоизи - васика хисобида банкларга туланадиган фоиз; 3) биржа ва валюта ишларида - товар котираль баҳосидан устама (масалан, агар товар сифати стандартдан паст булса) валюта.

Дотация - корхона, ташкилот, муассасаларга қарзларни қоплаш учун давлат томонидан бериладиган нафақа. Бозор иқтисодиёти шароитида дотация уз аҳамиятини қамайтиради, чунки, ҳар бир корхона бозор иқтисодиётида унинг қатта ёқи кичиклигига, мулкчилик турининг қайси шаклида эканлигидан қатъий назар уз-узини маблаг билан таъминлаши ва фойда олиши зарур. Дотация давлат аҳамиятидаги корхоналаргагина берилади.

-И-

Ижарачи - бирор нарсани ижарага олган корхона, ташкилот ва муассаса ёқи жисмоний шахс.

Инаудит - 1987 йил 24 сентябрда тасдиқланган акциядорлик жамяти. Акционерлик қаптали 800 минг рубль. Қиймати 10 минг рублдан булган 80 акция.

Акциядорлари - “Нефтэкспортиттифоқи”, “Озик-овқат ташқи савдоси”, “Авто экспорт”, “Станқоимпорт”, “Огирсаноат экспорти”, “Совфраҳт”, “Соврыбфлот”, “Давлат банки”, Ташқи иқтисодий банк ва Молия вазирлиги.

Қурсатиладиган хизматларнинг турлари: тижорат ва молиявий ҳужалик фаолиятининг текширувини утқазиш, субъектнинг фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, қушма корхоналарни солиққа тортиш масалалари, молиявий хисоб ҳолати, ички молиявий назоратни ташкил этиш, ташқи савдо келишувларини амалга ошириш қоидалари, хорижий валюта билан боғлиқ жараёнлар юзасидан маслаҳатлар бериш.

Мижозлар билан ишлаш тижорат шартномаси асосида олиб борилади.

Инвестиция - сузи *немисча investition, лотинча inveetio* сузларидан олинган бўлиб, у қаптални узок муддатли қуйилмалар тариқасида саноат, қишлоқ ҳужалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган ҳаражатлар суммасидир.

Инвестор - маблағини молиявий куйилма сифатида фойда олиш максатида сарфловчи шахс.

Инновация - жараён сифатида, иктисодиётга маблағни сарфлаш, кайсики, техника ва технологияларнинг замонавийларига алмаштирилишини таъминлайди, объект сифатида илмий-техник тараққиёт ютуғи натижаси ҳисобланувчи янги техника, технология, ихтирочиликнинг ривожланиши, кичик ва йирик ихтироларнинг юзага келиши инновациянинг муҳим омили ҳисобланади.

Индекс - қандайдир иктисодий ҳодисанинг узғаришини ақс эттирувчи рақамли курсаткич. Масалан, баҳо индекси, ишлаб чиқариш ҳажми индекси, ташқи савдо индекси.

Индексация - инфляция шароитида пулли талаблар ва турли даромадларнинг ҳақиқий ҳажмини сақлаш усули. Индексация кредит ва тулов келишувларида, меҳнат ҳақини тулаш ҳақидаги шартномаларда, ҳамда дивидентларни, фойзаларни, нафақа ва бошқаларни тулашни тартибга солиш ҳужжатларда индексли келишувларни ёритишга асосланади. Индексацияга асосан, мажбуриятнинг юзага келиши ва ҳақ туланиши муддати оралиғидаги баҳо узғаришини баҳо индексини куллаш ёрдамида тулов ҳажми мутаносиб асосда амалга оширилади. Индексация асосан алоҳида давлатлар ичида кулланилади.

Индекс Дау Джонс - XIX аср охиридан бошлаб “Дау Джонс Энд компани” фирмаси томонидан нашр этиладиган АКШ йирик компаниялари гуруҳларида акция курсларининг уртача курсаткичи.

Биржа бекитилиши вақтига маълум бир компания гуруҳларининг кунлик арифметик уртача котиловкаси. Индекс Дау Джонсани ҳисоблаш индекси бир неча бор алмашди. Ҳозирги вақтда бир неча индекслар эълон қилинмоқда, саноат компаниялари учун 30 корпорация акциялари асосида, темир йул компанияларига 20 йирик фирма акциялари асосида ва маиший компанияларга (15 фирма). Ушбу индекслар асосида умумий индекс ҳисобланади.

Индекс Дау Джонс АКШда жорий ҳужалик конъюнктурасига курсаткич бўлиб хизмат қилади ва ишбилармон доирадагиларнинг турли иктисодий ва сиёсий воқеаларга реакциясини билдиради.

Индоссамент - қимматбаҳо қогоз, васика, чек, коноссамент ва бошқалардаги ёзув бўлиб, ушбу ҳужжатлар бўйича ҳуқуқ бошқа шахсга утишини билдиради. Асосан, ҳужжатнинг орқа томонига ёки қушимча варақага ёзилади. Индоссаментни амалга оширган шахс, индоссант деб аталади.

Интеграция - кооперация ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни тақсимлаш асосида икки ёки ундан ортиқ давлатлар миллий ҳужалигининг узаро ҳаракатидаги иктисодий жараён.

Инфляция - ҳақиқатда тақлиф этилаётган товарларга нисбатан анча қўп миқдорда қогоз пулларнинг муомалага чиқарилиши. Баҳоларнинг умумий, узок вақт ошиб бориши ва ҳақиқий меҳнат ҳақининг ошиб

бориши билан кузатилади. Олтин бозор бахосини ошириш, ҳаёт киймати, валюта курсининг узгаришлари ҳам инфляция оқибатидир.

Инфратузилма - иктисодий ёки сиёсий ҳаёт умумий тузилишининг таркибий қисмлари. Иктисодий ёки сиёсий тизимда бўйсинувчи, Ёрдам характерга эга бўлиб, умумий фаолиятни таъминлайди. Масалан, иктисодий инфратузилмага қуйидагилар қиради: ижтимоий ишлаб чиқариш ҳолатини белгиловчи транспорт ва алоқа, маориф ва таълим, уй-жой ва маиший хизмат хужалиги, фан ва техника, соғлиқни сақлаш ва бошқалар:

Икки ёклама ёзув - хужалик муомалаларини бухгалтерия ҳисобларида акс эттириш усули. Бу усулнинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир амалга оширилган муомала иккита ҳисобда, яъни бир ҳисобнинг дебети ва иккинчи ҳисобнинг кредитида акс эттирилади. Хужалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби объектларида узгаришлар рўй беришига олиб келади, бу узгаришлар бир эмас, балки икки объектда рўй беради. Масалан, қуйидаги хужалик муомалалари содир бўлди:

Хужалик жараёни	Йигиндиси
1.Банкдан ҳисоб-китоб ҳисобида қисқа муддатли кредит олинди.	100 000
2.Ҳисоб-китоб ҳисобидан меҳнат ҳақи бериш учун пул олинди	50 000
3.Ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	50 000
4.Ишчиларга меҳнат ҳақи туланди	45 000
5.Олинмаган меҳнат ҳақи депонентга утқазилди	5 000
6.Депонентдаги меҳнат ҳақи туланди	5 000

Биринчи муомалада ҳисоб-китоб ҳисобида маблағ қўйилди, шу билан бирга банкдан олинган қисқа муддатли кредит бўйича қарз суммаси ҳам қўйилди. Иккинчи муомалада ҳисоб-китобидаги пул маблағи қаматиб, кассадаги пул маблағи эса қўйилди. Учинчи муомалада ходимлар олдидаги меҳнат ҳақи юзасидан мажбурият, ҳамда қарзнинг қўйилиши рўй берибди. Туртинчи муомаланинг рўй бериши натижасида кассадаги пул маблағи ҳам, ходимлар олдидаги меҳнат ҳақи юзасидан мажбурият ҳам қаматибди. Бешинчи муомалада меҳнат ҳақи ходимларга ҳисобланган, лекин уз вақтида олинмаган (5 000 сум), шунинг учун меҳнат ҳақи депонентга утқазилди. Бу муомалада депонентдаги сумма қўйилди, меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб суммаси қаматибди. Олтинчи муомалада депонентдаги сумма туланди. Бунда кассадаги пул қаматибди, шу билан бирга депонент бўйича ҳисоб-китоб ҳам қаматибди.

Икки ёклама ёзувнинг иктисодий мазмуни бухгалтерия ҳисобининг иккита объектда узгаришни акс эттиришга мувофиқлашган бўлсада, бухгалтерия ҳисобининг баъзи шаклида, масалан, журнал-ордер шаклида ҳисоб регистрлари шаклида усулда юритилиб, ёзув бир марта амалга

оширилади. Яъни дебетланадиган ёки кредитланадиган счетлар курсатилади холос. Икки ёклама ёзувнинг куйидаги уч шарти мавжуд:

- Руй берган хужалик муомаласи бир счетнинг дебети ва иккинчи счетнинг кредитида акс эттирилиши шарт.

- Ушбу акс эттирилган суммалар тенг булиши шарт.

- Йигиндилар бир вақтда акс эттирилиши шарт.

Инвентаризация - корхонага тегишли булган барча асосий воситалар, инвентарлар, маблағлар ва бошка моддий бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларини солиштириш ва текшириш усули. Инвентаризация утказилишидан асосий мақсад бухгалтерия ҳисоби курсаткичларининг ҳаққонийлигини ва мулкнинг сакланишини таъминлашдир. Инвентаризация объекти булиб куйидагилар ҳисобланади. Асосий воситалар; товар-моддий бойликлар; тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар; тугаланмаган капитал қурилиш ва тугаланмаган қурилиш-монтаж ишлари; келгуси давр харажатлари; боқувдаги ва устиришдаги қорва моллари; товар ва идишлар (савдо корхоналарида), пул маблағлари; қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар; корхонага тегишли булмаган бойликлар (ижарага олинган асосий воситалар, вақтинча саклаш учун олинган ёки қайта ишлаш учун қабул қилинган бойликлар).

Инвентаризация олдиндан белгиланган муддатда, шунингдек, моддий жавобгар шахс алмаштирилганда, аудит вақтида, табиий офатлар булганда, аудиторлар ва тергов органлари талаб қилган ҳолларда утказилиши мумкин. Текширилаётган объект ҳажмига қура инвентаризация тула ва қисман утказилиши мумкин. Тула инвентаризацияда ҳужалик юритувчи субъектнинг барча ҳужалик мулклари тулик текширилади. Қисман инвентаризацияда эса ҳужалик мулкларининг маълум бир қисмигина текширилади. Утказилиш вақтида инвентаризация режали ва режасиз булади. Режали инвентаризация курсатмаларда белгиланган муддатда утказилади, режасиз инвентаризация эса, зарурий вақтларда, асосан тусатдан утказилади.

Инвентаризациянинг уз вақтида ва тугри утказилишини, корхона раҳбари ва бош бухгалтер таъминлайди. Корхона раҳбарининг буйруғи асосида, бош бухгалтер ва корхона аъзолари иштирокида комиссия тузилади. Ушбу комиссияга корхона раҳбари ёки унинг уринбосари раҳбарлик қилади. Активият даражаси кенг булган корхоналарда эса, марказий комиссия ҳам тузилиб ушбу комиссия раҳбарлигида корхонанинг булим ва цехларида инвентаризация жараёни амалга оширилади. Инвентаризация бошланишидан олдин, моддий жавобгар шахс тилхат ёзиб, унда бойликларнинг қирими ва қикими ҳақидаги ҳамма ҳужжатлар бухгалтерияга топширилганлиги ва унда ҳеч қандай акс эттирилмай қолган бойликларнинг қирими ва қикими йуқлиги курсатиб утилади. Инвентаризациянинг биринчи қунига бухгалтерия аналитик ҳисоби асосида текширилаётган объект ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, инвентаризация албатта, моддий жавобгар шахс иштирокида утказилиши лозим булади, лекин куйидаги холлардан ташкари: касаллик, улим ва бошка тасодифий холлар. Бундай холларда комиссияга юкори ташкилот ёки депутатлар, хокимият вакиллари кушилади. Хар бир бойликнинг тури алохида инвентаризация ёзувида курсатилади. Инвентаризация ёзуви асосида бухгалтерия хисобида солиштирма кайднома тузилиб, унда бойликларнинг камомоди ёки ортикчалиги курсатилади.

Инвентаризация комиссияси солиштирма кайднома тугри тузилганлигини текширади, моддий жавобгар шахсдан камомад ёки ортикча чиқиш сабаблари хакида ёзма тушунтириш хати талаб этади ва уз фикрини корхона рахбари томонидан тасдикланган баёнда билдиради. Бухгалтерия хисобида инвентаризация натижалари инвентаризация тугагандан сунг 10 кун ичида ва барча холларда хисобот тузишдан олдин албатта, бухгалтерияда акс эттирилиши лозим.

Инвентаризация ёзувлари - инвентаризация утказилган вақтда тузиладиган хужжат. Бунда товар-моддий бойликлари ва бошка инвентаризация қилинаётган объектларнинг маълум бир муддатга хақикий ҳолати акс эттирилади. Бу хужжат комиссия аъзолари томонидан бир неча турда ва белгиланган шаклда тузилади. Алохида инвентар буйича ёзув эса, корхонага тегишли булмаган бойликлар юзасидан тузилади (ижарага олинган асосий воситалар, саклаш ва қайта ишлаш учун қабул қилинган бойликлар). Хужжатда товар-моддий бойликлари тури, улчов бирлиги буйича курсатилади.

Хужжатга барча комиссия аъзолари имзо чекади, моддий жавобгар шахс эса, инвентаризация натижасига ва комиссия аъзолигига эътирози йуклиги хакида тилхат ёзиб беради.

Инвентаризация ёзувидан бухгалтерия хисоби маълумотларининг солиштирма кайдномасини тузишда фойдаланилади. (*қаранг. Инвентаризация*).

Инвентар карточкалар - асосий воситалар (фондлар)нинг хисоби учун мулжалланган ҳисоб регистрининг шакли. Инвентар карточкалар хар бир объект хужаликка келтирилганда тузилади. Инвентар карточкалар объектларнинг хар бир тури буйича алохида очилиши мумкин. Карточкада инвентар объекти тугрисидаги ҳамма керакли маълумотлар акс эттирилади: унинг номи, амортизация ажратмаси микдори, шунингдек, капитал тиклаш, жихозлар, бутлаш ва хисобдан чиқаришлар ҳам акс эттирилади.

Инвентар объекти - тугалланган қурилиш, буюм ёки комплекс Инвентар объекти асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади. Хар бир корхонада инвентар объектлари қуп булиб, уларнинг хар бири буйича ҳисобни тугри ташкил этиш учун инвентар ракам белгиланади.

Инвентар раками - инвентар объектга бириктирилган ракам. Инвентар раками асосий воситалар (фондлар) ҳисобини тугри ташкил

этиш учун ва объектларнинг сакланишини таъминлаш учун зарурий хисобланади. Бир турдаги буюмларнинг гурухи учун шу объектларнинг хакикий ҳолати, энг куп кийматини хисобга олган ҳолда, ракамлар серияси ажратилади. Бухгалтерия ҳужжатларида асосий воситалар хисобида ушбу инвентар ракамлар курсатилади.

Инкасса (лат. *incasso*) - тулов ҳужжатларини курсатиб пул олиш.

Тулов ҳужжатлари асосан, банк томонидан курсатилади. Харидор ва мол етказиб берувчилар уртасидаги хисоб-китоб нақд пулсиз олиб борилади, демак, банк пулни инкасса орқали олар экан, улар уртасидаги хисоб-китобни (счётдан хисобга маблаг утказиш) бажариш вазифасини олади. (*инкассалашга қаранг*).

Инкассалаш (лат. *incassare* - *яшикка солиш*) тулов ҳужжатларини курсатиб, у асосида пулни олиш (*инкассага қаранг*).

Инкассатор- субъектлардан пулни ҳужжатлар асосида қабул қилиб, банкка топширувчи шахс.

Имтиёз - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман озод этиш. Масалан, солиқлар бўйича бериладиган имтиёзлар ҳозирги кунда республикамизда хусусий корхоналар, хунармандчилик билан шугулланадиган шахслар ва қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга белгиланган тартибда даромад солиғи тулаш бўйича имтиёзлар берилган. Имтиёзларнинг берилишдан асосий мақсад шу соҳаларни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш хисобланади.

Импорт - давлатнинг ички бозорига хориждан, технология ва капиталларни сотиш ва улардан фойдаланиш учун товарларнинг келтирилиши, шунингдек, хорижий ҳамкорлардан ишлаб чиқариш ёки истеъмол характеридаги хизматларнинг бепул олиниши.

Ипотека - қарздорнинг қучмас мулки билан таъминланган, қарз мажбуриятини акс эттирувчи қимматбаҳо қогоз.

Ипотека ссудаси - қучмас мулк гаров асосида берилган узок муддатли ссуда.

Ишлаб чиқариш харажатлари - корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлари (меҳнат ҳақи, хом ашё, материал, ёкилғи, асосий воситаларнинг эскириши ва хоказолар).

Ишонч қогози - маълум бир шахсга товар моддий бойлиғи, пул маблағи ёки ҳужжатни олиш, шунингдек, маълум бир ҳаракатни бажариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Босма шаклидаги бланкага тулдирилади. Мажбурий реквизитлар қуйидагилар хисобланади: корхонанинг номи, шу корхонага хизмат қилувчи банк номи ва хисоб-китобининг раками, ишонч қогозининг ҳаракат муддати, товар моддий бойликларини қим ва қимдан олиши лозимлиғи, товар-моддий бойликларининг номи ва миқдори, ишонч қогозини олган шахс имзоси, корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси, муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

-Қ-

Калькуляция (лат. *calculatio* - *хисоблаш*) - бажарилган иш, тайёрланган махсулот, кабул килинган моддий бойликлар кийматини аниклаш, харажатларини гурухлаш усули. Калькуляция ёрдамида режаланган ва хакикий киймат солиштирилади, унинг натижасида иктисодий тежамкорлик ишлари мақсадли амалга оширилади. Калькуляция утказилиши ва мақсадлигига қараб (режали, меъёрий) ва ҳисобот турларига бўлинади. Режали калькуляция - режа даврининг бошидаги харажатлар меъёри ва бошқа режали курсаткичлардан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бу калькуляциянинг вазифаси киймат бўйича режа топшириқларини белгилаш ҳисобланади. Меъёрий калькуляция ишлаб чиқариш харажатларининг ой бошидаги, ҳаракатдаги меъёридан фойдаланиб утказилади. Бу калькуляциянинг тури ёрдамида махсулотнинг меъёрий киймати аникланади, унда хакикий киймати ишлаб чиқариш даврида утказиб, хакикий харажатларнинг белгиланган меъёридан фарқи тезда аникланади. Савдода эса келтирилган товарнинг калькуляция килиниши, уларнинг ҳар бир тури бўйича кетган харажатнинг миқдорини аниклаш имконини беради ва тегишли ҳулосалар чиқариш имконини яратади. Ҳисобот калькуляцияси ҳисобот даври (ой, квартал, йил) охирида утказиб, ишлаб чиқарилган махсулот ёки сотиб олинган товар учун кетган харажатлар аникланади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланилади. Унда режа ва хакикий харажатлар солиштирилиб иктисодий ёки юқори харажат аникланади. Аммо ҳулоса чиқараётганда махсулотнинг хакикий таннархига ноишлаб чиқариш харажатлари (яроксиз ва сифатсиз махсулотлар бўйича йукотиш, саклашда материалларнинг камомати, пул инфляцияси) ҳам қиради. Улар эса режалаштирилмайди ва режавий таннархга қушилмайди.

Калькуляция моддалари - кийматни ташкил этувчи харажат турлари. Харажат турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги №3 сонли (2003 йилда узгартиришлар киритилган “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисидаги Низом”да келтирилган. Ушбу Низомга қура, махсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар.
2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари.
3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар.
4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси.
5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Канбан - қайта қуришга мосланувчан ва деярли захираларсиз фаолият юритувчи узлуксиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш механизми.

“Канбан”сузи таржимада “карточка”деган маънони билдиради. “Канбан”тизими - маълумотларни ёзишнинг визуал тизимидир. Канбан металл карточкаларнинг тизим ичидаги айланма ҳаракатини билдиради. Металл карточкалар учбурчак, тугри туртбурчак ёки доира шаклида булиб, маҳсулотни ишлаб чиқариш буюртмаси билан боғлиқ маълумотларни узида жамлайди. “Канбан”маълумотлар тизими булиб, ишлаб чиқариш ва ҳар бир босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини тез-тез тартибга солиб турилишини таъминлайди.

“Канбан”тизими фирма-заҳдларида, ҳамда мол етказиб берувчи фирмада ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида керакли ҳажмда ва керакли вақтда зарурий маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини таъминловчи ахборотлар тизимидир.

Касса китоби - корҳона кассири касса жараёнлари ҳисобини юргизишига мулжалланган ҳисоб регистрлари. Ушбу китоб варакалари тартиб рақамларига эга булиши лозим. Ундаги ёзувлар касса жараёнларини меҳнат ҳақидаги Низомга асосан ҳар бир қирим ва қиким ҳужжатлари бўйича олиб борилади. Қун охирида кассир қирим ва қиким суммаларини, кейинги қунги пул қолдигини аниқлайди ва ёзувда акс эттиради. Китобдаги ёзувлар икки нусҳада олиб борилади. Иккинчи нусҳаси ҳар қуни ёки бошқа белгиланган муддатларда касса ҳисоботи сифатида бухгалтерияга топширилади. Бухгалтер китобдаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги ва тугрилигини текшириб ҳужжатни қабул қилинганлигини тасдиқлайди ва имзо чекади. Бош бухгалтер касса китобининг тугри юргизилаётганлигини мунтазам равишда назорат қилиб бориши лозим.

Касса лимити - корҳона кассасида доим булиши мумкин булган пул маблағларининг суммаси. Бу сумма қунлик майда ҳаражатлар учун ишлатилади. Уни банк корҳона билан қелишган ҳолда шу корҳона шароитини ҳисобга олиб белгилайди. Лимитдан ортик суммадаги меҳнат ҳақини тулаш учун банкдан олинган қундан ташқари уч қунгача булган муддатда булиши мумкин. Назорат вақтида кассада сабабсиз лимитдан ортикча пул маблағи аниқланса, 80-счётнинг қредитига ёзилади ва кассир қоидани бузган ҳисобланади.

Кассанинг ордерлари - корҳона кассасига пул қирими ва қикимининг қонунийлигини ва белгиланган мақсад бўйича амалга оширилганлигини асословчи ҳужжатлар. Кассанинг ордерлари бухгалтерияда сиёҳ билан ёзилади, ордерларда уларни тулдириш асоси ва уларга илова қилинган ҳужжатлар қурсатилиб утилади. Ордерларда ҳеч қандай тузатишлар қиритиш, яъни суммаларни узғартириб ёзишга қухсат берилмайди. Кассага пул кассанинг қирим ордерида ҳужжатлаштирилиб, унда қимдан (нимага) қабул қилинаётганлиги ва бошқа зарурий маълумотлар қурсатилади. Корҳона кассасидаги пул қикими кассанинг қиким ордери асосида ҳужжатлаштирилади. Кассанинг қирим ва қиким ордерлари кассир имзоси билан тасдиқланади. Кассанинг ордерларига илова қилинган ҳужжатларга, “қерилди”ёки “олинди”деб муҳр босилади.

Кассанинг кирим ва чиким ордерлари хронологик даврга асосан йил бошидан йил охиригача булган муддатда алохида тартиб раками билан белгиланади. Кассир шу кирим ва чикимни кассанинг кирим ва чиким ордерларига илова килинган хужжатлар асосида касса китобида акс эттириб боради.

Кассирнинг хисоботи - Кассир томонидан корхона бухгалтериясига топшириладиган хисобот. Бу счетот кассанинг китоби маълумотларига асосан тузилади ва унга илова килинган кирим ва чиким ордерларидан иборат булади. Кассир хисоботни иш куни охирида ёки белгиланган муддатда топшириши лозим. Бухгалтерия хисоботини текшириб қабул қилади ва кассанинг китобига қабул килинганлиги ҳақида имзо чекади. Кассирнинг хисоботи касса жараёнларини хисоботда акс эттириш ва бухгалтерия томонидан кассирнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради.

Кассир - касса пулни қабул қилиш, саклаш ва бериш мажбурияти юклатилган жавобгар шахс. Кассир ёзма равишда моддий жавобгарлик ҳақида мажбуриятни узининг буёйнига олади. Кассир уз иши жараёнида касса жараёнларини ҳақидаги низомга амал қилиши зарур. Пулни қабул қилиш ва беришда кассир корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланган хужжатларга асосланади. (*касса ордерига қаранг*). Кассадаги пул маблағлари хисобини кассир кассанинг китобида олиб боради.

Квота - ишлаб чиқаришда, савдода, маҳсулот экспорти ёки импортида қатнашиш улуши бўлиб, қартелга қирувчи корхона ёки компания учун белгиланади. Квота ҳажмига мос равишда фойда тақсимланади. Квота оширилса, жаримага тортилади. Квотани белгилашдан мақсад савдони, экспортни чеклаш. Импорт квота (контингентлар) импортни миқдор жиҳатдан чеклашнинг усуллари билан бири бўлиб, товар ёки бошқа маблағлар давлатга импортнинг маълум бир давр мобайнидаги максимал (энг юқори) суммасини ёки миқдорини белгилайди.

Келгуси давр даромадлари - хисобот даврида олинган, аммо келгуси даврга тегишли булган маблағлар.

Бу маблағларга олдиндан олинган ижара туловлари, маиший хизматлар учун туловлар, йуловчиларни ва юкларни ташиш ҳақлари, чораклик, ойлик туловлари, алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун абонемент туловлари ва бошқа муддатидан олдин туланган маблағлар қиради.

Клиринг - тулов ва мажбуриятларни узаро қоплаш йули билан нақд пулсиз хисоб-китоб тизими; давлат ичидаги клиринг узаро хисоб-китоб орқали банклар уртасидаги нақд пулсиз хисоб-китоб тизимидир, халқаро хисоб-китобларда махсус ташкил этилган клиринглар қилишув қуринишида амалга оширилади. Халқаро хисоб-китобларда икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳукуматлари ёки Марказий банклари уртасида

ташки савдо ва улар уртасидаги турли узаро муносабатларда юзага келадиган тулов ва карзлар юзасидан клиринг келишувлари тузилади.

Клиринг келишувлари, валютали клиринг давлатлар уртасида ташки савдо жараёнлари натижасида юзага келган карзларни узаро коплаш оркали амалга оширилишини билдиради (олтин ёки хорижий валюталар туловисиз).

Валютали клиринг - ташки савдода хисоб-китоб шакли булиб, бир давлатнинг карзи шу давлатга булган карзни коплаш оркали амалга оширилади. Валютали клирингнинг мазмуни шундаки, унга кура, экспорт ва импорт товарлар юзасидан давлатлар уртасидаги хисоб-китоблар хар бир савдо-сотикдан кейин эмас, балки давлатдан чикарилган ва шу давлатга келтирилган товарлар киймати уртасидаги фарклар юзасидан даврий туловларни амалга ошириш асосида олиб борилади.

Комиссионер - савдо ва келишувлардаги воситачи булиб, уз номидан, аммо комитент фойдасига ва комитент хисобидан маълум бир рағбатлантиришга асосан савдо топширикларини бажарувчи шахс. Комиссионер билан учинчи шахс уртасидаги келишувда ҳуқуқ ва мажбуриятлар комиссионер ва учинчи шахс уртасида юзага келади. Аммо, келишувда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, комиссионер комитент олдида учинчи шахснинг келишувни бажаришига жавоб бермайди.

Комитент - (лотинчадан “топширик берувчи”) импорт ёки экспорт, банк жараёнлари, карз жараёнлари ва бошқалар юзасидан маълум бир муддат ичида аниқ бир келишув ёки келишувларни тузишни бошқа шахс (комиссионер)га топширик сифатида берувчи шахс. Комитент топширигини комиссионер уз номидан амалга оширсада комитент хисобига бажаради.

Компенсация келишуви - тенг кийматдаги товарларни узаро етказишни мулжаллаган келишув. Товар алмашишнинг оддий келишувидан фаркли уларок, компенсация келишувида асосан, комплекс шартнома тузилиб, унда жумладан, корхона учун ускуна кредитга бериш ва “ноу-хау”ни корхона ишга тушгандан сунг тайёр маҳсулот ёки бошқа товарлар билан хисоб-китоблар оркали бериш келишилади.

Компенсация келишувида импорт қилинаётган товарни қисман пул билан коплаш ҳам келишилиши мумкин.

Консалтинг - маслаҳат хизмати қилинган курсатиш ва экспертиза утказиш. Консалтинг билан шугулланадиган фирмалар консултив деб аталади.

Коносамент - юкни етказиш учун қабул қилинган тасдиқловчи ва юкни қабул қилувчига беришни юк ташувчига мажбурият сифатида белгиловчи ҳужжат.

Юк ҳаракати босқичидан ёқелиб чиқиб, коносаментнинг қуйидаги турлари мавжуд: борт коносаменти, оддий коносамент (етказиш учун қабул қилинган юк учун), порт коносаменти, омбор коносаменти.

Консигнатор - товарларнинг эгаси бўлмасида, товарлари мавжуд бўлиб, асосан, комисион бошланғич босқичида фаолият юритади. Уз

идораси, шунингдек, қабул қилиш, қайта ишлаш ва товарларни сотиш бйносига эга бўлади.

Консигнация - товарларни хорижга сотишнинг комиссия шакли бўлиб, унга кура товарларнинг эгаси (консигнант) у ердаги уз комиссиянерига (консигнаторига) товарлар партиясини сотиш учун жунатади.

Консорциум - аник иктисодий лойихаларни амалга ошириш учун фирмаларнинг вақтинчалик шартномавий келишуви: молиявий жараёнларни биргаликда амалга ошириш учун банклар ёки саноат корхоналарининг узаро келишуви.

Контокоррент ҳисоби - ҳисоб-китоб -ссуда ҳисоби. Оддий уч ёки ундан ортиқ ҳисоблар (молиялаштириш ҳисоби, ҳисоб-китоб ҳисоби ва бошқалар) урнига корхона битта ҳисоб юргизади. У ҳисоб-китоб-ссуда (ёки контокоррент) ҳисоби деб аталади. Ушбу ҳисоб орқали пул оқими у ёки бу томонга ўтади. Контокоррент ҳисоб очилиши учун қуйидаги шароитлар мавжуд бўлиши керак: корхона мукамал бухгалтерия ҳисобига, юқори даражадаги молиявий ҳолатга, молиялаштиришнинг уз манбаига эга бўлиши керак.

Контрагент - бир бирига нисбатан шартномадаги томонларнинг ҳар бири.

Контрактация - тайёрловчи, қайта ишловчи саноат корхоналари (контрактантлар) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар (бевувчилар) уртасидаги икки ёклама шартнома. Ушбу шартномада ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори, сифати ва етказиш шартлари ҳамда муддатлари келишиб олинади.

Контрафакция-бошқа компания маҳсулотларини намён этиб бўлган товар белгиларидан бошқа фирмаларнинг фойдаланиши. Контрафакция натижасида харидорлар товарнинг келиб чиқиш манбаига иккиланиб қарашади. Манфаати бузилаётган корхона эса, шу давлатда урнатилган қонунчиликдан келиб чиқиб, уз ҳуқуқини ҳимоя қилиш тадбирларини қўллаши мумкин.

Концерн - мулкчилик ва назорат бирлигига асосланувчи бирлашиш шакли. Концернга қирувчилар мустиқилликка эга бўлмай, концернни бошқарувчи бош ташкилот томонидан назорат қилинади. Концерн иштирокчилари бир вақтининг ўзида бошқа концернлар таркибига қириши мумкин эмас.

Концессионер - концессия эгаси, юридик шахс бўлиб, концессия олган бўлади.

Концессия - 1. Давлат ёки муниципал ҳукумат, ҳусусий тадбиркорлар, хорижий фирмалар билан табиий бойликлардан, корхоналардан, ер ва бошқалардан қегараланган муддатда фойдаланиш юзасидан тузилган шартнома. 2. Концессия тартибда ташкил этилган корхона.

Кооператив - биргаликда махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, товар ва хизматларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш, уй-жойларни қуриш ва улардан фойдаланиш ва бошқалар мақсадида шахсларнинг бирлашиши.

Космополис - қурилиш техникаси, архитектура, экология фани, информатика ва коммуникация маблағларининг мукаммал даражасига асосланган шаҳар қурилиши ва инфратузилмаларининг яхлит концепцияси.

Корректур (*лат. correcto - тузатиш*) - ҳисоб-китоб ёзувларидаги хатоларни тузатиш усули. Бу усулда хато ёзув қуриладиган, уқиб буладиган қилиб ўқиради ва уни ёнига қеракли ёзув акс эттирилади. Тузатилган хато бухгалтерия регистрини юргизувчи жавобгар шахс имзоси билан тасдиқланади. Бунда тузатишга ишониш мумкинлиги ёзилади. Бу усул бир неча ҳисоб регистрларида йул қуйилган хатоларни тузатиш учун ишлатилмайди. (*қушимча бухгалтерия ёзуви-сторнога қаранг*).

Котировка - фонд биржасида қимматбаҳо қозғаларга курс белгилаш; товар биржасида товарлар баҳоси ва уларнинг биржа бюллетенларида ёзилиши, тегишли давлат органлари ёки валюта биржаларида хорижий валюталарига курс белгилаш. Тулик котировка харидор ва сотувчилар курсини ўзида акс эттириб, унга қура, котировка қилувчи хорижий валютани, қимматбаҳо қозғани ёки товарни сотиб олади ёки сотади. Харидор ва сотувчиларнинг курслари ўртасидаги фарқ котировка қилувчининг даромадини билдиради, ҳамда шу даромад ҳисобига қелишувнинг амалга оширилиши билан боғлиқ қаражатлар қопланади. Тўғри котировкада хорижий валютанинг маълум бир миқдори котировка қилувчининг миллий пул бирлигига тенглаштирилади. Хорижий валютанинг эгри котировкасида миллий валюта бирлиги хорижий пул бирлигининг маълум бир миқдорига тенглаштирилади.

Қорхонанинг жалб этилган маблағлари - қорхонанинг банк қредити қурилишида олган маблағлари. Бундан ташқари яна, қиска ва ўзққ муддатли қарзлар ҳисобидан жалб этилган маблағлари ҳам бўлиши мумкин. (*қредит, қарзларига қаранг*).

Қредит (*лат. credit - у ишонади*) - бухгалтерия сқетининг бир қисми. Актив сқетларнинг қредитида ҳисоб объектининг қамайиши ёзилади, пассив сқетларда эса ўшбу ҳисоб объектлари сқуммасининг қупайиши ёзилади. Қредит томондаги ққдик пассив ва актив-пассив сқетларда бўлади.

Қредит (*лат. creditum - қарз*) - пул маблағлари ёки товарни қарзга бериш. Қорхона ва ташқилотлар маблағларининг айланма қаракатининг бир қилда эмаслиги натижасида вужудга қредитга бўлган шароит ва талабини банқлар ққндиради. Асқсий принциплари эса, ўз вақтида қайтарилиши, мақсадли мулжалланганлиги, моддий бўйлик билан таъминланганлигидир. Қредит 2 қил бўлади: қиска муддатли ва ўзққ муддатли қредитларга бўлинади (*қиска муддатли ва ўзққ муддатли*

кредитларга қаранг). Корхона олган кредитлар 6810, 7810 ҳисобларда ҳисобга олинади. Бу ҳисобларнинг кредитида олинган кредит суммаси, дебитида эса шу сумманинг қайтарилиши акс эттирилади.

Кредиторлар - маълум бир муддатга бошқа шахсга қарз берган корхона, ташкилот, муассаса (мулкчилик шаклидан қатъий назар) ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби асосан 6990-“Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”ида юритилади. Кредиторларнинг қарзи шу ҳисобнинг кредитида акс эттирилади. Кредиторлар қарзларининг вужудга келиш сабаблари тулов муддатлари ва ҳолатини назорат қилиш учун ҳар бир кредитор бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритилади. Бунинг учун корхоналар ҳар хил ҳужжатлар, китоблар, ведомост ва ҳоказолардан фойдаланадилар.

Кредит карточкаси - пул ҳужжати бўлиб, эмитент томонидан чиқарилади ҳамда, унинг эгасига турли хизматлар учун нақд пулсиз туловни амалга ошириш ҳукукини беради. Кредит карточкаси эгасининг тегишли муассасадаги ҳисобида мавжуд бўлган маблағлар ҳолатини билдиради.

Кредит карточкасини савдо корхонаси ёки хизмат соҳасидаги корхоналарга қўйиб бериладиган шахс ҳисобга имзо чекади. Хизмат қўйиб берган корхоналар эса даврий равишда эмитент муассаса билан ҳисоблашади. Бундай ҳисоб-китобда эмитент муассаса кредит карточкаси эгасининг жорий ҳисоб варағидан тегишли суммани ўқиб олади.

Кредобанк. 1. Давлат банки лицензиясига асосан Кредобанкка “БУТЭК” концерни иштирокчиси бўлган корхоналарга, ҳамда улар иштирокида тўзилган қўшма корхоналарга хорижий валютада ҳисобварақ очишга рўхсат берилган.

2. Кредобанк ўзаро ҳисоб-китоб бўйича қарздорларни факат “БУТЭК” концернининг корхоналари ва қўшма корхоналари учун амалга оширади.

3. Банк ҳисобварақларидаги валюталар дунёнинг турли мамлакатларида индивидуал миқдор томонидан нақд олиниши мумкин. Ходимлар қўлида кредит карточкаларни қўлдан олиш истисно қилинмайди.

4. Кредобанк ўз миқдорларини тижорат қўйиб бериш бўйича хорижий валюталар билан актив қарздорларни амалга оширишни, шунингдек, қўйиб бериш ва қўйиб олишларга қўйиб бериш имконини қўйиб бериш хорижий давлатлар банкларида валюта маблағларини қўйиб бериш миқдорларидан.

Кредиторлик қарзлари - маълум бир корхонанинг бошқа бир корхона (ташкилот, муассаса)га ва алоҳида жисмоний шахсларга бўлган қарз суммалари. Бу корхона ва шахслар кредиторлар ҳисобланади. Кредиторлик қарзларининг вужудга келиши сабаби, қўйиб бериш ва мол қўйиб бериш берувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар қўйиб бериш (қўйиб бериш томонидан

тулов товарлар келиб тушгандан сунг амалга оширилганда) ёки корхона томонидан тулов мажбуриятларини уз вактида бажарилмаслигидир. Корхонада бир вақтнинг узида ҳам кредиторлик, ҳам дебиторлик қарзлари вужудга келиши мумкин. Бирок кредиторлик қарзлари дебиторлик қарзларидан ошиб кетимаслиги лозим. Чунки, дебиторлик қарзлари кредиторлик қарзларини коплаш манбаи бўлиши мумкин. Кредиторлик қарзлари корхона балансининг пассив қисмида акс эттирилади.

Курсатма (лат. *instructio-инструкция, тузилиш*) - меъёрий ҳужжат бўлиб, вазирликлар ёки марказий ташкилотлар томонидан берилади, унда маълум бир масалаларнинг ҳал этилиши тартиби ва тартибга солиш шартлари курсатилади. Курсатмалар бухгалтерия ҳисоби фаолиятида ҳам кенг қулланилади. Курсатмалар ҳисоб тартибининг бирлигини таъминлаб, йиғма ҳисобот курсаткичларининг имконини беради. Бухгалтерия ходимлари курсатмаларга ижобий ёндашиб маълум бир масалаларни ҳал этишда ҳар хил амалий тажрибаларни утказиб, ҳисоб жараёнларини такомиллаштириш йулларини урганадилар ва уз таклифларини берадилар. Амалда эришилган ютуқ ва янгиликлар натижасида курсатмаларга узгаришлар киритилади. Бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришда иктисодчиларнинг роли катта аҳамиятга эгадир.

-Л-

Либергид-лиз - лизинг тури бўлиб, унга кура ижарага берувчи ва лизинг фирмаси ишонч компаниясини тузади. Ушбу компания асбоб-ускунани харид қилиб, ижарага олувчига узок муддатга беради. Ижарага олувчи эса, уз навбатида солиқ ва амортизация имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Юқоридаги ҳуқуқлардан фойдаланиш орқали ижарага олувчи ижара билан боглик харажатларни камайтиришга эришади.

Лиз-бек - халқаро лизингнинг янги шакли. Шартномага асосан, лизинг фирмаси бошқа давлатдан машина, асбоб-ускуна ва бошқаларни ҳисоб-китоб орқали ишлаб-чиқарувчи-фирмалардан харид қилади, сунгра шу фирманинг узига уларни кредитга сотади.

Лизинг -лизинг берувчи билан лизинг олувчи уртасида лизинг олувчига ҳужалиқ фаолиятини ва бошқа фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш мақсадида кучар ва кучмас мулкни вақтинчалиқ фойдаланиш учун бериш тугрисида лизинг битими (шартномаси, контракт)ни тузиш натижасида вужудга келган ҳужалиқ қарз муносабатлари.

Лицензия - (лотинчадан - ҳуқуқ, рухсат) расмий рухсат. Тижорат амалиётида унинг икки асосий тури учрайди: экспорт ва импортга лицензия, ҳамда патентли лицензия. Маълум бир микдордаги у ёки бу товар гуруҳларининг экспорт ёки импортига лицензия давлат бошқаруви ташкилотлари томонидан берилиб, ташқи савдо фаолиятини назорат қилиш шаклларида бири ҳисобланади.

Патентли лицензия - маълум бир муддатга ихтирочига ихтиродан фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома. Лицензияни товарлар билан бирга сотиш ички ва ташки бозордаги асосий жараёнлардан биридир. Лицензияни бериш хақидаги лицензион келишувда томонларнинг келишувига кура, лицензиянинг узидан ва ундан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган товарлардан фойдаланиш тартиби келишиб олинади.

Лицензия келишуви - лицензия, “ноу-хау”, товар белгилари ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш хақидаги келишув. Лицензия келишуви патентли лицензияни, бир неча патентларни ва улар билан боғлиқ “ноу-хау”ларни ёппасига, ихтиро патентларисиз “ноу-хау”ларнинг фойдаланиш учун берилишини узида жамлаши мумкин.

Лифо - 1. Товар-моддий бойликларини сунгги қабул қилинган ёки тайёрланган партия баҳоси бўйича ҳисобга олиш усули. Лифонинг қулланилиши фойда суммасини қупайиши ёки қамайиши имкониятини беради.

2. Жамгармачига фоиз суммаларида ютукни таъминловчи, банкдан жамгарма қисмини муддатидан олдин олишда фоизни ҳисоблаш усули.

Ломбард жараёнлари - қарз олувчининг гарови (қафолати) асосида ссуда бериш.

Лот - товар партияси. Келишувдаги улчов бирлиги.

-М-

Мажбурий тулов - эгасининг розилигисиз ҳисоб-китоб сче́тидан пул маблағининг утқазилиши. Масалан, мажбурий туловларига; давлат бюджетига, давлат ижтимоий сугуртасига тулов, сугурта туловлари ва бошқа белгиланган қоидаларга асосан туловлар қиради.

Маклер - фонд, товар ва валюта биржаларида келишувларни амалга оширувчи воситачи (брокерга қаранг).

Манзил (*фр. adresse*) - қорхона, ташкилот ва муассаса ёки маълум бир шахсининг жойлашган ери. Манзил тулов талабномаси, тулов топшириқномаси, шартнома ва бошқа ҳужжатларда қурсатилади. Манзилнинг аниқлиги ва ҳужжатларда тугри акс эттирилиши лозим бўлиб, халқ ҳужалигининг бугинларидаги ҳамма соҳалар бўйича узаро муносабатларда қатта аҳамиятга эгадир.

Материаллар - шундай буюмларки, уларга инсон меҳнати сарфланиб, тайёр маҳсулот олинади. Ишлаб чиқаришда уз шаклини сақлаб қийматини тайёр маҳсулотга аста-секинлик билан утқазувчи меҳнат воситаларидан фарқли уларок, меҳнат буюмлари уз қийматини маҳсулотга тулик утқазиб, ишлаб чиқаришда тула истеъмол қилинади ва ҳар бир ишлаб чиқариш циклидан сунг бошқа меҳнат буюмлари - материаллар ишлатилади.

1000-“Материалларни ҳисобга олувчи”сче́тлар қорхонага тегишли мавжуд хомашё, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, идишлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва шунга ухшаш бойликлар ва уларнинг ҳаракати хақидаги маълумотларни акс эттириш учун мулжалланган.

Олиб келинган (тайёрланган) материалларнинг хакикий таннархи олиб келиш (тайёрлаш) бахоси ва уларни корхонага келтириш ва тайёрлаш харажатларидан иборат.

Маржа - (французчадан - чет) савдо, биржа, сугурта ва банк амалиётларида товарларнинг бахоси, кимматбаҳо коғозларнинг курслари, фоиз микдорлари ва бошқа курсаткичлар уртасидаги фаркларни ифодалашда кулланиладиган атама. Савдо амалиётида маржа деганда, асосан, товарларни сотиб олиш ва сотиш баҳолари уртасидаги фарк тушунилади.

